

НИГОРА МУРОДОВА

ЎЗБЕК ДИАЛЕКТОЛОГИЯСИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**МУРОДОВА НИГОРА**

**ЎЗБЕК ДИАЛЕКТОЛОГИЯСИ**

**5111200-Ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналиши талабалари учун  
дарслик**

**ТОШКЕНТ-2019**

Олий таълим муассасаларининг ўзбек тили ва адабиёти бакалавриат йўналиши таълим дастурида талабаларга миллий қадриятларимиздан бўлган ўзбек шевалари тўғрисида илмий-амалий билимларни бериш кўзда тутилган. Ушбу дарслиқда ўзбек диалектологиясининг назарий асослари акс эттирилган. Шеваларнинг тахлили, уларнинг ҳудудидий тарқалиши бўйича изоҳланган. Дарслик маъруза материаллари, амалий машғулот материаллари, мустақил ишлар мазмуни, диалектология фанидан малакавий (ўқув) амалиёти дастури материаллари, шунингдек, талабалар билимини назорат қилиш бўйича ностандарт тестларни ўз ичига олади.

В образовательной программе направления бакалавриата узбекского языка и литературы высших учебных заведений предусмотрено дать студентам научно-практические знания о диалектах узбекского языка, которые являются национальными ценностями народа. В данном учебнике отражены теоретические основы узбекской диалектологии. Анализированы диалекты, их региональное распространение. Учебник включает в себя тексты лекций, материалы практических занятий, содержание самостоятельной работы, материалы программы квалификационной (учебной) практики по дисциплине «Диалектология», а также нестандартные тесты для контроля знаний студентов.

In the educational program of the direction of the bachelor of the Uzbek language and literature of higher educational institutions it is provided to give students scientific and practical knowledge about the dialects of the Uzbek language, which are the national values of the people. This textbook reflects the theoretical foundations of the Uzbek dialectology. Dialects, their regional distribution are analyzed. The textbook includes the texts of lectures, practical materials, the content of independent work, the materials of the program of qualifying (educational) practice in the discipline "Dialectology", as well as non-standard tests for monitoring students' knowledge.

## **Шартли қисқартмалар**

Манбалар

ДЛТ - Махмуд Кошғарий. Девону луготит турк. I, II, III. - Тошкент, 1960-1963

ИСГТЯ I, II, III - Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. Ч. I. - М., 1955; ч. II. - М., 1956; ч. IV. - М., 1962.

МЭ - Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. - 8 жилдлик. - Тошкент 2000-2004.

ПДП - С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности. - М. - Л., 1951.

Рус. ИСИЛ - О. Усмонов. Р. Дониёров. Русча интернационал сўзлар изоҳли лугати. - Тошкент, 1965.

ФЗТ - Фарҳангি забони тоҷики. 1, 2. - М., 1969.

ЎзАФЛ - Р. Сапаев, Ш. Авезметов. Ўзбек тилидаги арабча ва форсча сўзлар лугати. - Тошкент: Ўқитувчи, 1996.

ЎзДМ. I, II - Ўзбек диалектологиясидан материаллар (тўплам), I. - Тошкент, 1957, II, 1961. )

ЎзТИЛ - Ўзбек тилининг изоҳли лугати. - М. I, II том. 1981.

Қад. ёз. ёд. Қадимий ёзув ёдгорликлари

## Тиллар

Ад. орф. – Адабий орфографик	тат. - татар тилида
ар. - арабча	тоф. – тоф (тофалар-карагас)
бошқ. - бошқирд тилида	тилида
грек - грек тилида	уйғур - уйғур тилида
ёқут - ёқут тилида	форс - форсча
ингл. - инглиз тилида	фр. - француз тилида
лот. - лотин тилида	шор. – шор (шүр-шор) тилида
мұғул - мұғул тилида	хак. - хакас тилида
нем. - немис тилида	чув. - чуваш тилида
нұғ. - нұғой тилида	юонон - юонон тилида
озар. - озарбайжон тилида	қозоқ - қозоқ тилида
олт. - олтой тилида	қораим - қораим тилида
поляк - поляк тилида	қорач. – қорачой тилида
рус. - рус тилида	қорақалпоқ - қорақалпоқ тилида
турк. - туркман тилида	қирғиз - қирғиз тилида
тува. - тува тилида	қўм. - қўмиқ тилида

## Шевалар

Анд. - Андижон шевасида	Хор. - Хоразм шеваларида
Бух. - Бухоро шевасида	Қозоқ-найман - қозоқ-найман
Жиз. - Жиззах шевасида	шевасида
жл. - ж-ловчи шеваларда	қарлуқ - қарлуқ лаҳжасида
Нам. - Наманган шевасида	қурама қурама шеваларида
Сурх. Сурхондарё шевасида	Кўқон - Кўқон шевасида
Сам. - Самарқанд шевасида	қипчоқ қипчоқ лаҳжасида
Тошк. - Тошкент шевасида	Қашқ. – Қашқадарё шевасида
Фарғ. - Фарғона шевасида	

## СЎЗ БОШИ

Ўзбек диалектологияси фани университетлар ва педагогика институтларининг ўзбек тили ва адабиёти факултетларида ўқитилади. Ушбу дарсликда ўзбек диалектологиясининг назарий асослари акс эттирилган.

Маълумки, шева материаллари ўзбек адабий тилининг луғавий меъёрларини белгилаш, турли соҳаларнинг илмий терминологиясини тартибга солиб, тилнинг имловий ва орфоэпик қоидаларини такомиллаштириш каби масалаларни ҳал этишда ёрдам беради. Шева материаллари нафақат ўзбек тили тарихи учун, балки этнография, тарих, ареал лингвистика, эколингвистика ва бошқа соҳалар учун ҳам муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Шу боис ҳам Олий ўқув юртини тугатган она тили ўқитувчиси ўзбек адабий тилини қанчалик мукаммал эгаллаган бўлса, шеваларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам яхши билиши, ўқув машғулотларида ўзбек адабий тили билан шевалар ўртасидаги муносабатларни изоҳлай олиши зарур бўлади.

Маълумки, ўзбек тили асрлар оша шаклланиб, тараққий этиб келди. Аждодларимиз заковати туфайли тилимизнинг ноёб жавоҳирлардан иборат сўз хазинасига янги сўзлар қўшилиб, унинг нафосати ва имкониятларини бекиёс даражада оширди. Ўзбек тилининг бундай бой ва бетакрор ўзига хосликларини, мўъжизалар яратадиган, қудратини оширадиган лисоний манбаларини аниқлаш, уларни авайлаб асраш лозим. Шу боис ҳам шеваларни ўрганиш – ҳалқ тили, тарихи, этник-маданий ҳаётини тадқиқ этиш учун қимматли материаллар беради. Сабаби жонли ҳалқ шевалари адабий тилнинг ёзма ёдгорликлариiga нисбатан қадимий манбадир. Шунинг учун ҳам шеваларни ўрганиш илмий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Муаллиф

## Кириш. Ўзбек диалектологиясининг мақсад ва вазифалари

Диалектология ўзбек тилшунослигининг бир соҳаси бўлиб, бирор тилнинг шева, диалект ва лаҳжаларини ўрганадиган фандир. Ушбу фан Ўзбекистон ҳудудидаги ва қардош республикалардаги ўзбек шеваларининг ўзига хос фонетик, грамматик, лексик хусусиятларини, уларнинг туркий тиллараро муносабатини, тарихини ўрганади. Бу тасвирий ва тарихий диалектологияни ўрганиш обьекти ҳисобланади. **Тасвирий диалектология** ўзбек шеваларини фонетик грамматик, лексик хусусиятларини қайд қилиш билан шуғулланса, **тарихий диалектология** тилнинг диалектал хусусиятларини ўрганиш билан бирга уларнинг ривожланиши, турли даврларда ўзгариши, қардош ва бошқа тиллар билан муносабатларини ўрганади.

Ўзбек диалекти ўзбек миллий тилининг таркибий қисми бўлиб, ўзининг қадимий лисоний ҳодиса эканлиги, асрлар давомида ривожланиб, бойиб ҳамда такомиллашиб борганлиги билан характерланади. Халқ шева ва лаҳжалари ўзида тилнинг ўта кўхна ҳолатини, луғавий, грамматик хусусиятларини сақлаб келаётган ноёб манбадир. Ушбу бойликни ўрганиш соҳасида ўтган асрнинг иккинчи ярмида анчагина ишлар амалга оширилди. Айниқса, ўзбек шеваларининг типлари аниқланди. Улар таснифланди, шеваларнинг луғавий бойлиги тўпланди, грамматик хусусиятлари тавсифланди, диалектал луғати тузилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўзбек адабий тили бой манба бўлган халқ тилидан озиқланади, унинг имкониятлари билан бойиб, унинг заминида тараққий этиб боради. Чунки, ҳозирги ўзбек лаҳжа тарихи ёзма ёдгорликлари тилида сақланмаган ва бизгача этиб келмаган кўпгина сўз ҳамда луғавий шаклларни ўзида сақлаган, булар тил учун нодир мерос бўлиб хизмат қиласди.

Ўзбек шевалари ўзбек миллий тилининг бир тармоғи бўлиши билан бирга адабий тил ва барча ўзбек шеваларига хос бўлган умумий лексик қатламга ҳам эга. Шунингдек, ўзбек шеваларида яна ўзига хос гуруҳлар ҳам борки, улар шу шева вакилларининг моддий ҳаёт шароитлари, шу шева жойлашган ҳудуднинг иқтисодий ривожи билан боғликдир.

Бугунги кунда ҳалқ тилидаги диалектал хусусиятлар шеваларнинг ўзаро алоқаси, адабий тил ва турли маданий-маърифий муассасаларнинг таъсири натижасида камайиб, шевалар ўртасидаги ўзига хос фарқлар текисланиб, адабий тилга сингиб бораётган жараёнда, шеваларнинг бой лисоний бойликларини - адабий тилда учрамайдиган сўзларни тўплаш, уларни сақлаб қолиш ҳамда уларнинг адабий тил мулкига айланишига қўмаклашиш заруратдир. Шеваларни ўрганиш ўзбек шевашунослиги, ўзбек тили тарихи учунгина эмас, балки туркийшунослик фани учун ҳам қимматли материаллар бериши, шубҳасиз.

Ўзбек шеваларида фарқли томонларнинг мавжудлиги шевалар тарқалган ҳудуднинг жойлашув ўрни, тарихий шароитлари, аҳоли этник таркибининг турлилигига боғлик. Шунингдек, бу фарқлар шева вакилларининг асрлар давомида, қардош, қардош бўлмаган ҳалқлар билан ўзаро яқиндан алоқада бўлганлигидандир. Шу боис шеваларда ўзига хос фонетик ҳодисалар, морфологик шакллар, лексикага оид ўзгачаликлар вужудга келган. Шеваларнинг бундай ўзига хос томонларини ўрганиш ўзбек тилининг орфоэпик ва орфографик меъёрларини белгилашда аҳамияти каттадир.

Бугунги кунда ўзбек ҳалқ шеваларини қиёсий-тарихий ва лисоний-жуғрофий усусларда ўрганиш ўзбек диалектологиясининг баъзи муаммоли томонларини ҳал қилиш, уни янги назарий маълумотлар билан тўлдиришга ёрдам беради. Ўзбек шевалари бўйича шева материаллари тўплаш ва уларни ўрганиш шевалар луғавий бирликларининг функционал белгилари, шевалараро ҳудудий фарқларни белгилашга, ички таснифини беришга хизмат қиласи, ҳамда «Ўзбек ҳалқ шевалари атласи»ни яратиш ва

тўлдиришга асос бўлади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ўзбек шеваларининг лисоний атласини яратиш нафақат ўзбек тилшунослигининг, балки умумтуркийшуносликнинг долзарб вазифаларидан биридир. Чунки диалектологик атлас тил ҳодисаларининг туркий тиллароро ҳудудий тарқалиши ва тил тарихий тараққиётининг баъзи чигал масалаларини ҳал қилишга имкон беради.

Академик Ш. Шоабдураҳмонов таъкидлаганларидек, жонли тил материаллари ҳалқ тарихи, тил тарихи, миллий маданият тарихини ўрганиш ва тўғри ёритища зарурий манбалардан бири бўлиши билан бирга, ҳозирги ўзбек адабий тили, айниқса унинг орфография нормаларини тўғри ҳал қилиш, муқумлаштириш учун катта ёрдам беради.

Ўзбек шеваларини ўрганиш ўзбек тили учун назарий аҳамиятга эга бўлса, ўзбек тили ва адабиёт ўқитувчисига амалий аҳамият касб этади. Ўқувчиларга ўзбек адабий тили нормаларини ўргатиш учун ҳам шеваларни мукаммал билиш ўзбек тили ўқитувчисидан катта масъулият талаб қиласди.

Ўзбек диалектологияси фанини ўрганишдан асосий мақсад ҳам ўзбек тилининг шевалар билан муносабати масалалари ҳақида талабаларга тўла маълумот беришдан иборат. Бундай мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим бўлади:

- талабаларга ўзбек ҳалқ шеваларининг ўзбек адабий тили ва тарихи, ҳудудий жиҳатдан ёндош бўлган шевалар, шунингдек, қардош туркий тиллар шеваларига муносабати, ўзаро таъсири каби масалалар тўғрисида маълумот бериш;
- шеваларнинг фонетик, морфологик, лексик хусусиятларини адабий тил билан қиёсий ўргатиш ;
- ўзбек тилининг диалектал таркиби ҳақидаги тарихий маълумотларни тушунтириш ;
- бугунги кунда ўзбек шеваларини лингвоареал усулда ўрганишнинг аҳамияти, Ареал лингвистика соҳаси бўйича тушунча ҳосил қилиш.

**Ўзбек диалектологиясида шева, диалект, лаҗжа тушунчалари.** Бу терминлар диалектология фанининг объектини белгилайди.

**Шева** форсча сўзлашиш, одат, равиш деган маъноларни билдиради. Шева ўзига хос фонетик, морфологик, лексик хусусиятлари билан адабий тилдан фарқланиб турадиган, кичик ҳудудларга тегишли бўлган ҳалқ тили ҳисобланади. Ҳар бир ҳудуд шевалари бошқа ҳудуд шевалари билан ўхшаш ва фарқли томонларига эга бўлади.

**Диалект** сўзи юонча бўлиб, шева деган маънони билдиради. Тил хусусиятлари ўхшаш бўлган шеваларни ўзида бирлаштиради. Диалект термини лингвистик адабиётларда шева, лаҗжа маъноларида ҳам учрайди.

**Лаҗжа** арабча сўз бўлиб, сўзлашиш, одат, равиш деган маъноларни билдиради. Шева ва диалектлар ўзаро бирикиб лаҗжани юзага келтиради. Ўзбек тили ўзининг тараққиёт босқичларида учта лаҗжанинг бирлигидан таркиб топган. Улар: қарлуқ-чигил-уйғур лаҗжаси, қипчоқ лаҗжаси, ўғуз лаҗжасидир.

Маълумки, барча туркий тиллар уч йирик тил бирлиги (қарлуқ, ўғуз, қипчоқ) асосида гурухланади. Ҳатто туркий тилли Республикалар ҳам қарийб шу тил бирликлари асосида чегараланган. Аммо Ўзбекистон ўзининг кўп шева ва диалектларга эгалиги билан алоҳида ажралиб туради.

**Ўзбек тилининг диалектал таркиби.** Умумхалқ тилини тадқиқ қилиш шу тилда сўзлашувчи миллатнинг тарихини ўрганишга кўп жиҳатдан боғлик.

Ўзбек ҳалқининг шаклланиш тарихига назар ташласак, шу ҳалқ тилида учрайдиган фарқлар туркий қабилаларнинг миграцияси натижасида вужудга келган. Тарихий маълумотларга қараганда VI асрнинг ўрталаридан бошлаб Тошкент, Фарғона, Хоразм ерларига туркий қабилалар кўплаб кўчиб келган. Туркий қабила ва уруғларнинг бу ерга оммавий тарзда кўчиб келишлари VIII асрнинг бошларигача давом этди. VIII-IXасрларга келиб, уларнинг ўтроқлашиши кучаяди.

XI-XIII асрдаги ёзма манбаларга қараганда, қорахоний хонлари замонида Ўзбекистонда қарлуқлар билан чигиллар кўпчиликни ташкил қилган. Туркий қабилаларнинг жумладан, ўғуз ва қипчоқларнинг янгидан кўплаб кўчиб келиши туркий тилда сўзловчи аҳоли яшайдиган худудни вужудга келтирди. Шуни алоҳида айтиш лозимки, қипчоқлар сон ва таркиб жиҳатидан ўзбек миллатини ташкил этишда катта этник таркибий қисм бўлиб қатнашди. Улар қадимги даврларда туркий халқларнинг қипчоқ гуруҳига киравчи минг, юз, қирқ, қипчоқ (тор маънода), найман, қанғли, қиёт, қўнғирот, манғит, уйшун, кенагас, жалойир, мисит, дурман, кутчи, баркут, баҳрин каби уруғ ва қабилалар асосида ташкил топган бўлиб, Днепрдан ва Қора денгизнинг шимолий қирғоқларидан тортиб, Иртиш дарёси ва Балхаш кўлигача чўзилган, Жанубда Хоразм ва Сирдарёнинг қуий оқими билан чегарадош бўлган кенг дашт - XI асрдан бошлаб Даҳти Қипчоқ деб номланган жойларда яшашган. Улар рус манбаларида половецлар, грек манбаларида эса куманлар деб аталган. Тарихий манбаларда қайд этилишича, ўзбек халқи ва тилини шаклланишида жуда кўплаб турк-мўғул уруғларининг қабилавий бирлашмалари ҳам асосий узв сифатида иштирок этган.

Хозирги ўзбек тилига тарихий нуқтаи назардан қарасак, у генетик жиҳатдан бошқа-бошқа бўлган уч туркий тил бирлигининг (қарлуқ, қипчоқ, ўғуз) қўшилишидан ҳосил бўлган деган холосага таяниб, ўзбек тили шеваларини таснифлаштиришда, албатта, ана шуни ҳисобга олмоқ керак бўлади.

Бугунги кунда ерли аҳолининг берган маълумотларига қараганда ўзбекларнинг қўнғирот, кенагас, манғит, тома, қипчоқ (тор маънода), метон (муйтан), буркут, хитой (қытай), хўжа, баҳрин, қора манғитлар, қалмоқ, мисит, сайд, бек, эшон, кутчи, қирғиз, эсару, қарақалпоқ, эсавой, галавур, мўғул, ғубомбор, моври, қорача, ғулон, махсим, жалоир, найман, аргун, туркман, капа, тахчи, ғулом, аймоқ, эрони, қарлуқ, кал, қозоқ, қалмоқ, олот, баёт, жиғачи, дарғали, жанафар, қороун, қоровул, саёт, содир, чандир, эски,

томижиқ, буржоқ ва бошқа шу каби кўпгина уруғ ва қабила номлари сақланган. Бу уруғ-қабила номларининг кўпчилиги ҳозирги қунда қорақалпоқ, қозоқ, татар, нўғай, қирғиз, бошқирд, туркман ва бошқа туркий халқларда ҳам учрайди. Бундай бўлиши, табиий. Чунки кўпгина туркий халқларнинг ташкил топишида ҳам бу уруғ-қабилаларнинг иштирок этганлиги маълум. Бу ҳақда тарихий манбаларда ҳам қайд этилган. И. Жабборовнинг қайд этишича, манғит, қўнғирот, қиёт, қипчоқ, хитой, қанғли, дурмон, минг, қирқ, юз, лоқай, қўшқи, найман, чимбой, шунқарли, қовчин, чиройли, ийжон, салур, байри, аргин, бурқут, барлос, жалоир, қарлуқ, нукус, уйшин, ўтарчи, қатағон, кулан, арлат, қушоёқли, буйрук каби этнослар ўзбек ва Ўрта Осиёда яшовчи бошқа туркий элатларнинг халқ сифатида шаклланишида иштирок этган муҳим компонент ҳисобланади. Шунинг учун ҳам туркий тиллар орасидаги ўхшашлик тасодифий ҳодиса эмас, уларнинг тарихий илдизлари бир манбага эга эканлигидандир.

Ўзбек тили ва шеваларининг луғат таркибини ташкил этган сўзлар ҳам мана шу уруғ-қабилаларнинг тилидир.

Ўзбек тилида сўзлашувчи аҳоли ўтмишда туркий қабилалар, қавмлар, элатлар билан бирга туркий бўлмаган этник гуруҳлар билан ҳам яқин муносабатда бўлган. Турли иқтисодий ва маданий алоқалар бир ҳудудда қўшни ёки баъзан аралаш ҳолда яшаш жараёнининг содир бўлиши ўзбек шеваларининг турли туман бўлишига олиб келди. Ҳатто тилнинг фонетик структурасида ҳам ўзгаришлар содир бўлди. Шунингдек, у тиллардан сўзлар ўзлашди. Марказий ўзбек шеваларининг фонетик қурилишида туркий тилларга хос бўлмаган бир қатор белгилар юзага келди, бундай хусусиятлар уни бошқа қардош туркий тиллардан кескин фарқланишига олиб келди. Лекин кучли фарқланиш асосан, марказий ўзбек шеваларига хос бўлиб, ўзбек тилининг қипчоқ ва ўғуз тип шевалари умумтуркий тилларга хос бўлган асосий белгиларни сақлаб қолган.

Ўзбек тилининг шаклланишида, тараққий этишида, луғат таркибининг бойишида қардош ва бошқа оиласи мансуб тилларнинг (тожик, араб ва

бошқа ш. к.) ҳам аҳамияти катта бўлган. Бу тиллар ўртасидаги муносабатлар тўғрисида К. К. Юдахин, А, К, Боровков, В, В, Решетовларнинг ўзбек шеваларини ўрганишга бағишлиланган илмий тадқиқот ишларида кенг ёритиб берилган.

Ҳақиқатдан ҳам ўзбек халқининг тарихига бир назар ташласак, ўзбекларнинг бир қисми билан қозоқ, қорақалпоқ, қирғизлар, шунингдек, ўзбеклар билан туркманлар орасида генетик яқинлик бўлган деган хulosага келиш мумкин.

Келтирилган фактик материаллар ўзбек халқининг ўз қадимий тарихи ва кўхна моддий ва маънавий бойликларига эгалигини тасдиқловчи далиллардан биридир.

**Ўзбек диалектологиясининг тилшунослик ва бошқа фанлар билан алоқадорлиги.** Ўзбек диалектологияси тилшунослик фанларидан бири бўлиб, ”Хозирги ўзбек тили” фанининг назарий асосларига таянади. Шунингдек, ҳозирда ”Қадимги туркий тил”, ”Ўзбек адабий тили тарихи”. ”Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси” бўлимларидан иборат ”Ўзбек тили тарихи” фани билан узвий алоқадор, бу фанлар учун асосий манба бўлиб хизмат қиласди.

Хар бир халқ тилининг ўз луғат бойлиги - сўз хазинаси бор. Тилнинг луғат таркиби эса халқининг тарихий тараққиётига боғлиқ ҳолда ўзгариб, бойиб боради. Баъзи бир эскирган сўзлар нутқий муомаладан чиқиб кетса, янги сўзларнинг ясалиши ва кириб келиши билан тил муттасил бойииди. Мавжуд сўзларнинг маънолари ўзгаради, тобора кенгайтирилади ва тўлдирилади. Аммо тилнинг асосий луғат жамғармаси эса луғат тизимининг негизи сифатида асрлар бўйи сақланади. Бу жиҳатдан диалектология тил тарихини ўрганиш учун ҳам аҳамиятлидир.

Ўзбек тили тарихини ўрганиш учун ҳам, албатта, аждодларимиз қолдирган бой маданий меросларга мурожаат этамиз. Қадимги ёзма ёдгорликларни ҳам уруғ-қабила номлари билан боғлаб ўрганамиз. Чунки турли хил уруғ-қабилалар тилининг таъсири кейинги даврларга, яъни XI-XV

асрларга оид ёзма ёдгорликларда ҳам сақланиб қолган. Бундай манбаларга «Девону луготит турк», «Кутадғу билиг», «Хибатул ҳақойиқ», «Ўрта Осиё тафсири», «Қиссаи Рабғузий», «Аттахғатуз закияту фил луғатит туркия» каби умумтуркий тил, жумладан ўзбек тилининг бойлигини ўзида сақлаб келган нодир асарлар киради. Ўзбек халқ шеваларини тарихий жиҳатдан ўрганишда бу ёзма ёдгорликлар тилининг ўрни бекиёс. Бундай асарлар тилнинг тарихини ўрганиш учун асос бўла олади. И. Каримов айтганлариdek, “.... улар миллий давлатчилигимиз истиқболини белгилашда, кўп асрлик бекиёс маънавий-тарихий меросимиз, маданиятимиз, дину тилимиз ва муқаддас урф-одатлармизнинг янада қад ростлашида муҳим омил вазафасини бажаради”.<sup>1</sup>

Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шеваларидаги қадимги туркий сўзлар, ёзма ёдгорликларда учрайдиган кўхна лексика салмоқли миқдорни ташкил этади. Чунончи, М. Кошғарийнинг «Девону луготит турк» асарида ўзбек тилига, хусусан ўзбек тилининг қипчоқ, ўғуз ҳамда қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжаларига оид турли лексик бирликлар кўпроқ учрайди. Махмуд Кошғарий ўз асарида ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, уйғур, татар ва бошқа халқларнинг қадимги қабилалари тилини ва бу этносларнинг тилига оид сўзларни, уларнинг маъноларини мукаммал изоҳлаб берган. Шеваларни ушбу асар билан, шунингдек, А. К. Боровковнинг «XII-XIII аср ўрта Осиё Тафсири лексикаси» номли асари билан чоғишириб ўрганиш бу асарлар тилида XI-XIV асрлардаги ўзбек тили лексикасига хос хусусиятларнинг ўзбек шевалари лексикасида ҳозирда ҳам учрашини кўрсатди.

**ө тръкчъ ~ ўтрікчі** (ДЛТ., I, 127) ~ ёлғончи (ад. орф.) ; **уләғ ~ улағ** (ДЛТ., I, 143) ~ миниладиган от (ад. орф.) ; **ушак~ ушак** (ДЛТ., III, 144) ~ чақимчи (ад. орф.) ; **тәвъшғән ~ ташған** (ДЛТ., I, 531) ~ қуён (ад. орф.) ; **шәбәйәз ~ шабаёз** (ДЛТ., I, 309) ~ тез ёз (ад. орф.) ; **қәмчъ ~ қамич** (ДЛТ.,

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ҳалоллик ва фидойилик –фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. -Т. : Ўзбекистон, 1994. -3-б.

I, 341) ~ човли (ад. орф. ) ; **йумуртқа** ~ **јумуртға** (ДЛТ., III, 439) ~ тухум (ад. орф. ) ; **улгу** ~ **ўлгў** («Тафсир», 388) ~ нусха (ад. орф. ) каби.

Маълумки, ҳар бир халқ тилида мавжуд бўлган сўзлар ўша халқ ҳаётининг барча жабҳаларидан маълумот берувчи манбадир. Шу сабабли ҳам халқ тарихи ва тил тарихини ўрганиш учун шевалар бўйича тўпланган материаллар бой манба бўлиб хизмат қиласди.

**Ўзбек диалектологияси география** фани билан ҳам узвий алоқадор. Ўзбек халқ шеваларининг ўзига хос лисоний хусусиятларини белгилаш, тадқиқ этилаётган ҳудудларда ўзбек тили етакчи (қарлук, қипчоқ, ўғиз) лаҳжаларининг бир-бирига таъсирини изоҳлаш учун шевалар тарқалган ҳудуднинг жойлашув ўрни, иқлими, географик муҳити ҳам инобатга олинади.

Хозирги кунда ўзбек халқ шеваларининг ўзига хос хусусиятлари ва ҳудудий тарқалишини ўрганишда анъанавий тадқиқ усусларидан фарқли равишда, ҳар бир диалектал ҳодиса макон ва замон тилшунослиги, **ареал лингвистиканинг** назарий асослари асосида ўрганилмоқда. Шеваларни бу усуlda ўрганиш бўйича жаҳон тилшунослигида, жумладан, ўзбек тилшунослигида ҳам илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган. Маълумки, Ареал лингвистика фани ўзбек диалектологиясининг давоми сифатида юзага келди. Шу боис ҳам улар ўртасида узвий алоқа бўлиши табиий. Ареал лингвистика соҳасида шеваларининг ўзига хос хусусиятлари ҳудудий жиҳатдан ўрганилиб, уларнинг хариталари яратилади. Албатта, ҳозирги кунгача диалектология соҳасида амалга оширилган тадқиқотлар, тўпланган фактик материаллар ўзбек шевалари бўйича яратилаётган хариталар учун асос бўла олади.

Ўзбек диалектологияси фолклор, этнография, санъат фанлари билан ҳам яқин алоқада бўлиб, уларнинг материалларига асосланади ва улар учун манба вазифасини бажаради.

# Транскрипция

**Транскрипция** лотинча сўз бўлиб қайта ёзиш деган маънони билдиради. Транскрипция шевалардаги тил товушларини ёзувда аниқ ифодалаш учун қўлланиладиган ҳарфлар ҳамда белгилардир. Шеваларни ёзиб олишда транскрипция учун халқ истеъмолидаги лотин, ўзбек, рус алфавитларидан айрим ўзгартиришлар киритиш билан фойдаланилади. Шеваларда учрайдиган баъзи товушларни транскрипция билан беришда диакритик белгилардан ҳам фойдаланилади.

Транскрипциянинг **фонетик** ва **фонематик** транскрипция каби турлари мавжуд. Шевалардаги товушларни талаффузига қараб ёзиб олишда фонетик транскрипция қўлланилади. Шеваларни, халқ оғзаки ижоди намуналарини ёзиб олишда фонетик транскрипциядан фойдаланилади. Бу транскрипция умумий, хусусий, экспериментал фонетика ютуқларига асосланади. Фонематик транскрипция фақат фонемаларнинг талаффуз нормаларини ҳисобга олиш учун ишлатилади.

Транскрипция қўлланиш доирасига кўра турлича бўлади.

1. **Халқаро транскрипция.** Лотин алфавити асосида тузилган тилшуносликда кенг қўлланиладиган транскрипция.

2. **Миллий транскрипция.** Ҳар бир миллий тилнинг амалдаги ёзув тизимига асосланган транскрипция. Бу транскрипцияда ҳар бир тилнинг шевалари ёзиб олинади. Ўзбек шеваларини ёзиб олишда кўпинча, профессор В. В. Решетов томонидан ишлаб чиқилган рус алифбоси асосидаги ўзбек графикасига асосланган транскрипциядан фойдаланилади. Баъзан тадқиқотчилар шеваларни ёзиб олишда ўзлари бошқа транскрипцион белгиларни ҳам қўллайдилар.

Транскрипция транслитерациядан фарқ қиласи. **Транслитерация** бирор тилдаги матн ёки ёзма ёдгорликларнинг ёзув ҳарфларини бошқа бир ёзув ҳарфлари билан алмаштириб ифодалаш, яъни янги ёзувга кўчиришdir.

Транскрипция ёзма ёдгорликларда фонеманинг талаффуз мөъенини белгилашда, тил тарихини ўрганишда ҳам қўлланилади.

Ҳар бир жорий ёзувдаги ҳарфлар транскрипция учун етарли бўлмайди. Шунинг учун бошқа ёзувдаги ҳарфлардан олинади. Баъзи диакретик белгилардан ҳам фойдаланилади. Бу ўринда ҳар бир диалектолог ўзи танлаш имкониятига кўра танлаган транскрипция асосида шеваларни ёзиб олади.

### **Ушбу дарсликда қўлланилган анъанавий ўзбек транскрипцияси.**

Унли товушларни ифодалаш учун фойдаланилган транскрипцион белгилар:

**а** - умумтуркий орқа қатор, қуи - кенг, лабланмаган, сингармонизмни сақлаган барча ўзбек шеваларига хос унли, дж-ловчи шеваларда: **бала, анҳар, арғымчақ**.

**ә** - олд қатор, қуи- кенг, лабланмаган унли товуш, ўзбек шеваларининг кўпчилигига мавжуд: **әлмә, әнжъл, әнчә, бәхэр**. Бу унли туркий тилларнинг деярли барчасида қўлланилади.

**ә** - орқа қатор, қуи- кенг, қисман лабланган унли товуш, бу товуш оловчи ўзбек шеваларида кенг тарқалган: Тош., Нав. в. ш. **кътәп, гъләс, бәдәм**.

**е** - олд қатор, ўрта-кенг, лабланмаган унли товуш бўлиб, ўзбек шеваларининг барчасида кенг тарқалган. Бу товуш **е (й+э)** эмас, энди сўзидаги каби ёлашмаган. Тошк., Марғ., Нав. в. ш. **кельн, керәй, ечкъ, ендъ**.

**ә** - олд қатор, лабланмаган очиқ **е** унлиси, қипчоқ шеваларида қўлланилади. **әшық, әләк**.

**ө** – олд қатор, ўрта –кенг, лабланмаган **ә** унлисининг очиқ варианти. **ә** ва **ә** унлилари ўртасида талаффуз қилинади. Хор. **гәл, Нам. нәмс**.

**и** - олд қатор, тор, лабланмаган и унли товуш бўлиб, чўзиқроқ талаффуз қилинади. Барча ўзбек шеваларида қўлланилади: **бир, кийим, қир**.

**ы** - оралиқ қатор, тор, лабланмаган, сингармонизмли шеваларда қўлланилади. **айтынг, келынг.**

**ъ** - индифферент орқа қатор, олдинги қатор **и** ва орқа қатор **ы** унлилари орасидаги тор унли, лабланмаган, шаҳар ва шаҳар типидаги шеваларда мустакил унли сифатида учрайди: Тошк. Анд. Марғ. Кўқон. **тепкъ, сепкъл.**

**ь** - орқа қатор, лабланмаган индифферент **ъ** унлиси, қисқа талаффуз қилинади, **ы** товушига teng эмас. Шеваларда чуқур тил орқа **к, ф, х** товушлари билан ёндош келганда учрайди. **қърқ, ғърт, ҳар хъл.**

**ү** – олд қатор, юқори-тор, лабланган унли бўлиб, сингармонистик шеваларда қўлланилади. **көмүр, ұзак.**

**у** - олд қатор, тор, лабланган унли: Барча ўзбек шеваларида учрайди. **шу, учун, устун.**

**о** – орқа қатор, лабланган туркий о унлиси. Сингармонизмли шеваларда қўлланилади. **қолыны тұт, бомыйды.**

**ө** - фонемаси–лабланган тил олди унли, туркий (**ө**) унлисидир. М. : **хөкъз, чөл, сөз** каби. Туркий тилларда **ө** унлиси алоҳида фонема сифатида қўлланилади.

**ў** - ярим кенг, лабланган унли товуш. ў умумтуркча олд қатор **ө** билан орқа қатор **о** товушларига нисбатан оралиқ товуш бўлиб, **ө** ва **о** унлиларининг конвергенцияси (**ө X о=ў**) натижасида пайдо бўлган.

Ундош товушларни ифодалаш учун фойдаланилган транскрипцион белгиларн (нг) - фонемаси тил орқа, бурун, сонор ундоши. Бу ундош сўзниң ўртасида ва охирида келади: көңъл (кўнгил), он (олинг).

**ң** ундоши қўшимча товуш (г ёки к) билан айтиладиган қоришиқ ундошдир. Сўз ўзак-негизининг охири [ң] фонемаси билан тутагандан -га, -ган қўшимчалари қўшилса, такрорланувчи [нң] фонемаси талаффуз этилади: сенга – сәңә, бўлинган – болжңән. ң фонемаси шарт-истак феъли кўрсаткичи ва эгалик қўшимчалари билан келганда баъзан [й] билан алмашади. элсәңгъз~элсәйъз (олсангиз), эйсәңгъз (айтсангиз) каби.

**дж** - африкат (қоришиқ) ундош. Ўзбек шеваларининг барчасида [дж] аффрикати мавжуд. Бу қипчоқ шеваларида кўпроқ қўлланилади: **жалғыз//йл. йэлғъз// жл. джалғыз; жуғолды //йл. юқолдъ// жл. джуқолды** каби.. Бу [дж] ундош фонемасининг таркибидаги элементлари д+ж алоҳида эмас, у бир товуш каби талаффуз этилади.

**Янги ўзбек транскрипцияси.** Ушбу транскрипция Туркологияда қўлланилиб келинаётган лотин алифбосидаги транскрипция тизимига асосланган.

**а** - орқа қатор, қуи-кенг, лабланмаган унли: **anhar, arqan, č aqqan.**

**ä** - олд қатор, қуи-кенг, лабланмаган : **ällä, äs äl.**

**ā** - орқа қатор, қуи-кенг, қисман лабланган : **ā š, äläm.**

**e** - олд қатор, ўрта-кенг, лабланмаган: **ert äk, ekin.**

**i** - олд қатор, юқори-тор, лабланмаган унли: **bildi, kedi.**

**i:** - **i** унлисининг чўзиқ варианти. Ўзбек шеваларининг ҳаммасида учрайди. d **i: l, i: š**

**ї** - олд қатор юқори-тор, лабланмаган

**ї:** - **ї** унлисининг чўзиқ варианти. Сингармонизмли ўзбек шеваларида мавжуд.

**u** – орқа қатор, юқори -тор, лабланган: **šu, tun, kun.**

**ù** - олд қатор, юқори - тор, лабланган: **bügün, bütün.**

**o** – орқа қатор, ўрта-кенг, лабланган: **otin, orin** (ад. орф. ўтин, ўрин).

**ö** – олд қатор, ўрта кенг, лабланган: **č ö zmoq, k örmoq.**

**ε** – олд қатор, ўрта –кенг, лабланмаган: Бу унли кўпроқ Наманган шеваларида қайд қилинади. n **εmε, qεnεqε.**

Ундошларни транскрипция қилишда қуидаги харфлардан фойдаланилади. **b, d, č** (амалдаги **ch** ўрнида), **g, γ** (амалдаги **g** ўрнида), **h, j** (амалдаги у ўрнида), **k, l, m, n, η** (амалдаги **ng** ўрнида), **p, q, r, s, š** (амалдаги **sh** ўрнида), **t, v, x, ž** (амалдаги **j** ўрнида).

## **Диакритик белгилар**

- > белгиси - ўтиш ҳодисасини кўрсатади.
  - > белгиси - ўзгариш ҳодисасини кўрсатади.
    - ~ белгиси - мосликни билдиради.
  - [ ] - ўрта қавс - умумий матндан транскрипция қилинган сўзларни ажратиб кўрсатиш учун ишлатилади.
  - ... (кўп нуқта) - сўз бирикмаси ёки гап умумий матндан ажратиб олинганда қўлланилади.
  - // белгиси – товушларнинг алмашиниши ва икки фактнинг параллел қўлланишини кўрсатади.
  - : (икки нуқта) - чўзиқликни билдиради.
- X белгиси –конвергенция (бирлашиш) ҳодисасини кўрсатиш учун товушлар орасига қўйилади.

## **Ўзбек шевалари таснифи**

**Ўзбек шеваларини тасниф қилиш тамойиллари.** Ўзбек адабий тили ва ўзбек шеваларини илмий асосда ўрганиш ўтган асрнинг 20-йилларидан бошланган. Мактабларда она тилини ўқитишига эътибор билан қаралиши натижасида адабий тилга ҳам алоҳида аҳамият берилди. Адабий тил меъёрларини белгилаш, имло қоидаларини яратиш ва такомиллаштириш билан биргалиқда ўша даврда шеваларни этник, этногенетик, лисоний-худудий жиҳатдан ўрганиш ҳам бошланди. Ўзбек шеваларини ўрганиш ва тасниф қилиш бўйича мана шу йилларда илмий тадқиқот ишлари юзага келди. Улар бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ. Ўзбек шеваларини ўрганишда бу таснифларга таянилади.

Ўзбек шеваларини тасниф қилишда қатор тамойиллардан фойдаланилади.

- ўзбек шеваларида ўзбек тилидаги унли ва ундош товушларнинг мавжудлиги;
- ўзбек шеваларининг сингармонизм ва умлаутни сақлаш даражаси;
- ўзбек шеваларига қардош ва қардош бўлмаган тилларнинг таъсири;
- тарихий қатlamга оид лексик бирликлар ва ўзлашган қатlamга оид сўзларнинг мавжудлиги;
- сўзнинг фонетик ва морфологик структураси;
- шеванинг фонетик, морфологик, лексик хусусиятларидаги фарқли томонлар ва уларнинг худудий тарқалиши ва б.ш.

Ўзбек шевалари бўйича қимматли материаллар тўплаш ва тадқиқ қилишда ўзбек диалектологларининг ҳиссаси катта бўлди. Маълумки, ўзбек тилининг кўп шевалилиги ва уларнинг ранг-баранглиги бу тилни бошқа туркий тиллардан ажратиб туради. Буни ўзбек диалектологиясида бажарилган илмий тадқиқот ишлари, унда жамланган тарихий-лисоний таҳлиллар тўла тасдиқлайди

**Ўзбек халқ шеваларининг таснифи.** Ўзбек шеваларининг тарихий тараққиётини ўрганишда Маҳмуд Кошғарийнинг” Девону луғотит турк” асари катта аҳамият касб этади. Энг муҳими, китобда ўзбекларнинг қадимий аждодларидан чигил, яғмо, қарлук, қипчоқ, тухси ва бошқа қабилаларнинг ижтиомий ва оиласвий турмуши, турли урф-одат ва маросимлари, диний эътиқодлари ва тасаввурлари каби айрим этнографик хусусиятларни аниқлашга ёрдам берадиган маълумотлар келтирилган. Маҳмуд Кошғарий Жайхундан то қуи Чин (Хитой) гача жуда кўп қабилалар борлигини, уларнинг тиллари ўртасидаги ўхшаш ва фарқли томонларни қўрсатиб берган. У халқ тилини худудий ўргангани учун ҳам харитасини тузган. Маҳмуд Кошғарийнинг мазкур Девони XI асрда яратилсада, хозиргача ўзининг қимматини юқотгани йўқ. Шу боис ҳам ўзбек шеваларини ўрганишда, тасниф қилишда Машҳмуд Кошғарий Девонига асосланади ва таҳлил қилинади.

Ўзбек шеваларини ўрганишнинг илк даврларидан бошлаб уларнинг таснифлари турколог ва диалектолог олимлар томонидан турлича тасниф қилинди. Ўзбек шеваларини тасниф қилишда профессорлар И. И. Зарубин, К. К. Юдахин, Е. Д. Поливанов, Ғози Олим Юнусов, А. К. Боровков, В. В. Решетовларнинг хизматлари катта аҳамиятга эга бўлди.

**Профессор И. И. Зарубин** ўзбек шеваларини тўрт гуруҳга бўлиб тасниф қилди: Хива, Фарғона, Тошкент, Самарқанд-Бухоро шевалари. И. И. Зарубиннинг ушбу таснифида қипчоқ шевалари ва шимолий ўзбек шевалари ҳисобга олинмаган.

**Профессор К. К. Юдахин** ўзбек шеваларини икки вариантда тасниф қилади. Биринчи вариантда ўзбек шеваларининг сингармонизмни сақлаш даражаси ҳамда тожик тили билан муносабатини ҳисобга олиб ўзбек шеваларини тўрт гуруҳга ажратади. Ўзбек шеваларини мукаммалроқ ўрганган олим аввалги таснифига ўзгартиришлар киритади. Ўзбек шеваларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб ўзбек шеваларини беш гуруҳга бўлди: Тошкент, Фарғона, Қипчоқ, Хива (Хива-ўғуз) ва шимолий ўзбек шевалари.

Ўзбек шеваларини ўрганиш ва тасниф қилишда **профессор Е. Д. Поливановнинг** хизматлари катта. Е. Д. Поливанов ўзбек шеваларини тасниф қилишда тилдаги **метисация** (қардош тилларнинг чатишуви), **гибридизация** (қардош бўлмаган тилларнинг чатишуви ) каби икки тамойилни инобатга олади ва шу асосда ўзбек шеваларини худудий жиҳатдан гуруҳларга ажратиб, ўзбек тили таркибида уч лаҳжа мавжуд эканлигини белгилаб беради:

**1. Чигатой лаҳжаси.** Бу лаҳжани 7та типга ажратади. 1) Самарқанд-Бухоро шевалари; 2) Тошкент типидаги шевалар; 3) Қўқон-Марғилон типидаги шевалар; 4) Андижон-Шаҳриҳон типидаги шевалар; 5) Уйғурлашган ёки умлаутли Наманган шевалари; 6) Шимолий ўзбек шаҳар шевалари типи (Туркистон, Чимкент шевалари); 7) Шимолий ўзбек қишлоқ шевалари типи (Манкент, Қорабулоқ шевалари).

**2. Ўғуз лаҳжаси.** Бу лаҳжага оид ҳудуд шеваларини 2 типга ажратади.

1. Жанубий-Хоразм гурух шевалари (Хива, Янги Урганч, Шовот, Газовот, Ҳа-зорасп, Янгиариқ, Хонқа, Шўрахон шевалари).

2. Шимолий ўғуз гурух шевалари (Иқон-Қорабулоқ шевалари ҳамда Фориш туманидаги Боғдод шеваси).

**3) Қипчоқ лаҳжаси.** Бу лаҳжага бир неча типли шеваларни киритади.

1. Ўрта-Хоразм (Гурлан, Боғот ва Шаббоз шевалари) ва шимолий-Хоразм (Хўжайли, Қипчоқ, Қўнғирот туманлари, Мангит туманининг баъзи қишлоқ шевалари).

2. О-ловчи тип (Қозоқ-найман, Фарғона - қорақалпоқ шевалари ).

3. Қурама шевалари (Оҳангарон водийсидаги қурама шевалари ).

4. Шимолий ўзбек шевалари (Туркистондаги Сўзок, Чалақурғон қишлоқ шевалари).

5. Ўрта ўзбек (Қирқ шевалари ва жанубий ўзбек шевалари).

6. Лақай шевалари.

7 Афғонистондаги қипчоқ-ўзбек шевалари.

**Профессор Ғози Олим Юнусов** ўзбек шеваларини шева вакллари орасида тушунилмайдиган лексик, фонетик, морфологик хусусиятларни ҳисобга олиб тасниф қиласди ва ўзбек шеваларини уч лаҳжага бўлиб, ҳар бир лаҳжани шеваларга ажратади:

1) ўзбек-қипчоқ лаҳжаси тўрт шевага ( қирқ, жалойир-лақай, қипчоқ, гурлан) ; 2) турк –барлос лаҳжаси тўрт шевага (Сайрам-Чимкент, Тошкент-Хос, Андижон, Наманган) ;

3) Хива-Урганч лаҳжаси икки шевага (Хива, Қарлуқ) ажратилади.

Ушбу лаҳжаларга асос қилиб олинган белгилар ва шеваларнинг жойла – шиши ҳудудларини ҳам кўрсатиб беради.

**I. Ўзбек –қипчоқ лаҳжаси.** Бу лаҳжага Оҳангарон, Мирзачўл, Самарқанд, Зарафшон, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Андижон, Наманган, Кўқон, Қорақалпоғистоннинг Қипчоқ, Чимбой, Қўнғирот

туманлари, Тожикистонда ва Афғонистоннинг шимолида яшовчи ўзбеклар нутқидаги шева сўзларининг ўзига хос хусусиятларига қараб ушбу ҳудудлар киритилди.

Професор Ғози Олим Юнусов ўзбек-қипчоқ лаҳжасини фонетик ва морфологик хусусиятларидаги фарқли томонларни ҳисобга олиб тўрт шевага бўлади:

**1) қирқ шеваси.** и >ий [и: ] ҳодисаси учрайди. и: т; Кишилик олмоши жўналиш келишигига келганда **маған**, **саған**, **уған** тарзида қўлланилади

**2) жалойир-лақай шеваси.** Сўзларнинг иккинчи бўғинида е унлисининг келиши: **айтген**, **сўраген** каби.

**3) қипчоқ шеваси.** й > йу ҳодисаси учрайди: **уйугэ** каби. Кўплик қўшимчаси: **-нар**, **-нэр**, **-лар**, **-лэр** қўшимчалари билан бирга-**тар**, **-тэр**, **-дар**, **-тэр** каби варианtlари ҳам учрайди.

**4) гурлан шеваси.** Қипчоқ лаҳжасининг ҳамма хусусиятларини сақлаган бўлсада, сўз бошида **дж** ҳодисасини айрим сўзларда йўқотган ўзбек шевалари киритилади. Бу шеваларда **бала** сўзининг кўплиги **бағалар** деб қўлланилади.

**II. Турк-барлос лаҳжаси.** Бу лаҳжага Тошкент, Қўқон, Наманган, Андижон, Марғилон ҳамда Чимкент, Сайрам, Ўш, Ўзган шаҳарларида яшовчи ўзбеклар киритилади.

Ғози Олим Юнусов бу лаҳжани ўзига хос хусусиятларига қўра тўртга ажратади.

**1) Сайрам -Чимкент шеваси.** Сайрам -Чимкент шевасининг ўзига хос хусусиятлари алоҳида берилмаган.

**2) Тошкент-Хос шеваси.** Ушбу шеванинг морфологик хусусиятлари кўйидагилар: Истак феъли ясовчи **-лук** : келийлук. Ҳозирги замон давом феъли қўшимчаси: **-вот**: **бэрвоттъ**, **айтвоттъ**. Шарт феълининг I ш кўплиги-**вуз**, **-мъз**, II шахс **-йъз**, ўтган замон феълининг I ш кўплиги **-мъз**, **-вуз**, II ш **-ъз** орқали ясалади.

**3) Андижон шеваси.** Бу шеванинг асосий хусусиятлари: тушум келишиги қўшимчаси **-ни, -ть, -ти, -дъ, ди** тарзида учрайди.

**4) Наманган шеваси.** Бу шеванинг ўзига хос хусусияти: ҳозирги замон давом феълининг қўшимчаси **-ут** тарзида қўлланилади

**III. Хива-Урганч лаҳжаси.** Бу лаҳжага Хива, Хонқа, Газовот, Шаҳбод, Тошовуз, Эски Урганч, Янги Урганч, Ҳазорасп, Тўрткўл ўзбек шевалари киради. Шунингдек, Амударёнинг қирғоғида яшовчи ўзбеклар орасида ҳам бу лаҳжа вакллари учрайди. Бу лаҳжанинг ўзига хос хусусиятлари: жўналиш келишиги қўшимчаси **-ға, гә, -а, - ә;** Келаси замон феъли ясовчи аффикс-**джак, -джак** тарзида қўлланилади.

Хива-Урганч шевасини профессор Ғози Олим Юнусов иккига бўлади.

**1) Хива шеваси.** Хива шевасида сингармонизмнинг сақланиши, чўзиқ унлиларга эга бўлиши, **қ** ўрнида **қ** ундошининг қўлланилиши мазкур шеванинг ўзига хос хусусиятидир.

**2) Қарлуқ шеваси.** Қарлуқ шевасининг бошқа шевалардан фарқли томонлари кўрсатилмаган.

**Профессор А. К. Боровков** ўзбек шеваларини тасниф қилишда шеваларнинг фонетик хусусиятларидан о-ловчи ва а-ловчи фарқланишига кўра икки гурухга бўлади.

### **1) о –ловчи шевалар; 2) а – ловчи шевалар.**

О-ловчи шеваларга Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Андижон, Фарғона,

Кўқон, Марғилон шеваларини киритди.

**А-ловчи** шеваларга сингармонизмни сақлаган ўзбек шевалари киритилиб, уларнинг фонетик хусусиятларига кўра **й-ловчи** ва **дж-ловчи** шеваларга ажратилади.

**Й-ловчи** шеваларга Чимкент, Манкент, Туркистон, Жанубий Хоразм ўзбек шеваларини, **дж-ловчи** шеваларга Сурхондарё, Самарқанд ва Шимолий Хоразм шевалари киритилди.

А.К.Боровков ўзбек шеваларининг тарихий тараққиётини ҳисобга олиб, уларни тўрт диалектга ажратади.

**1. Ўрта ўзбек диалекти.** Бу диалектни фонетик, морфологик, лексик хусусиятларига қўра икки гурухга ажратади: 1) Ўрта Ўзбекистон шевалари: Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона тип шевалари; 2) Шимолий ўзбек шевалари: Чимкент, Сайрам, Жамбул, Марки ва Жанубий Қозогистондаги ўзбек шевалари.

Биринчи гурухга мансуб бўлган шеваларнинг ўзига хос хусусиятларини қўйидагича изоҳлайди:

**1) Тошкент типидаги** Тошкент, Хонобод, Хос, Тақачи, Янгийўл, Чиноз шеваларида охири ёпиқ бўғин т бўлган икки бўғинли сўзларнинг ҳар икки бўғинида ҳам [ə] келади: **бәҳэр, қәпқәқ, қазён** каби. ҳ ва ҳ ундошлари ушбу шеваларда фарқланмайди. Шунингдек, қаратқич ва тушум келишикларининг ассимиляцияга учраши мавжуд: **әшишъ** (ошни//ошнинг), **туззъ** (тузни//тузнинг). Бу гурух шеваларининг ўзига хос томонларидан бири ҳозирги замон давом феъли формаси-**вэт**, ўтган замон феълининг биринчи шахс кўплик формаси **-дъмъз, -дувуз (ә)** тарзида келишидир.

**2) Самарқанд-Бухоро типидаги** шеваларда сўзнинг биринчи бўғинидаги **ә** ўрнида **а** унлиси келади. Бу типидаги шеваларда қаратқич ва тушум келишигининг қўшимчалари битта-**нъ**, ўрин-пайт ва жўналиш келишигининг қўшимчалини ҳам битта **га//ғә**, ҳозирги замон давом феъли формаси **-әп** тарзида қўлланади

**3) Фарғона типидаги** шеваларда сўзнинг биринчи бўғинидаги **ә** ўрнида **ә** учрайди: **энар, бәҳар**. Қаратқич ва тушум келишиги битта қўшимча (-нъ//дъ//тъ) билан ифодаланади.

**2. Шайбоний-ўзбек ёки ж-ловчи диалекти** деб номланган иккинчи диалектга Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Оҳангарон водийси, Шимолий Хоразм ва Фарғона водийсидаги ж-ловчи шевалари киритилган. Бу диалектга киравчи ҳудудларнинг ўзбек шеваларида сўз бошидаги **[й]**

ўрнида [дж] нинг қўлланилиши ушбу диалектнинг асосий хусусиятларидан биридир.

Сўз охиридаги **к**, **ғ** товушлари **в** деб талаффуз қилинади. Сўз охирида **к**, **ғ**, **қ**, **г** товушлари унлилардан кейин тушиб қолади. Ҳозирги замон давом феълиниң формаси –**джатыр**, **-йатыр**, **-йап** тарзида қўлланилади.

**3. Жанубий Хоразм диалекти.** Бу диалектга Хонқа, Ҳазорасп, Шовот, Янгиарик, Ғозовот, Шўрахон ўзбек шевалари киритилиб, сўз бошида жарангсиз [т, к] ундошлари ўрнида жарангли[ д, г] ундошларини қўлланилиши билан фарқланиши ушбу шеваларнинг ўзига хос томонларидан бири эканлиги кўрсатилган: **дъл//тил, гозъ//кўзи** каби.

**4. Алоҳида группа шевалар.** У иккига ажратилган: 1) Қорабулок, Иқон, Манкент шевалари; 2) Намангандаги умлаутли шевалар.

**Профессор В. В. Решетов** ўзбек шеваларини тасниф қилишда биринчидан шеваларнинг тарихий –лингвистик хусусиятларини, иккинчидан шеваларга тоҷик, қозоқ, қорақалпоқ, туркман тилларининг муносабатини ҳисобга олиб, ўзбек тили уч туркий компонентнинг бирикиши натижасида вужудга келганлигини, бу уч диалектнинг бирлиги эса ўзбек тили таркибида уч лаҳжани вужудга келтирганини кенг таҳлил қилган. Улар қўйидагилар:

**1. Қипчоқ лаҳжаси.** Бу лаҳжа турли туркий уруғ-қабила гурух ваклларини ўз ичига олиб, қардош қозоқ ва қорақалпоқ тиллари билан яқин. Бу лаҳжага оид шевалар Ўзбекистоннинг барча вилоятларига тарқалган. Тошкент вилоятининг Оҳангарон водийси, Фарғона, Андижон, Сирдарё, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари аҳолисининг кўпчилиги қипчоқ лаҳжасининг ваклларидир. Ўзбек тили қипчоқ лаҳжасининг шевалари Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон республикасида ҳам бор. Қипчоқ лаҳжаси ўзининг фонетик, морфологик, лексик хусусиятлари билан кўп жиҳатдан ўзбек адабий тилидан фарқланади

**2. Ўғуз лаҳжаси** қардош туркман тили билан яқин. Бу лаҳжа вакиллари Хоразмдаги Хива, Хонқа, Шовот, Ҳазорасп, Ғазовот, Янгиарик, Шўрахон,

Урганч, Тошовуз вилояти ва Қорақалпоғистоннинг бир қанча туманларида истиқомат қилишади. Бу лаҳжа ҳам ўзининг фонетик, морфологик, лексик хусусиятлари билан бошқа лаҳжалардан фарқланади.

**3. Қарлуқ-чиғил-уйғур лаҳжаси** ҳозирги қардош уйғур тилига яқин бўлиб, тожик тили билан яқин этнолингвистик муносабатда бўлган. Бу лаҳжага оид шеваларнинг ўзига хос томонлари ҳисобга олиниб қўйидаги гуруҳларга бўлинган.

### **I. Фарғона гуруҳи.** Бу гуруҳ бир неча диалектларни ўз ичига олади.

**1. Наманган диалекти.** Бу диалектга Наманган шаҳар шеваси ва Наманган атрофидаги шевалар (Уйчи, Чорток ва бошқалар) киради.

**2. Андижон-Шахрихон диалекти.** Бу диалектга Андижон шаҳар шеваси, Шахрихон шеваси ва Андижон вилоятидаги бошқа бир қатор шевалар киради.

**3. Ўш-Ўзган диалекти.** Бунга Ўш, Ўзган, Жалолобод ва шу типдаги бошқа шевалар киради. Улар учун жанубий қирғиз шевалари билан бўлган метисация характерлидир.

**4. Марғилон-Қўқон диалекти.** Бу диалектга Марғилон, Фарғона, Водил, Қўқон ва бошқа шу типдаги шевалар киради.

### **II. Тошкент гуруҳи.**

**1. Тошкент диалекти.** Бу Тошкент шаҳар шеваси, Тошкент вилоятидаги Паркент, Пискент, Қорахитой каби шеваларни ўз ичига олади.

**2. Жиззах диалекти.** Бу диалектга Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё вилоятидаги (қипчоқ шеваларидан ташқари) шевалар киритилган.

### **III. Қарши гуруҳи.**

**1. Қарши диалекти.** Бу диалектга Қарши, Шахрисабз, Китоб, Яккабоғ (қипчоқ шеваларидан ташқари) шевалари киради.

**2. Самарқанд-Бухоро диалекти.** Бу диалектга Самарқанд, Бухоро, Хўжанд, Фарғона водийсидаги Чуст, Қашқадарёдаги Косон шевалари киради.

## **IV. Шимолий ўзбек гуруҳи.**

**1. Иқон - Қорабулоқ диалекти.** Бу диалектга Иқон, Қорабулоқ, Манкент, Қорамурт шевалари киради. Бу шевалар ўғуз ва қипчок элементларининг борлиги билан характерланади.

**2) Туркистон-Чимкент диалекти.** Бу диалектга Туркистон, Чимкент, Сайрам шевалари киради. Бу шевалар ўғуз элементларининг кам бўлиши, қипчоқ элементларининг кўпроқ бўлиши билан характерланади.

Ўзбек шеваларини дастлабки таснифлари бугунги кунда шеваларни ареал ўрганиш учун катта аҳамиятга эга. Чунки ўзбек шеваларининг ўзига хос томонлари ҳисобга олиниб, худудий бўлиниши таснифларда кўрсатиб берилган. Бу таснифлар ҳозирги кунда ўзбек шевалари бўйича ареал йўналишдаги тадқиқотлар олиб боришда асос бўлиб хизмат қиласди.

## **ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИ ФОНЕТИКАСИ**

### **ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИНИНГ ФОНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

Ўзбек шевалари фонетик жиҳатдан ўзининг мураккаб хусусиятларига эгадир. Ўзбек шевалари ўзаро унли ва ундошларнинг миқдори, сифати, фонетик жараёнлари билан фарқлансада, айрим жиҳатлари орқали ўхшаш ҳамдир. Маълумки, ўзбек тили диалектлари уч лаҳжа: қарлуқ-чиғил-уйғур, қипчоқ, ўғуз лаҳжаларидан ташкил топган бўлиб, уларнинг фонетик жиҳатдан ҳам ҳар бирининг ўзига хос томонлари бор, албатта. Юқорида таъкидланганидек, ўзбек шеваларида фарқли томонларнинг мавжудлиги шевалар тарқалган худуднинг жойлашув ўрни, тарихий шароитлари, аҳоли этник таркибининг турлилигига боғлиқ. Шу боис ҳам ўзбек шеваларидаги унли ва ундошларнинг миқдори ва сифати анча мураккаб ва мунозаралидир. Шу ўринда айтиш жоизки, ўзбек шеваларини ареал йўналишда ўрганиш орқали бундай масалалар ўз ечимини топиши мумкин.

**Ўзбек шеваларининг вокализми.** Ўзбек шеваларида унли товушлар таркиби тўғрисида фикр билдирилганда бу соҳадаги илмий тадқиқот натижаларига таянилади.

Қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжасида бтадан 11тагача унли мавжуд. Унлилар уйғулиги ёки оҳангдошлик ҳодисалари учрамайдиган шеваларда: Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Наманган шевасида олтига: ъ, е, ɔ, ə, o, u; Қўқон, Марғилон, Навоий вилоят шеваларида еттига: ъ, e, ɔ, ə, u, o- ə унли фонемалари мавжуд.

Ўзбек шеваларининг сингармонизмли қипчоқ шеваларида **ўн битта:** а-ə, ɔ, e, ы, ъ, и, ə- o, u- ү.

Хоразм вилояти, Олот, Қоракўл, Форш туманларида, Қозогистоннинг Қарнок, Қорабулок, Икон, Қорамурт, Манкент, Туркманистоннинг Тошҳовуздаги ўғуз шеваларида унлилар **ўнта:** и-ы, у- ү, ə-а, ə -о, e, ɔ.

Ўзбек шеваларида унли товушлар миқдор жиҳатдан тенг бўлса-да, айрим унлиларнинг талаффузида фарқлар бор. М. : Тошкент шевасининг лабланмаган кенг унлиси (**ə**) олд қатор унли бўлса, Бухоро диалектининг а унлиси олд ва орқа қатор унлиларга нисбатан оралиқ товушдир (**ə-а-а**). қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжасида еса ə унлиси олд қатор унли, лабланмаган кенг унли товушдир: **əлмə, əнхəр, əнжъл, əнчə, бəхəр** каби.

[ɔ] унлиси бухоро-самарқанд гуруҳ шеваларида сўзнинг охирида кела олади: **тълло, Шукрулло, муллə** каби. [ə] ва [ə] унлиларининг сўз ичидағи ўрнашиш тартиби ҳозирги замон тожик тилининг талаффуз нормасига мос келади. Мас. : **əвқəт, əмəн, усто, тълло** // тож. ад. тилида: **авқот, амон, усто, тилло** каби.

Ўзбек халқ шеваларида унли товушларнинг алмашиниб келиш ҳодисаси учрайди: [ə > ə] ҳодисаси: **бəлə, əлмə, учəв.** [o > ə] ҳодисаси. **тə: ққъз, бə: лдъ, бə: йъдə** каби.

[ъ] -лабланмаган тор унли бўлиб, умумтуркча олд қатор и билан орқа қатор **ы** товушларига нисбатан оралиқ товушдир. ъ фонемаси (**к, г**) саёз тил орқа ундошлари билан келганда олд қатор товушга ўхшаб, чуқур тил орқа

ундошлари (**қ**, **ғ**, **х**) билан келганда орқа қатор товушга ўхшаб талаффуз этилади. М. : **кътәп**, **гъләс**, **тепкъ**; **ғъррэм**, **қълъч** ва бошқалар. Икки тилли мавжуд шеваларда ъ товуши чўзиқ талаффуз этилади, айниқса, сўз охирида келганда бу аниқ сезилади: **хәймъ**: **эннъ**: **керакмъ**:

[**у**] унли товуши икки тилли шевада ургули бўғин ва сонор ундош олдидан келганда бирмунча чўзиқ талаффуз қилинади: **су**: **рат**, **бу**: **рун**.

[**о**]- лабланган, яrim кенг унли, тил орқа (адаб. орф. ў) товушни ифодалайди. М. : **сом** (**сўм**), **қол**, **қой** (**қўл**, **қўй**).

[**ө**]- лабланган тил олди, туркий (**ө**) дир. М. : **ҳөкъз**, **чөл**, **сөз** каби.

Ўзбек шеваларининг қипчоқ лаҳжасига оид шеваларида қўлланувчи **ы** фонемаси лабланмаган, тил орқа унли бўлиб, барча туркий тилларда учрайди.

Қипчоқ лаҳжасига оид шеваларда **ы** фонемасининг қўлланиши кенгроқ: **айтың**, **кељың**.

[**а**]- лабланмаган кенг, соф тил орқа қатор унли. Барча ўзбек шевалари учун хос бўлган унли товуши ҳисобланади: **башқа**, **қишлиқ** каби. [**а**] фонемаси [**ч**, **дж**, **й**, **ҳ**] ундошлари билан ёндош келганда юмшоқ талаффуз қилинади. **ч**: **чәй**, **чәйнәк**; **дж**: **джәй**, **джәнә**; **ҳ**: **бәҳә**, **ҳәммәм**, **ҳәмсәйә**.

Ўзбек халқ шеваларида унли фонемаларнинг алмашиниб келиш ҳодисаси учрайди:

[**ә>ә**] ҳодисаси: [**ә** унли товуши] фақат имлодаги [**ә**] фонемаси ўрнидагина эмас, балки [**ә**] унли товуши ўрнида ҳам келади: қипч. **чәй**, **сәй**, **ҳәзъ** (ҳозир) каби. Иккинчи бўғинда [**ә**] ўрнида [**а**, **ә**] унлисининг ишлатилиши Кўқон шевасида ҳам учрайди: **әдә**, **алақа** (адо, алоқа) Бундан ташқари жамловчи сон қўшимчаларидаги [**ә**] ўрнида ҳам [**ә**] ишлатилади: **ъкәв**, **учәв**, **бешәв**. [**ә**] фонемаси бошқа қуий кўтарилиш [**а**, **ә**] унлилари каби редуксияга учраганда [**ъ**, **е**] унли фонемаларига ўтади.

[**ә>ъ**] ҳодисаси : [**ә**] унли товушининг [**ъ**] унли товушига ўтиши қипчоқ шеваларида учрайди : **тәшлъйдъ**, **ъшәнмъйдъ** каби

[ə>ə] ҳодисаси. [ə] унли товуши [ə] унли товуши билан ҳам алмашиниб келади: **сөръқ, хэмър, жәхән, дәвләт, сәлқын**.

[o>ə] ҳодисаси күпроқ қарлуқ шеваларида қўлланилади. **тә: ққъз, бә: лдъ, бә: йъдә.**

[θ>y] ҳодисаси: **ургәтъп ~ оргәтъп** (ад. орф. ўргатиб). Бу күпроқ қипчоқ шеваларида ишлатилади.

**Ўзбек шеваларининг консонантизми ва таснифи.** Лаб ундошлари: **п, б, ф, в, м;** тил олди ундошлари: **т, д, с, з, ч, (ж), ш, дж, н, л, р;** тил ўрта ундоши **й,** тил орқа ундошлар: **к, г, ң, қ, ғ, х;** бўғиз ундоши **ҳ.**

Ўзбек халқ шеваларида ундош товушларнинг баъзи бир ўзига хос характерли хусусиятлари бор.

[б] -жарангли ундош товуш: **әбдәстә, Абдубәкър.** [б] ундош товуши сўзнинг охирида жаранглизланиб [п] талаффуз этилади: **сә: әп, къ: тәп, ухләп, бәръп** каби. [б>п] ҳодисаси барча туркий тиллар учун ҳам хос. Бу ўзгариш озарбайжон тилининг шарқий группа диалектида ва шеваларда борлиги қайд этилган.

Ундош товушлардан [б>в] ва [б>м] ўзгариши шеваларда кўп учрайдиган ҳодисалардандир: **нәвуд, ювэр, нәверә, ювэр, мунчә, муни;**

[п] ундош товуши барча ўзбек шеваларида сўзнинг ҳамма бўғинларида учрайди. [п] ундоши баъзан [б] ундоши каби сўзнинг бошида, охирида жаранглилашади, [б] ва [п] товушлари ўртасидаги ярим жарангли портловчи товуш каби эшитилади. М. : **чәб (чап), гәб (гап), хәтчоб (хатчўп)** каби. Бу ҳодиса ҳозирги туркий тилларда, масалан, нўғай тилида ҳам қўлланилади: **пичоқ, она** сўzlари **бъшақ, аба** шаклида талаффуз қилинади. Ўзбек шеваларида ҳам **пъчәқ** сўзи **бъчәқ** деб талаффуз этилади. Қадимги туркий тилларда ҳам бъшақ тарзида ишлатилган (ДЛТ, 1, 325).

Ўзбек шеваларида [п>в) ўтиш ҳодисаси ҳам мавжуд. Бу күпроқ қипчоқ лаҳжасидаги шеваларда учрайди. М. : **чәв (чоп), тәв (топ), тевә (тепа)** каби. **Мэнъ гәвъм** шу кабилар.

[ ф] ундоши қарлук-чигил-уйғур лаҳжасидаги шеваларда (Самарқанд, Бухоро типидаги шевалардан бошқа барча шеваларда) [п] ундошига ўтади. **пәрк, пәләк, пэнтән.** Талаффузда [п] товушининг спирантизацияси (сирғалишга мойил бўлиши) [п] товуши ўрнига [ф] товушининг пайдо бўлишига олиб келади.

[п>ф) ходисаси ҳам учрайди: **йэфтъ** (ёпди), **фэйдо** (пайдо). [ф] ундоши жарангли [б] ундоши билан ҳам алмашинади: **әбзәл** (афзал), **Шэръб (Шариф)** каби.

[в] -бошқа туркий тиллардаги каби сирғалувчи, лаб-лаб ундош товушдир. У сўзларнинг барча бўғинларида келади. [в] **ундош** товуши [б] ундош товуши билан алмашинади: **табақ** (товор), **убәл**, **тарбуз** каби. Сўзнинг бир бўғини бўлиб келган [а в], [ув] товуш бирикмаларида [в] ундоши [у] каби айтилиб, олдинги унли товуш билан бирга қўш унли (дифтонг) ни ҳосил қиласида. **даура** (давра), **саулат** (савлат). Бу ҳодиса Самарқанд-Бухоро гуруҳ шеваларида учрайди.

Сўзларда [в] ундошининг тушиб қолиши ўзидан аввалги унлининг чўзиқ айтилишига сабаб бўлади: **су:** (сув), **су:** уқ (совуқ), **тә:** уқ // **ту:** уқ (**товоруқ**). Бу кўпроқ қипчоқ лаҳжасига хос шеваларда учрайди.

[т] сўзларнинг ҳамма бўғинларида қўлланувчи тил олди, портловчи жарангсиз ундош товушдир. т ундоши ўзбек шеваларининг қўпчилигига [д] товушига ўтади. **Тутун // дутун, тъйърмән // дъйърмән** каби. Шунингдек, [т>ч) ходисаси ҳам учрайди: **туши~чуш** (туш қўпроқ), **тиш-чиш, тушмоқ-чушмоқ** (пастга тушмоқ) каби.

[д] -жарангли, тил олди ундош товушдир. У сўзнинг ҳамма бўғинларида келади. [д] ундош товуши жарангсизланиб [т] каби талаффуз қилинади: **дәрт, эвләт, дәрәмәт** каби. [д] ундоши сўзнинг охирида келганда қўпинча тушиб қолади: **бәлән, хурсән.** Бу хусусият ўзбек шеваларининг барчаси учун бир хил.

[с] -тил олди, сирғалувчи, жарангсиз ундошдир. Сўзларнинг ҳамма бўғинларида келади. Баъзи сўзларнинг бошида [с] ундош товуши ўрнида [ч]

ундоши кўлланилади: **чеч** (соч), **чъчқон** (сичқон). Бу сўзлар барча ўзбек шеваларида учрайди. [с] фонемаси [дж] ундоши билан алмашиниб кўлланилади: **сөвчъ** // **сэвчъ** ~ **жэвчъ**. Бу қипчоқ лаҳжасига кирувчи шеваларда учрайди.

[з] ундоши сўзниг ҳамма бўғинларида кела олади. [з] ундошининг [й] га ўтиши қипчоқ шеваларида учрайди: **сойләдим** (**сўзләдим**).

[ш] - жарангиз сирғалувчи ундош товушдир. ш ундоши ўзбек шеваларида сўзларнинг барча бўғинларида келади. [ш] ундошининг баъзан [с] товуши билан алманиши қипчоқ шеваларида учрайди: **бәси** (**боши**), **бәсәқ** (**бошок**), **тәскъл** (**ташкил**) каби. [ш>й] ходисаси ҳам учрайди: **тәйлә** – **ташла**.

[ж] -сирғалувчи ундош товуш бўлиб, ўзлаштирилган сўзларда ишлатилади: **журнәл**, **аждәрхә**. [ж] ундош товуши, одатда, ўзбек шеваларининг барчасида [дж] аффрикати билан алмашади. [ж] ундоши қозоқ тиллариdek маъно фарқлаш функциясига эга. Бу қипчоқ шеваларида кўпроқ кўлланилади: **йл.** **йёлғъз**// **жл.** **джалғъз**; **йл.** **юқолдъ**// **жл.** **джуқолды** каби

[дж] - жарангли ундош товуш тил олдида ҳосил бўлади. Бу [дж] ундоши таркибидаги элементлари д+ж алоҳида эмас, у бир товуш каби талаффуз этилади. [дж] ундоши ж-ловчи шеваларда [й] ундоши ўрнида кўлланилади: **яхшъ**// **джахшъ**, **йэнғәқ**; **юр**//**джур**.

[дж] ундоши ўзбек шеваларининг барчасида кўлланилади. У араб, форс ва бошқа тиллардан кирган сўзларнинг таркибида бўлиб, улар ўзбек тилининг луғат таркибига сингиб кетган: **джәбән**, **джәвәб**, **джувән** каби. [дж] ундошининг сўз ўртасида [й] ундоши билан алманиши ўзбек шеваларининг кўпчилигида учрайди. **Мәйльс~мажлис**.

[н] - тил олди, сонор, бурун товушидир. Сўзларнинг барча бўғинларида кела олади. Шеваларда [ н>л], [н>м] ходисалари учрайди. **Мъллэт қъмә** (**миннат қилма**), **омбеш** (**ўн беш**) **йэмбәшъгә**// **джэмбишъгә**

(ёнбошига). [н > т] ҳодисаси бирикма таркибида ҳам учрайди: Нав. в. ш. ҳечтъмә (ҳеч нима), Наманган: ҳеч тъмә> хъштъмә>ьштъмә<ҳеч нъмә. Марғилонда: ҳештъмә эпкелмәдъ.

[л] - тил олди, ён, сонор ундош товушидир. У сўзнинг ҳамма бўғинларида кела олади. Ўзбек шеваларида [л > н] ҳодисаси учрайди: некън, нә: ләт (лекин, лаънат). Ўтган замон равишдош формаси ясалганда ўзидан кейин келган унли билан бирга [л] ундоши тушиб қолади: кеп (келиб), эп (олиб). [л] ундош товуши шевада сўзнинг ўзаги охирида тушиб қолади. Ке, эмә, ә (л талаффуз этилмайди) ад. орф. : кел, олма, ол.

[р] - тил олди, титроқ сонор ундош товуш. У сўзнинг ҳамма бўғинларида кела олади. (аммо асл туркий сўзларда [р] сўз бошида келмайди: қэр, бәр; рәхбәр (тож.), рухсат (араб.). [р] -спорадик равишда бир неча ундош товушлар билан алмашинади. [р>л] анджъл (анжир), зэнджъл (занжир), девәл (девор) каби. [р] ундоши ассимиляцияга учрайди. М. : қённъ, уннъ, буннъ, бърмәттә (корни, ўрни, бурни, бир марта). Бу кўпроқ қарлук лаҳжасига оид шеваларда учрайди. Шеваларда [р] ундошининг тушиб қолиш ҳодисаси ҳам учрайди. Бу ҳодиса Навоий, Тошкент шевасида кенг кўламдадир: дәстъхэн (дастурхон), бә: мъ (борми), бънәсә (бир нарса), чәх каби. Бухоро диалектида эса тўлиқ талаффуз этилади: чарх, чарм

[к] - саёз тил орқа, портловчи ундош товуш бўлиб, сўзнинг ҳамма бўғинларида келади: қойләй, әкә, кеттъ каби. [к] ундош товуши сўзнинг ўзагида, қўшимчасида [й] ундош товушига ўтади. Навоий, Тошкент вилоят шеваларида [к>й] ҳодисаси кенг қўлланилади: бъләй, тъләй, йәхшъльй, эләй. Бухоро диалектида [к] ундоши тўлиқ талаффуз этилади: юрак, курак, бўлак каби.

Ўзбек шеваларида [к>г] ҳодисаси ҳам учрайди: жъйәг, бөләг, суйәг, йетәйләп (ад. орф. жийак, бўлак, суюк, етаклаб).

[Г] - саёз тил орқа портловчи ундош товуш бўлиб, сўзниг барча бўғинларида кела олади. Ўзбек шеваларида [г>й] алмашиниши учрайди: **съйър, тейърмён, нимәйә, ъйнә** (ад. орф. **сигир, тегирмон, нимага, игна**).

[ң] (нг) - тил орқа, бурун, сонор ундоши. Бу ундош товуш сўзниг ўртасида ва охирида келади: **көңъл (кўнгил), он, маң (олинг)**.

Ң ундоши қўшимча товуш (г ёки қ) билан айтиладиган қоришиқ ундошdir. Сўз ўзак-негизининг охири [ң] ундош билан тугаганда **-га, -ган** қўшимчалари қўшилса, такрорланувчи [ңң] ундоши талаффуз этилади: **сенга – сәңдә, бўлинган – больнцэн**. [ң] фонемаси шарт-истак феъли кўрсаткичи ва эгалик қўшимчалари билан келганда баъзан [й] билан алмашади. **элсәңнъз~элсәйъз, эйсәңнъз** каби.

[Ч] – тил олди, жарангсиз, қоришиқ ундош. Сўзниг ҳамма бўғинларида ҳам кела олади: **чәппә, чәл, ъчәк, қъльч**. Ўзбек шеваларида [ч] фонемаси [ш] фонемасига ўтади: **учта-уштә, учди-ушть, чўмич-чөмъш**. [ч>ш] ҳодисаси бошқа шеваларда, чунончи Жиззах ва Шаҳрисабз шеваларида ҳам учрайди.

[қ] – портловчи, жарангсиз, чуқур тил орқа ундоши. Сўзларнинг барча бўғинларида кела олади. **Қърқ, қъз, йәқъын. Қипч. тамақ, булақ** каби. Сўзниг ўзаги [қ] фонемаси билан тугаганда, қўшимча қўшилса [қ>ғ] ҳодисаси юз беради: **қъашләғъым, ўртәғъым, бәшлъғъым** каби. [қ] товушининг сўз охирида [ғ] га ўтиши Тошкент, Наманган, Марғилон, Навоий вилоят шеваларида учрайди: **қъашләғ//қъашлә: йәғ, бәтқәғ, пъшләғ** каби. Қипчоқ шеваларида сўзниг охирида [қ] ундошининг тушиб қолиши ҳам учрайди: **аччи, сары, қатты**. [қ] фонемасининг [х] фонемасига ўтиши ҳам мавжуд: **тоҳсән, сәхләш. Бәбәм тоҳсәнгә къэрәптьлә// бувәм тоҳсәнгә къэрәйәптьлә**.

[ғ] - чуқур тил орқа ундош, сиргалувчи товушdir. Сўзниг ҳамма бўғинларида кела олади. **әғър, ғәлъи**; қипч. **алған, бәйнағы**. Баъзан қипчоқ шеваларида [ғ] товуши тушиб қолади: **о: лъ (ўғли), ә: ур (օғир), о: ры (ўғри)** каби. Барча қипчоқ шеваларида [ғ>в] ҳодисаси учрайди, бу қипчоқ

шеваларига хос ҳолатдир: **бәвлә, сәв, тәв, сәвзы, ачувы, сувәрды, тувра, эвур** каби.

**Ўзбек шеваларидаги ва ўзбек адабий тилидаги унлилар муносабати.** Ўзбек шевалари ва адабий тили муносабати деганда улар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли томонлари назарда тутилади. Ўзбек шеваларидаги унлилар ўзбек адабий тилидагидек бўлсада, микдор ва сифат жиҳатдан фарқланади. Маълумки, ўзбек шевалари фонетик хусусиятларига кўра икки катта группага : ж-ловчи ва й-ловчи шеваларга бўлинади. Ўзбек шеваларининг бу хусусияти адабий тил ва шевалар ўртасидаги фарқларни кўрсатувчи белгидир. ж-ловчи шеваларга хос бўлган хусусиятлардан бири орфографик[ о] ўрнида тил орқа[ а] унлисининг ишлатилишидир: **болабала, она-ана, бодом-бадам, боҳор-баҳар** каби. Ҳозирги кунда эса ўзбек адабий тилининг таъсирида ж-ловчи шеваларда баъзи бир ўзгаришлар ҳам юз бермоқда. Бу ўринда ўзбек қипчоқ шеваларида о-ланиш ҳодисасининг кенг тарқалиб бораётганини қайд этиш мумкин. Бу ҳодиса қурама шеваларида, шунингдек, қозоқ-найман шевасида ҳам қайд қилинган: **эт<от, бәр < бор, хәмыйр<хамир, элып<олиб, қэчип < қочиб** каби.

Қипчоқ шевасида: **қара // қәра < қора, бала // бәла<бала; алған// эған<олган; ата// эта<ота; эрықда сув бар//арықда сув бар< ариқда сув бор; эғанакан//аганакан< олган экан** каби. Ёки **о-у, у-и** унлиларининг алмашиниб талаффуз этиш ҳодисасининг камайиб бориши кузатилади: **сувиқ< совуқ, тувъқ<товуқ, хънәп<хуноб, мънәсъп< муносиб** каби.

## Фонетик қонуниятлар

**Сингармонизм қонуни ва унинг турлари.** Сингармонизм - унлиларнинг уйғунлашувидир. Сингармонизм қонуни икки кўринишга эга:

1. **Лингвал гармония** – унлиларнинг қаттиқ ва юмшоқлигига кўра оҳангдошлиги. Ўзбек шеваларида унлиларнинг лингвал гармонияси турли кўринишга эгадир. Сингармонизмли шеваларда бу қонун тўлиқ сакланган. Бу қонунга кўра сўз таркибининг дастлабки бўғинида олд қатор унлилар қатнашган бўлса, кейинги бўғинларда олд қатор унлилари[и, у, е, э, ə] иштирок қиласди. Бундай сўзларда тил орқа ундошларидан саёз тил орқа[к, ғ] ундош товушлари келиши мумкин. Сўзларнинг дастлабки бўғинида тил орқа [ ы, у, ə, ə] унлиларидан бирортаси қатнашса, кейинги бўғинларда ҳам ана шу унлилардан бири иштирок этади. Шу унлилар иштирок этган сўзларда чукур тил орқа ундошлари [к, ғ] иштирок этиши мумкин. Бундай икки категорияга бўлинган сўзларга қўшиладиган қўшимчалар ҳам шу сўзлар таркибидаги товушларга мослашади: **бэрэлмәсәк, корсәтгән, кәптәрләр, кенгльк, ишға, атларға, қызықрақ, бағдарчылық.**

Сингармонизмли шеваларда сингармонизм қонунидан четга чиқиши учрайди. Қипчоқ шеваларида **сен** кишилик олмоши жўналиш келишиги қўшимчасини олганда, сингармонизм қонунига бўйсунмайди: **Сэн-сэған //саған каби.** Феъллар, кўмакчи, юклама ва аффикслар сингармонистик жуфтликка эга. Шунинг учун уларнинг олд қатор ёки орқа қатор варианtlари қўлланилади. **экан, эмәс** кўмакчи феъллари: **элгәнәк эн~турганәкән~турган экән; джаман әмәс ~джаман әмәс~йаманәмәс каби.**

2) **Лабиал гармония.** Ўзбек шеваларида лабиал гармония (лаб оҳанги) лингвал сингармонизмга нисбатан кам учрайди. Лабиал сингармонизм прогрессив ассимиляциянинг бир кўриниши бўлиб, сўзларнинг иккинчи ва ундан кейинги бўғинларида учрайди. Лабиал сингармонизм қонунида сўзнинг ўзак негизларида лабланган унлилар (**у, ү, ə, ə**) бўлса, кейинги

бўғин ва қўшимчаларда лабланмаган унлилар лабланади: **қурулуп, учунчи, кунум, бузулуп, джузу гўм, отғузуп** каби.

**Умлаут-** унлиларнинг регрессив ассимиляциясидир. Бу қонунга кўра қўшимчадаги олд қатор унли асосдаги орқа қатор унлини ўзига мослаштириб олади.

Бу ҳодиса қисман ўзбек адабий тилида хам қайд қилинади. Умлаут уйғур тили ва ҳозирги ўзбек тилининг Наманган шаҳар, Уйчи, Чорток, Учқурғон, Янгиқўрғон туманларининг айrim қишлоқ шеваларига хослиги қайд қилинган. Умлаутнинг уч қўриниши: палатал, лабиал, ва лингвал каби турлари умлаутли шеваларда учрайди. Наманган умлаутлашган шеваларида умлаутнинг биринчи ва иккинчи турлари мавжуд. Биринчи тур : [ тәшъ]-тоши, [қәшъ]-қоши, [мәл- мол, мәлъм-молим] каби; иккинчи тур: [тонұр]-тандир, [әдә үлдү] –адо бўлди каби.

Умлаутнинг учинчи тури уйғур тилигагина хосдир. **катти-кетди, касиш-кесиш** ва б. ш. к.

#### **Унлиларнинг бирламчи, иккиламчи ва эмфатик чўзиқликлари.**

Ўзбек шеваларида мавжуд бўлган чўзиқ унлилар хусусиятига кўра икки хил бўлади : бирламчи чўзиқ унлилар ва иккиламчи чўзиқ унлилар каби

**Бирламчи чўзиқлик.** Ўзбек шеваларида туркий тилларнинг дастлабки даврларида хос бўлган сўзларнинг биринчи бўғинидаги унлиларнинг чўзиқлиги, яъни бирламчи чўзиқлик учрайди. Бундай чўзиқ унлиларнинг мустакил фонема сифатида сақланганлигини Жанубий Хоразм, Иқон, Қорабулоқ, Форш шеваларида кўриш мумкин. [бо: ш-ба: ш], [а: т]-[а: д], [гу: з], [ду: ш][а: ч-а: ш-а: ж], [йа: з] ва б. ш. к. Ўзбек адабий тили ва ўзбек шевалари тарқалган худуднинг барчасида бу каби унлиларнинг бирламчи чўзиқлиги учрамайди.

**Иккиламчи чўзиқлик.** Ўзбек шеваларида маъно фарқламайдиган иккинчи даражали чўзиқлик учрайди. Бу кўпроқ сўз таркибида ундош товушларнинг тушиши натижасида рўй беради.

Сўз ўртасида ундош товушлар тушиб қолади:

[в]нинг тушиши натижасида: **рә: Ҷн** // ад. орф. равон; **сә: үғ** // ад. орф. савук, **гу: Ҷх** // ад. орф. гувоҳ, **дә: ур** // ад. орф. давр; **жл. Ҷ: қат** // ад. орф. овқат;

[ё]нинг тушиши натижасида: **жл. пъ: лә** //ад. орф. пиёла, **гы: ах**//ад. орф. гиёҳ

[ғ]нинг тушиши натижасида : **жл. ту: ръ** // ад. орф. тўғри; **жл. уль** // ад. орф. ўғли; **жл. Ҷ: ур** // ад. орф. оғир;

[б]нинг тушиши натижасида: **кә: әп** // ад. орф. кабоб; **сә: әп** // ад. орф. савоб; **сә: зъ, сә: зъ** // ад. орф. сабзи каби.

Сўз охирида ундош товушлар тушиб қолади:

[в]нинг тушиши натижасида: **су: //** ад. орф. сув; **ғә: //** ад. орф. ғов;

[х]нинг тушиши натижасида: **жл. гунә: //**ад. орф. гуноҳ; **съйә: //**ад. орф. сиёҳ.

[қ]нинг тушиши натижасида: **жл. саръ: /**ад. орф. сариқ; **қати: //**ад. орф. қаттиқ, **аҷчъ :** // ад. орф. аччик; **йл. әҷчұ:** //ад. орф. аччик.

[қ]: нинг тушиши натижасида: **жл. кичи: //**ад. орф. кичик; **тири: //** ад. орф. тирик каби.

**Эмфатик чўзиқлик.** Ўзбек шеваларида эмфатик чўзиқлик ўзига хос кўринишга эга: Наманган шеваларидаги фонетик эмфатик чўзиқлик шу ҳудуд шева ваклари талаффузини ўзбек тилининг бошқа шева ваклари нутқидан фарқлайди. Бундай чўзиқлик Наманган шевасининг ҳозирги – келаси замон феълини қўлланилишида учрайди. **ъшләмә: : ймән, кормә : : ймән, оләмә: : йсьз** каби. Наманган шеваларидаги эмфатик чўзиқлик ҳеч қандай товуш тушиши билан боғлиқ эмас, бу чўзиқлик жумла оҳангдорлиги билан боғлиқ ҳолда юзага келган.

**Товуш мослиги.** Ўзбек адабий тилидаги айрим сўзлар шеваларда бошқа шаклда ёки фонетик ўзгаришлар билан учрасада, аслида уларнинг маъноси ўхшашиб. Бундай сўзлар турли хил фонетик вариантларда учрайди: **товуш-довуш, гәлдъ-келди** (Хоразм), **бағ-боғ,** **гекердәк,**

**ғъйқърдәк // ғъқърдәк // ғъқърдәй** – кекирдақ; қәқәләғ - чақалақ-чақалоқ. қәқәләғнъ коръшгә кеттъләр; **гоппъ** - куви. Гоппънъ ъчъдән йэғнъ эльш керәк. Ушбу сўзларда **т~д**, **к~г**, **о~а**, **е~ә** мослиги юз беради.

**Дифтонглар.** Ўзбек шеваларида дифтонглашиш ҳодисаси мавжуд бўлиб, қипчоқ шеваларига хосдир. Ҳар бир товушнинг мустақил талаффузи **монофтонгдир**, у дифтонгдан фарқ қиласди. Дифтонг эса бир товушда бошқа бир товушнинг қатнашиши билан юзага келади.

Сўзнинг бошида ўрта-кенг [ә (е), ө, о] унлилари қипчоқ шеваларида [ й (е), вө] шаклида дифтонглашади: **йечки (ечки)**, **йеләк (елак)**, **вотън (үтин)**, **восмә (ўсма)** каби. Бу дифтонглашиш ҳодисаси Жанубий Хоразм, Самарқанд вилояти ғарбий шевалари, Навоий, Найман, Ғаллаорол, Юқори Қашқадарё қипчоқ тур шеваларида ҳамда Жанубий Оролбўйи шеваларида ҳам учрайди. Шунингдек, қорақалпоқ, қозоқ тиллари учун ҳам хосдир. Сўз бошида **е**, **ө**, **о** унлиларининг дифтонглашуви қорақалпоқ тилини бошқа туркий тиллардан ажратиб турувчи ўзига хос хусусият ҳисобланади. Бу ҳодиса қўмиқ, гагауз, қарачай, балқар тилларида ҳам кузатилади.

[о], [ө] унлилари ҳам [ ә] унлиси каби сўз бошида дифтонглашади. [уо], [уө] каби. **уойла, уотов** (ўйла, ўтов), **уөрдак, уөткър** (ўрдак, ўткир).

[и] унлиси дифтонглашади. [ ийт-и: т] –и: ткаби. Ўзбек шеваларидаги ийт сўзида учрайдиган и унлиси қозоқ ва қорақалпоқ тилларидек талаффуз этилади.

### **Нутқ товушларининг комбинатор ва позицион ўзгаришлари.**

Шева сўзларининг фонетик тузилишида унли ва ундош товушлар турли хил фонетик ўзгаришларга учраганлигини ҳам кузатиш мумкин. Чунки оғзаки нутқда талаффузнинг енгил, содда бўлиши унли ва ундош товушларнинг комбинатор ва позицион ўзгаришларига боғлиқ. Бу ўзгаришлар сўз формаларининг қисқаришига ҳамда товушларнинг сингиши (ассимиляция), товушларнинг уйғунлиги (диссимилияция) ва бошқа қатор ҳодисаларнинг юзага келишига олиб келади. Товушлар турли ўзгаришларга учраганда сўзнинг таркибидаги айрим товушлардан бири иккинчисини ўзига

мослаштиради, айримлари бошқа товуш билан алмашинали, баъзи товушлар орттирилади ёки тушириб қолдирилади

**Фонетик жараёнлар.** Товуш ўзгаришларидан ўзбек халқ шеваларида энг кўп учрайдиган ҳодисалардан бири **товушларнинг сингиши-ассимиляцияидир**. Қарлуқ лаҳжасига оид шеваларда фонетик ҳодисалардан ундошлар ассимиляцияси кўпроқ учрайди. Ундош товушлар қатор келганда бири иккинчисига таъсир қилиб, уни ўзига мослаштиради ва товушларнинг сингиши (ассимиляция) ҳодисаси юзага келади. У икки хил бўлади: прогрессив, регрессив ассимиляция. Агар олдинги товуш ўзидан кейинги товушни ўзига мослаштиrsa, **прогрессив ассимиляция** бўлади. М. : **кэммәғәл, шуннәй, муғэммър, топпәй, сәннуқ (сандуқ), шэммъ (шанба)**.

Кейинги товуш олдинги товушни ўзига мослаштиrsa, ўхшаса, **регрессив ассимиляция** бўлади. Бу қарлуқ лаҳжасига оид шеваларда кўпроқ қўлланилади: **элләс (атлас), мәккәм (маҳкам), мәссы (маҳси), ҳәлләмә (ҳатлама), қәлләмә (қатлама)**.

Ўзбек шеваларида учровчи прогрессив ва регрессив ассимиляция ҳодисалари узоқ тарихий аҳамиятга эга эканлиги билан эътиборни тортади. Қадимги ёзма ёдгорликлардан “Девони луғотит-турк”да ҳам бундай ҳодисалар учрайди: **отти-ӯтди** (ДЛТ, 1, 182) **атти-отди** (ДЛТ, 1, 181), **улатты- улатди** (ДЛТ. 1, 220).

Нутқда товушлар уйғунлиги **-диссимилияция** ҳодисаси ҳам учрайди. Бундай фонетик ўзгаришлар ўзбек шеваларида сонор товушларга эга бўлган сўзларда учрайди. Бу ҳодиса кўп тарқалган эмас. М. : **девәл//ад. орф. девор; зарул //ад. орф. зарур; әнжъл//ад. орф. анжир, зәнжъл// ад. орф. занжир; абджъл//ад. орф. абжир.**

Ўзбек халқ шеваларида **спирантизация** – бирор портловчи ундош товушнинг портловчилик хусусиятини йўқотиб, сирғалувчи товушга ўтиш ҳодисаси ҳам учрайди. Қарлуқ лаҳжасига оид шеваларда бу ҳодиса қўлланилади: **бәшхә// ад. орф. бошқа, мәхтов /ад. орф. мақтов, фуфлә // ад. орф. пуфла, хәмчън–// ад. орф. қамчин.**

Нутқда **спонтан** ўзгаришлар мавжуд бўлиб, улар комбинатор ўзгаришлар натижасида эмас, балки ички сабаблар натижасида юзага келган. Бу хусусият ўзбек тилининг барча лаҗжалари (қарлуқ-чиғил-уйғур, қипчоқ, ўғуз) учун ҳам хос. М. : На. в. ш., Нам. **суйәг**//ад. орф. суюк; Нав. в. ш.., Хор. **абзал** // ад. орф. афзал; Нав. в. ш., Бух. **әвғән** //ад. орф. афғон; **пириб** // ад. орф. фириб; **жл.** : **абсън** // ад. орф. овсин; **сәбәт** // ад. орф. сават; **тәбәқ** // ад. орф. тавоқ; **сәбун** // ад. орф. совун; **путун** // ад. орф. бутун; **әвъз** // ад. орф. оғиз; **әвмәқ** // ад. орф. оғмоқ; **бәвурсөқ** // ад. орф. бўғирсоқ; **був** // ад. орф. буғ; **сәв** // ад. орф. соғ каби. Ёки айрим сўзларнинг талаффузида қозоқ тилининг таъсири сезилиб туради. Масалан: **бәсәқ** // ад. орф. бошоқ; **бәс**// ад. орф. бош; **тәскъл** //ад. орф. ташкил; **сунчә** // ад. орф. шунча.

Ўзбек халқ шеваларида ундош товушларнинг ўрин алмашиниши - **метатеза** ҳодисаси ҳам мавжуд. Бу ҳодиса туркий тилларда, шунингдек, ўзбек тили ва унинг шеваларида кўплаб учрайди. Масалан: **[п-р] тупроқ** // **турпәқ** // ад. орф. тупроқ; **сурпә** // ад. орф. сурпа; **[х-ш] ўшхәдъ** // ад. орф. ўхшади; **[р-й]** **жл.** **дәйрә** < дәрйә //ад. орф дарё; **[х-в]** **әвҳәл** < әвҳәл// ад. орф. аҳвол; **[ғ-м]:** **йл.** **йәғмър** // **жл.** **жәғмър**// ад. орф. ёмғир; **[н-й]:** **жл.** **дүйнә** < дунйә // ад. орф. дунё **[ла-на]:** **әйнәләйън** // ад. орф. айланайин.

Нутқда унли ва ундош товушларнинг тушиб қолиши – **элизия** ҳодисаси ҳам кўп учрайди.

Сўз ўзак-негизида, яъни сўз бўғинлари алоҳида талаффуз қилинганда бирор товуш тушиб қолади. **нәсхәт** // ад. орф. насиҳат; **хъләкәр** // ад. орф. ҳийлагар; **хәрдәр** // ад. орф. харидор; **ҳәмшә** // ад. орф. ҳамиша.

Нутқда унли ва ундош **товушларнинг орттирилиш** ҳодисаси мавжуд бўлиб, ўзбек халқ шеваларининг барчасида учрайди. Шевалар луғат таркибини ташкил этувчи сўзларда товушларнинг орттирилиши қуидаги кўринишга эга:

Сўз бошида товушларнинг орттирилиши: **[ў]** унлисининг олдидан **[в]** дифтонгининг қўшилиши шеваларда учраб туради. Бундай фонетик ҳодиса

Лутфий, Алишер Навоий, Бобур асарларида ўсма сўзининг вўсма тарзида ёзилишида учрайди. Навоий вилоятининг Чўя қишлоғида яшовчи шева вакиллари нутқида [ў] олдидан [в] ундошининг орттирилиши катта ёшдагилар нутқида кўпроқ қўлланилади. **в: воқ // ад. орф. ўқ; ворън// ад. орф. ўрин.**

Сўз ўртасида товушларнинг орттирилиши: **ғ: сәғат//ад. орф. соат, д: нардбӯн//ад. орф. нарвон.**

Ўзбек шеваларининг фонетик хусусиятлари бўйича тўпланган материаллар шеваларнинг адабий тил билан муносабатини изоҳлашда, бошқа шевалар билан алоқасини аниқлашда, қадимги ёзма ёдгорликлар тилини ўргатишда, шунингдек, мазкур шева вакилларининг тарихий хаётини ўрганишда ёрдам бериши, табиий.

## ЎЗБЕК ХАЛҚ ШЕВАЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИЯСИ

### ЎЗБЕК ХАЛҚ ШЕВАЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбек тилининг кўп шевалилиги ва уларнинг ўзига хос хусусиятларга эгалиги бу тилни бошқа туркий тиллардан ажратиб туради. Буни ўзбек диалектологиясида бажарилган илмий тадқиқот ишлари ҳамда унда сақланган тарихий-этнолисоний маълумотлар тасдиқлайди.

Ўзбек шевалари морфологияси ҳам ўзида қадимий луғавий бирликларни сақлаб келаётган ноёб манбадир. Ўзбек шеваларида морфологик шаклларни қўллашда ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Бу, албатта, у ёки бу шева тарқалган худуднинг ўрни, тарихий шароитлари, аҳоли этник таркибиغا боғлиқ ҳолда юзага келган. Ўзбек шеваларида морфологик шаклларни қўллашда маълум даражада ўзбек адабий тилидан фарқланадиган хусусиятларни отларнинг асосий морфологик белгилари бўлган кўплик, эгалик, келишик шаклларининг ишлатилишида, сўз туркумларининг грамматик формаларида, шева сўзларнинг ясалишида кўриш мумкин.

#### Ўзбек халқ шеваларида кўплик шакли

Ўзбек шеваларида кўплик шаклининг жуда кўплаб қўшимчалари қўлланилади: **-лар // -лэр // -лэй // -ла // -лә // -те // -ер // -ар // -е (зе) ; -на; -не; -нар // -нер // -дар // -дер // -тар // -тер // -зар // -зер // -сарап // -сер** тарзидаги варианtlари мавжуд. Ўзбек шеваларида **[-лә]** кўплик қўшимчаси хурмат маъносида ҳам ишлатилади. Кўплик маъносини ифодаловчи **[-ә, -лә]** қўшимчалари соғ кўплик маъносини ифодалашдан ташқари мазкур шеваларда умумлаштириш, чама-тахмин маъноларини ҳам билдиради. **Дәдәмләнъ көрдъингмъ?** (Отаси ва оила аъзолари маъносида). **Улә сәэт он ъккъләдә келишди (чама, тахмин).** Кўплик қўшимчасининг **[-ә, -лә]** шакли қарлуқ типли барча шеваларда қўлланилади: **уйлә, ме: мёнлә, биза, силә** каби.

Кипчоқ лаҳжасига оид шеваларда кўплик категориясининг **[-лар // -ар // -ер // -зар // -зер]** формалари учрайди. Масалан: **силер, бизлер, бизар,**

булар каби. Аслида **биз < би+з, сиз < си+з** (з қўплик қўрсаткичи) бўлиб, буларга [-лар] қўшилиши туфайли бизлар, сизлар формасида қўшалоқ икки қатlamli қўплик шакли вужудга келган Шунинг учун ҳам шеваларда **[-а]** қўшимчасини қўплик формаси деймиз. Чунки унинг ўзи якка ҳолда ҳеч қачон қўплик ифода қила олмайди, **[а]** унлиси ўзидан олдин келган қадимий қўплик қўрсаткичи **-з (бъ+з+а)** туфайли содир бўлган.

Шеваларда қўплик формасининг **[-дар // -дер, -тар // -тер]** қўрсаткичлари ҳам учрайди. Бу қўпроқ қипчоқ шеваларида қўлланади. Кўплик қўшимчasi **[-лар]** з, л, м, н, нг каби жарангли ундош товушлар билан тугаган сўзлардан кейин **[-дар // -дер]** формасида келади. Масалан: биздарди қойинг (бизларни қўйинг). Кўплик қўшимчасининг **[-тар // -тер]** формаси п, с, т, ш, қ сингари жарангсиз ундошдан сўнг ишлатилади: **аттарди сувардингми** каби. Кўплик формасининг **[-дар // -дер]** варианtlари Наманган вилоятининг Янгиқўргон, Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманларидаги шеваларда ҳам учрайди. Шер. : **тош+дар, мол+дар, қиз+дар, адир+дар;** дар, қипч. Наманган: **гилам+дар** каби. Кўплик формасининг **[-тар, -тер]** варианти Наманган, ҚҚШ да қипчоқлаҳжасига оид шеваларида учрайди. **Жаллат+тар, иш+тер, ат+тар, қант+тар** каби

Шеваларда [-лар] аффиксининг **[-зар // -зер, -сар // -сер]** варианtlари ҳам учрайди. Бу қўпроқ биз, сиз олмошлари билан биргалиқда келади: **[биз+зар, сиз+зар]** ёки ўзбек адабий тилидаги келингизлар, олингизлар сўзи **кенгис+сар, элингис+сар** шаклида ишлатилади. Кўплик қўшимчасининг бу формалари Жўш шеваларида ҳам қўлланилади: **биз+сар+дикигейим кенгиссер+де.**

### Ўзбек халқ шеваларида эгалик шакллари

Ўзбек халқ шеваларида ҳам, ўзбек адабий тилидагидек, эгалик қўшимчалари предметнинг уч шахсдан бирига қарашли эканлигини

билдиради. Эгалик категориясини ҳосил қилувчи қўшимчалар ўзбек шеваларида турли хил кўринишларга эга.

II шахс кўпликда адабий тилдаги [- (и) нгиз] қўшимчаси ўрнида [- (и) ииз, - (и) йла] қўшимчаларининг қўлланилиши Тошкент шеваларида учрайди. Эгалик қўшимчалари қўшилганда сўзнинг ўзак-негизида ўзгаришлар пайдо бўлади. Қарлуқ лаҳжасига оид шеваларда эгалик қўшимчаси билан келган сўзларнинг таркибидан айrim товушлар тушиб қолади, айримлари бошқа товуш билан алмашинади. [ъ] тушади: онъим, онъинг, онъи, онъимъз, келъим, кениъим; [у] тушади: бунъим, бунъинг каби. Бу ҳодиса Жиззах, Тошкент шеваларида ҳам учрайди. Шеваларда эгалик қўшимчалари қўшилиши натижасида [к>ғ, қ>г, нг>й, п>в] каби товуш алманиши ҳодисалари ҳам учрайди: [қ, ғ] қишлоғъим, тарғъим, бармәғъим; [қ>г] элаг, билаг; [нг, й] қойнъим, сыйнъим, бўшъийнъ каби. Эгалик кўрсаткичи шеваларда III шахс бирлик формасида кетма-кет келиши мумкин: сыйнъись (синглиси). Бу ҳодиса кўпроқ қарлуқ тип шеваларда учрайди.

Кипчоқ лаҳжасида эгалик категориясини ҳосил қилувчи қўшимчалар турли кўринишларга эга. Масалан: **авазым**, авазынг **авазы**; **авазымыз**, **авазынгыз**, **авазлары**. Кипчоқ лаҳжасида эгалик қўшимчасининг II шахс кўпликда қўлланиладиган [-ынгыз] шакли билан бирга [-ынгыс] шакли ҳам ишлатилади. Бу кўпроқ қипчоқ лаҳжасига оид шеваларда қўлланилади: **гунаҳынгыз**, **балангыс**, **кытабынгыс** каби. Эгалик қўшимchasининг -ынгыз // -ынгыс вариантлари Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Наманган ва Қозогистон, Туркманистон қипчоқ шеваларида кенг тарқалган. Шунингдек, Жўш шевасида ҳам +з ва +с ундошлари параллел ишлатилади. (з // с) **ватамис** // **ватамиз** (**отамиз**), **йешигингиз** // **йешигингис** каби. Бу фонетик ҳодиса Бахмал, Найман, Манғит шеваларида ҳам учрайди. Эгалик категорияси қипчоқ лаҳжаларида ҳам белгисиз келади: **силарди ашхана**, **силарди вуй** каби.

Ўзбек шеваларида қарашлилик маъносини ифодалаш учун от характеристидаги сўзларга **-нькъ**, **дъкъ**, **-ъкъ** қўшимчалари қўшилади. Масалан: **менькъ**, **укамнькъ**, **калхоздъкъ**, **гулькъ** каби.

### Ўзбек шеваларида келишик шакллари.

Ўзбек шеваларида келишик шаклларининг қўлланишида ҳам ўзига хос хусусиятлар учрайди. Ўзбек адабий тилидагидек, ўзбек халқ шеваларида ҳам келишик категорияси отни ёки отлашган сўзни бошқа гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғлаш ва синтактик жиҳатдан алоқага киргизиш вазифасини бажаради. Ўзбек адабий тилидагидек, ўзбек шеваларида ҳам келишиклар олтига бўлиб, ҳар бирининг ўзига хос кўрсаткичлари бор. Ўзбек халқ шеваларининг кўпчилигига олтига келишикнинг тўртта кўрсаткичи бор. Бунда қаратқич ва тушум келишиклари бир шаклда, яъни тушум келишиги шаклида келади. Шунингдек, жўналиш ва ўрин-пайт келишиклари ҳам аралаш ҳолда қўлланилади. Бу кўпроқ Навоий, Самарқанд, Бухоро, Қарши шеваларида учрайди. Мазкур келишикларнинг кўрсаткичлари бир хил бўлса-да, лекин уларнинг ҳар бири мустақил келишик ҳисобланади. Чунки улар қўлланиши, вазифалари, маъно хусусиятлари билан ўзаро фарқланади. Ўзбек шеваларида ҳам бош келишикнинг кўрсаткичи йўқ. Қаратқич келишигининг шевалараро турлича қўшимчалар билан келишини қўрамиз. Шеваларда қаратқич келишиги **[-њынг]** ва унинг ўрнида **[-њъ]** варианти ҳамда уларнинг турли кўрсаткичлари билан юзага келган: **укамни ручкаси** каби. Қарлуқ лаҳжасидаги **[-њынг]** ўрнида **[-њъ]** формасини қўллаш ўзбек тилининг шаҳар тип шевалари учун умумий бир ҳолатдир. Қаратқич келишиги **[-њынг]** ўрнида тушум келишиги **[-њъ]** келса ҳам лекин маъноси қарашлилик, хосликни билдиради. Қаратқич келишиги аффикси **[-нинг]** тушум келишиги аффикси **[-ни]** билан бир хил кўрсаткичга эга бўлиши Сўзнинг охиридаги **[нг]** нинг тушиб қолиши ёки, айрим тилшунослар кўрсатганидек, қаратқич келишигининг тушум келишиги билан контамикацияси туфайли вужудга келган

Ўзбек шеваларида қаратқич келишигининг [-ь] шакли мавжуд. М. : **ўзъм+ь укам, ўзъм+ь уйъм.** Қаратқич келишигининг [-ь] шакли Андижон, Қўқон, Фарғона, Поп, Ўзган, Жалолобод – Сузоқ шеваларида ҳам қўлланилади. Масалан: **Қўқон: към+ь қъзъ. Ўзган: бъз+ь уй; Поп (Санг қишлоғи) дадам+ь этъгъ, бувам+ь бәғъ; Водил: кўзъм+ь йэшь; Балиқчи: мен+ь укам, сен+ь уканг.**

Шеваларда қаратқич келишигининг [-им] кўрсаткичи ҳам мавжуд: **менъм уйъм, менъм чароғъм** каби. Жўш шевасида ҳам учрайди: **меним овозим** каби.

Кипчоқ лаҗжасида қаратқич келишиги қўшимчасининг [-нинг //нынг// -динг// -дынг// -тинг// -тынг-тунг] каби варианatlари мавжуд. Қаратқич келишигининг бу варианtlари Самарқанд, Бухоро, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон ўзбек шеваларининг қипчоқ лаҗжасида қўлланилади.

Қаратқич келишигининг-тъң // -тың аффикслари Қозоғистоннинг Туркистон шеваларида ҳам қўлланилади: **йурттың озъ бъледи** каби. Ўзбек адабий тилидагидек, шеваларда ҳам I, II шахс бирлик ва қўплиқдаги кишилиқ олмошларига **-ниң** қўшилганда **мен+ин, сен+ин, биз+ин, сиз+ин** формалари вужудга келади. Маълумки, қадимги туркий ёзма ёдгорликлари тилида ҳам қаратқич келишигининг [-ин, -ын, -ун, -ун] каби кўрсаткичлари бўлган.

Шеваларда тушум келишиги формаларининг қўлланилишида ҳам ўзбек адабий тили билан шевалараро ўхшаш ва фарқли жиҳатлари мавжуд. Ўзбек шеваларида тушум келишигининг [-нь// -ны, -дъ// -ды, -ть// -ты] ҳамда ассимиляция ҳодисаси билан боғлиқ бир қанча варианtlари учрайди.

Кўпинча тушум келишиги - нъ [ғ, ғ, в, дж, з, л, р] ундошларидан сўнг [-дъ// -ды, ], [ҳ, қ, п, с, т, ш, ч] ундошларидан кейин еса [-ть] тарзида келади. Ўзбек шеваларининг қарлук лаҗжасига оид барча шеваларида учрайди: **кътолпть бердъ, узумди уздъ, бирордъ кўрдъ** каби. Тушум келишиги шеваларда бир қанча ассимилятив ҳолатларда учрайди. Қарлук-чиғил-уйғур

лаҗжасига оид шеваларида тушум келишигининг ассимилятив вариантлари куйидаги кўринишга эга: **дутэрръ чэлль, кэтэпъ элль** каби.

Ўзбек халқ шеваларида тушум келишигининг [-н, -ын, -ин] тарзида қўлланиши ҳам учрайди: **қўлин ювди, белин бойлади** каби. Бу қўшимча мазкур шеваларга қўшни бўлган Жўш, Найман, шеваларида, Найман, Қашқадарё (қипчок), Наманган (қипчок), Хоразм (қипчок), Иқон, Сайрам, Лақай, Корабулок, Қарноқ шеваларида ҳам қўлланилади.

Кипчоқ лаҗжасига оид шеваларда тушум келишигининг [-ди, -ды, -ти, -ты, -ны, -ни] формалари ҳам қўлланилади. Ундош товушлардан сўнг [-ди, -ды, -ты, -ти] формалари қўлланилса, унли товуш билан тугаган сўзларга [-ны, -ни] формалари қўшилади: тағамди кўрдим, апасънъ кўрди. Тушум келишиги белгили шаклда қўлланиши билан бир қаторда белгисиз ҳолатда келиши мумкин.

Ўзбек халқ шеваларида жўналиш келишигининг жуда кўплаб формалари учрайди, у шу жиҳатлари билан адабий тилдан фарқланади. Шеваларда ҳам жўналиш келишигидаги от иш ҳаракат йўналган предметни англатади.

Шеваларда жўналиш келишигининг [-га, -ға, -ка, -қа, -а, -я] каби формалари учрайди. Ўзбек шеваларининг қарлуқ лаҗжасига оид шеваларда жўналиш келишигининг формаси [-га] шаклида қўлланилади. Ўзбек адабий тилидагидек, шеваларда ҳам жўналиш келишигининг қўшимчаси [-га] чуқур тил орқа [қ, ғ] ундошлари билан тугаган сўзларга қўшилганда [-қа] шаклига эга бўлади. **Боққа, отлэкқа, тэшлэкқа, шакқа, баққа.** Агар сўзниг охири [қ, п, с, т ш, ] каби жарангсиз ундошлар билан тугаганда жўналиш келишигининг кўрсаткичи [-ка] ҳолатида қўлланилади: эләккә, ишкә, ёткә, ёлискә каби. Ўзбек шеваларида жўналиш келишигининг [-ә // -а] шакллари ҳам учрайди. **ше: р+ә, ё: р+ә, бе: р+ә.** Равишларнинг бу тартибда шеваларда қўлланилиши жўналиш келишигининг [-ә] формаси билан ифодаланиши Бухоро диалектида, Жўш, Бахмал, Хоразм (қипчок), Беруний, Гурлан, Туркистон, Қашқадарё, Каттақўрғон, Қарноб, Наманган шеваларида ҳам

учрайди. Жўналиш келишигининг бу формаси ўзбек шеваларининг кўпчилигига бир хил [-ә, -а] тарзида бўлса ҳам, улар турли хил сўзларнинг таркибида келиб, шеваларнинг бир-биридан фарқловчи белгисига айланган. Масалан: **Хоразм шевасида сөзъм+а, йанъм+а; Қоракўл шевасида қишлоғ+а, Шахрисабз: ой+а** киринг каби сўзларнинг таркибида келган жўналиш келишигининг [-ә, -а] шакллари ҳар бир шеванинг ўзига хос қонуниятлари асосида қўшилган.

Жўналиш келишигининг [-йә] шакли ҳам қўлланилади. [-йә] кўшимчasi қўпроқ унли билан тугаган сўзларга қўшилади. **тепайа, көчайа;** **Каттақўрғонда:** **ичийа, өзийа;** **Тошкент:** **ховлийа** каби. Ўзбек шеваларининг қипчоқ лаҳжасига оид шеваларида жўналиш келишигининг кўшимчasi қуйидагилардан иборат: [-га, -ға, -а, -қа]. Бу қўшимчалар қаттиқлик ва юмшоқлик, тил олди ва тил орқа унлилари ҳамда ёнма-ён келган ундош товушлари таъсирида юзага келади ва қўлланади.

Қипчоқ лаҳжасига оид шеваларда жўналиш келишигининг **-ға, на** шакллари учрайди: **балаларға, ишға, ашғанаға, ма+ңа, са+ңа** каби. Жўналиш келишигининг бу формалари қипчоқ лаҳжасига оид шеваларда кенг тарқалган.

Ўзбек шеваларида ўрин-пайт келишиги шакли ўрнида жўналиш келишиги шакли қўлланилади: *уйга ўтъръбди // ад. орф. : уйда ўтирибди* каби. Самарқанд, Бухоро, Навоий, Қарши, Каттақўрғон, Ургут, Шахрисабз шеваларида ҳам ўрин-пайт келишиги ўрнида жўналиш келишиги қўлланилиши учрайди.

Шевада чиқиш келишигининг [-дән, -дан, -тан, тән, -нан, -нән, -лән] каби формалари қўлланилади. Чиқиш келишигига келган сўзлар ҳаракатнинг бошланиши пайтини, ўрнини, унинг сабабини, масофанинг узоқлигини, яқинлигини билдиради ва маънолари ўзбек адабий тилига мос келади. Масалан: **даладан этта қайттъ; эфтәптан сяяга ўтти; ноннан азиз нарса йәқ.** Қарлуқ лаҳжасига оид шеваларнинг аксариятида чиқиш

келишигининг кўрсаткичи [-дән, тән, - нән (баъзан -дан, -тан, -нан) ] тарзидадир.

Ўзбек шеваларида адабий тилдаги *кечадан бери* бирикмаси **кечәни бери, кечәни бәзи йўқ** тарзида қўлланилиб, чиқиши келишиги [-дән] ўрнида тушум келишиги [-ни] ишлатилган. Шевада чиқиши келишигининг қўшимчаси -дән ўрнида **-ын, -ин** кўрсаткичи ҳам учрайди: **айтмайин борма**. Бу Бахмал шеваларида ҳам қўлланилган: **кўрмайин (кўрмасдан) тўқиб гэпирмә бәрмәйин қойди**. Қипчоқ лаҳжасига хос шеваларда чиқиши келишигининг **-дән, -тән** кўрсаткичлари учрайди: **эттән** тушди, **китобтән** ўқиди. Қарлуқ ва қипчоқ шеваларида чиқиши келишигида келган сўзлардан сўнг, кейин қўмакчиси келганда шу сўзлар турли хил ўзгаришларга учрайди **эйткән+дәй+кен (айтгандан кейин)**.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўзбек шевалари морфологик жиҳатдан ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос ички хусусиятлари асосида тараққий этган ва шаклланган узоқ тарихий жараён маҳсули саналади.

## Ўзбек шеваларида сўз туркумлари

**Ўзбек шеваларида сифат ва сон сўз туркумига оид морфологик хусусиятлар.** Ўзбек халқ шеваларининг морфологик хусусиятлари ўзбек адабий тилидагидек бўлса-да, унинг ўзига хос томонлари ҳам мавжуд.

Шеваларда сифат даражা шаклларининг ўзига хос жиҳатлари учрайди. Сифатларнинг орттирма даражасида бир предметнинг белги хусусияти бошқа предметдаги белги-хусусиятдан орттирилиб кўрсатилади. Сифатларнинг орттирма даражаси морфологик усулда ясалганда, унинг маъноси белги билдирувчи сўзнинг ўзаги орқали ифодаланиши мумкин. Бу ҳодиса ўзбек шеваларида учрайди: **тум-тумалоқ //дум-думалоқ//юм-юмалоқ//бут-бутун//бут+у+н>бут+ун** каби. Баъзан бўғин охиридаги ундош

билин алмаштирилган [п] ҳам такрорланиб ўзидан кейин чўзиқ бир [а] унлисини олади: **соппа-соғ, тўппа-тўғри** каби.

Ўзбек халқ шеваларида сифатларнинг озайтирма даражаси [-ъш, -ғъш, -ъмтър, -ғъна, -ғъна] қўшимчалари билан ясалади. Бу қўшимчалар сифатларга қўшилиб, ўзакдаги маънонинг ортиқ-камлиги ёки нарса-предметга муносабатини билдиради. Озайтирма сифатни ясовчи бу қўшимчалар шевалараро фонетик вариантларда учрайди. Кўпроқ ранг маъносини билдираётган сўзлардаги белгининг миқдорини белгилаш учун [-ғич, -ғъш, -ъмтър -имтил] қўшимчалари қўлланилади. М: **қъзғъч рўмёл, кўкъмтъл пәлто ; сәргъш гул, кўкъмтър эсмён**. Кичрайтириш эркалаш маъноларини англатадиган сифатлар[-ғъна, -къна, -қънә, -ғънә] қўшимчалари билан қўлланилади. Юмшоққина пар, жажжигина мушукча. Қипчоқ лаҳжасига оид шеваларда **[-ғина]** қўшимчаси чегара, ачиниш, миқдор маъноларини англатади: **анчагына, азғынгына**.

Сифатларнинг қиёсий даражасини ясовчи **[-роқ]** қўшимчаси шевалараро турли хил фонетик вариантларда учрайди. Шеваларда қиёсий даражани ясовчи **[-рәғ, -рак, -рә: ]** вариантлари қўлланилади. **Яхширақ гапиргин, нэвчә:; кенгрәғ уй** каби. **[-рәқ]** қўшимчаси ўрнида **[-тәп]** қўшимчаси ҳам қўлланилади: **қизғиштоп, сариқтәп** каби.

Ўзбек халқ шеваларида, сонлар адабий тилдагидан деярли фарқланмайди. Бироқ шеваларнинг ўзига хос томонлари ҳам учрайди. Шевада бир сони ўрнида якка (тожик тилида як – бир) **сўққабош, ёлғъз** сўзлари қўлланилади: **у яккә ўзъ яшәйдъ, у сўққабош эдъ, Нэрғъзә ёлғъз қъз.**

Кўпгина шеваларда икки сони билан бирга қўш сўзи унинг синоними сифатида қўлланилади: **қўш келин, қўш хўкиз** каби. Қипчоқ шеваларида **йекки, ўн икки сони вонеки, саккиз сони сегиз, тўққиз сони тоқуз** тарзида талаффуз этилади. Ўзбек шеваларида ҳам нумератив сўзлар учрайди. Бундай сўзлар яккалик, жуфтлик, тўда, гурух, оғирлик, узунлик ўлчовлари каби маъноларни билдиради. Мисоллар: **бир тутам сөч, бир бёш**

узум, бир сиқим тупроқ, бир жуп калиш, түр (4) туп анэр каби. Шеваларда қўлланилаётган чама сонлар предметнинг ноаниқ миқдорини, тахминий ҳисобини билдиради.

**Ўзбек шеваларида олмош сўз туркумига оид морфологик хусусиятлар.** Олмошлар семантик жиҳатдан бошқа сўз туркумларидан, формалари жиҳатидан ўзбек адабий тилидан фарқланади.

Ўзбек шеваларида кишилик олмошининг қўлланилишида ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Қарлуқ лаҳжасига оид шеваларда кишилик олмошининг бирлик ва қўплик формалари [мән, сән, у, бъз, съз // сълә, улә // уләр], қипчоқ лаҳжасига оид шеваларда [мен, сен, у, бъзәр, съләр, улар, воләр] тарзида талаффуз этилади. Шевада [у, ул, бу, бул, шу, вол, во] каби кўрсатиш олмошлари қўлланилади. Кўрсатиш олмошларидан [ул, бул] олмошлари қўпчилик шеваларда қўлланилади. Масалан: қарлуқ: **ул-булинг бў: мъ.** Бу олмошининг [во//вол] варианtlари қипчоқ лаҳжасига оид шеваларда учрайди. Масалан: **вул йўлғэн суйләйстир** каби. Кўрсатиш олмошларидан [мана бу, ана у] олмошлари шеваларда **манови, анави** деб қўлланилади.

[у, бу, шу, ўша] кўрсатиш олмошлари қиёсий тасвирни билдирувчи [-дек, -дақа] қўшимчаларини олганда, фонетик ўзгаришларга учрайди. Қарлуқ лаҳжасига оид шеваларда **уннәф, буннәф, шуннәф, муннәф** тарзида қўлланилади. Бу ўзбек шеваларининг қўпчилигида учрайди. **М.** : Тошкент: **унда: ғ, бундә: ғ, ўшандә: ғ;** Наманган: **бунә, мунә, шунә;** Бухоро: **ундәғ, ундәқ, мундәқ, ўшандәқ, ошандак, ундей, бундай, шундай, уннәқ, муннәқ, шуннәқ.** Фарғона группа шеваларда: **ундәқ, мундәқ, шундәқ,** Шахрисабз: **муннәф, муннәх, муннәф** сергав одамми ҳеч кўргани йәғ; **Қарши:** **уннәф, муннәф, шуннәф** каби

Кўрсатиш олмошининг **ундақанги, бундақа** формалари ўзбек шеваларида турли кўринишларда келади. Чунки қипчоқ шеваларда [-дек, -дақа] қўшимчалари ўрнида **[-чақъ // -чъқъ, -чанғъ, -чаға]** формалари қўлланлади. Бу қўшимчалардан ташқари қарлуқ лаҳжасига оид шеваларида

[**-чъкън, -қъчън, -чън**] формалари ҳам ишлатилади. Қипчоқ лаҗжасига оид шеваларда **бундойчаға, бундойчик, ундайчанғи** тарзида қўлланилади. Қарлуқ лаҗжасига оид шеваларда **унейчикин, бунақичин, бунайчин** формаларида учрайди. Бундай ҳолатларни бошқа ўзбек шеваларида ҳам кузатиш мумкин. Масалан: **Самарқанд (қипчоқ) бундайчақы, уннайчъқ;** **Бухоро (қипчоқ) буннайчәқъ** каби. Навоий вилоят шеваларида кенг кўламда қўлланиладиган **бунақъчън, бунэйчън, унэйчън** тарзидаги формалари шу шеванинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади. Ўзбек шеваларида [**энэ, мэнэ**] кўрсатиш олмошларига **[-кэй]** қўшимчаси кўшиб ишлатилади: **энекэй, мэнекэй** каби. Бу ҳолат Қарши, Паркент, Самарқанд шеваларида ҳам учрайди.

Сўроқ олмошларидан [**ним**] бирор предмет, воқеа-ҳодисаларга нисбатан берилади. Қипчоқ лаҗжаларига оид шеваларда нима олмоши **не:** **бу, нов бўлди** шаклларida учрайди.

Шеваларда [**неч**] сўроқ олмоши [**неччъ, неччә, нечънчъ**] каби формаларда учрайди. Бу сўроқ олмоши ўзбек шеваларида турли формаларда қўлланилади: Жиззах: **неч//неччъ**, Тошкент: **неччъ**; Қўқон: **нъччъ**; ўғуз: **нъччә**. Шеваларда қандай сўроқ олмошининг ўзи бир неча хил варианtlарда учрайди. Қарлуқ шевасининг кўпчилигида **қэннэй, қэннэғ,** **қандоқ** тарзида қўлланилади. Бундан ташқари **қёнайқъчън- қёнайкъчън** варианtlари ҳам учрайди.

Ўзбек адабий тилидагидек, ўзбек шеваларида шахс ва предметларнинг йифиндисини, тўдасини ифодалаш учун белгилаш-жамлаш олмошларидан фойдаланилади. Қарлуқ лаҗжасига оид шеваларда **ҳэммә,** **бәрь** олмошлари билан биргалиқда жамликни ифодалаш учун **йэвлъх,** **йэппәсь** сўzlари қўлланилса, қипчоқ лаҗжасига оид шеваларда **жавльк,** **жаппәсьга** сўzlари ҳам учрайди.

Бирор нарса-предмет, воқеа ёки ҳодисаларнинг инкор маъносини ифодалаш учун бўлишсизлик олмошлари қўлланилади. Бўлишсизлик олмоши **ҳеч** сўзига **ним**, **нарса**, сўzlарининг қўшилишидан ҳам ясалади.

Бу ўзбек адабий тили учун ҳам, ўзбек халқ шевалари учун ҳам хос бўлган хусусият. Фақат улар шевалараро турли хил фонетик варианtlарда учрайди. Шеваларда ҳам қўйидагича қўлланилади: **Бух, Сам, Нав. в. ш. ҳышнъмә, ҳыштъмә, ҳъчбәлә, ҳъччъ каби; Кўқон: ҳыштъмә, Тошкент: ҳъштәмә, Андижон, Наманган, Жиззах, Сурхондарё: ҳъштәмә** каби.

Гумон олмошларидан [**бир нима, бир нарса**] олмошлари Бух. Сам. шеваларида [**биннима, биннеса**] тарзида қўлланилади. Бу Кўқон, Наманган шеваларида ҳам учрайди.

**Ўзбек шеваларида феъл сўз туркумига оид морфологик хусусиятлар.** Ўзбек халқ шеваларида ўзининг хилма-хил маъно оттенкаларига эга бўлган феъл сўз туркуми ҳам мавжуд бўлиб, унинг майл, замон, нисбат категориялари ўзбек адабий тилидагидек бўлсада, уларнинг шевалараро ўзига хос хусусиятлари ҳам учрайди. Ўзбек адабий тилидагидек, қарлуқ лаҳжасига оид шеваларда буйруқ-истак майлиниг II шахс бирлиги феъл ўзагига [-ғын, -қын] қўшимчаларини қўшиш орқали ясалади.. Қипчоқ лаҳжасига оид шеваларда мазкур қўшимча [-ғын, // - қын] варианtlари билан учрайди: **уйға барғын, алавди яққын** каби. Бу қўшимчалардан сўнг [-ак] аффиксининг қўшилишидан буйруқ-истак майдидаги **боргинак, айтгинак** сўzlари қипчоқ лаҳжасига оид шеваларда **барғинак, билғинак** тарзида қўлланилади. Ўзбек шеваларида буйруқ-истак майлиниг II шахс қўплик формаси [-ънг /-ынг/, -ынгиз/-ынгиз/ -ынғиз, -нг, -н+ғиз] қўшимчалари орқали ясалади ва маъноси бир шахста қаратилган бўлади: **оқънг, кельнг, ә: нг, кенг, ъшленгъз, оқънгъз;** қипчоқ лаҳжасига оид шеваларда **анг (η), барингъиз** каби.

Шарт майлиниг қўлланишида ҳам шевалараро айрим фарқлар учрайди. Бу кўпроқ шарт майлиниг I, II, III шахс қўплик формаларининг ишлатилишида кўринади. Қарлуқ лаҳжасига оид шеваларда шарт майлиниг II шахс қўплик формаси [-к (-й // -г)] аффикси ёрдамида ясалади. **бэрсәк// бэрсәг, бэрсәй.** Тошкент, Бешкент шеваларида [в] орқали ясалади: **Тошкент. : берсев, Бешкент. : оқусев.** Шарт майли I шахс қўплик

формасининг [-к//й] варианти Фарғона тип шевалар учун, [-г] варианти эса Самарқанд–Бухоро тип шевалар учун характерлидир. Қарлуқ лаҳжасига оид шеваларда шарт майлиниң II шахс кўплик формасини ясовчи [-нгиз] аффикси [й] товуши билан талаффуз қилинса, қипчоқ тип шеваларида [-нгиз//нгис] аффиксининг ўзи қолади. **Кесейъз, бълсейъз, айсангис келсангис, билсангиз** каби. Шарт майлиниң II шахс кўплик формасида [-са] қўшимчасидан сўнг шахс ва -лар кўплик кўрсаткичларининг қўшилиши ҳам шеваларда фарқланади.

Ўзбек халқ шеваларида, ўзбек адабий тилидагидек, аниқлик майлиниң уч замон формаси – ўтган замон, ҳозирги замон, келаси замон формалари мавжуд.

Шеваларда феълнинг ўтган замон [-ди] формаси [-л] ундоши билан тугаган феъл ўзагига қўшилганда [д] товуши прогрессив ассимиляцияга учраб, [л] билан талаффуз қилинади: [лд>лл[-ди]] > -ли: **боллъ, келлъ, соллъ** каби. Ёки феълнинг ўтган замон формаси [-ди] кўпинча [н] товушидан сўнг келганда [-ни] шаклида талаффуз қилинади. [д>н] [ди>ни]: **больнъ, эльнъ, йэнъ** каби. Бундай ҳолат Самарқанд–Бухоро тип шеваларида учрайди. Бухоро диалектининг “бир тилли” шевасида [дъ] аффиксининг позицион [ль] варианти бор. Масалан: **кел-лъ-м, кел-лъ-нг, кел-лъ, кел-лъ-к, кел-лъ-нгъз** каби..

Ўтган замон феълининг II шахс кўплик формаси ўзбек шеваларида, [-нгъз//йъз] каби фонетик вариантларда қўлланилади. **келдънгъз // келдъйъз.** Қипчоқ шеваларида [-ныз // -нгъз] вариантларда учрайди: **бардыныз, келдънгъз.**

Ўзбек адабий тилида [-нгиз] (**айтдингиз, келдингиз**) аффикси асосан II шахс кўплик маъносида қўлланади. Ўзбек шеваларида ҳам [-нгъз // -йъз // -з] (ва бошқа фонетик вариантлари билан) ] II шахс кўплик формаси сифатида қўлланилади.

Қарлуқ лаҗжасига оид шеваларда ўтган замон феълининг [-нгъз] формаси таркибидаги -нг бирлик кўрсаткичи тушиб қолади ва кўплик [-ъз] қўшимчаси сақланади. Нав. в. ш. **бъллъзмъ, еллъз // еллъйъз** каби.

Ўтган замон феълининг [- (а) р эди] шакли шеваларда [- (а) йди] шаклида қўлланилади. **Бэрэйдъм, бэрэйдънг, бэрэйдълэ.** Бу форма Қашқадарё, Қарнаб, Фориш шевалари учун ҳам характерлидир. Мисоллардан кўринадики, ўтган замон феълининг [- (а) р эди] формаси ўтган замондаги маълум бир вақтда тугамаган, давом этган ҳаракатни билдириб келган.

Феълнинг ҳозирги замон формаси ҳам шевалараро турли хил кўринишларга эга. Қарлуқ лаҗжасига оид шеваларда ҳозирги замон давом феълининг [-йәп (-яп)] аффикси ўрнида [-әп // -йәп] шакллари қўлланилади: Масалан, келәмман. Ҳозирги замон феълининг бу шакллари “Бухоро–Самарқанд” группа шевалари учун хос.

Ўзбек халқ шеваларида ўзбек адабий тилида қўлланувчи қўмакчи феълларнинг деярли ҳаммаси мавжуд бўлиб, адабий тилда англатган маънолари билан бир хил тарзда қўлланилади. Аммо улар ўртасида фарқланувчи хусусиятлар ҳам учрайди. Улар фонетик вариантлари ҳамда адабий тил билан шевалар ўртасида ёки шевалараро қўмакчи феълларнинг алмашиниб қўлланилишида кўринади. Бух, Сам, Нав. в. ш. шеваларида: **эпкөр, сөрәпкор, эбәқ (< олиб бок)** ; Жиззах **сөрәп көр, эпкөр//адабий тилда сўраб кўр, олиб кўр.**

Ўзбек шеваларида тўлиқсиз феъллари турли хил фонетик вариантларда ҳам қўлланилади. Экан тўлиқсиз феъли **акан || икан|| икен|| акен || кен** формаларида, шунингдек, ўтган замон феъли [- (а) р] экан формаси ўрнида -дейкан тарзида қўлланилади: **борарекен, билерилен; оқийдийкен, (ўқир экан), ишлайдийкан.**

Ўзбек халқ шеваларида феълнинг ҳамма даражалари ўзбек адабий тилидаги маънолари билан учрайди. Бироқ уларнинг қўлланилишида шевалараро турли хил фонетик вариантларда учрайди. Шеваларда феълнинг

ўзлик, мажхуллик даражаси ўтган замон формасида келганды ассимиляция ҳодисаси учрайди. Ўзлик даражаси асосан – **(и) н** аффикси ёрдамида ясалади: **къийннъ, терэннъ, суйнъ** каби.

Феълнинг ортирима даражаси ўзбек шеваларида турли хил фонетик вариантларда учрайди. [ дър, -ғъз] - **бълдъргъзмайдъ,** [-ғъз, -дър] – **йегъздърадъ,** [- тър|| -тур] – **ташлаттърдъ.** Шеваларда ўзбек адабий тилидаги чиқмоқ феълининг ортирима даражаси [ -әз, -әр, -аз, - әр] тарзида қўлланилади: **чъқар, чъқор, чъқаз, чъқәз, чигар // чиқър** каби.

Шундай қилиб, феълнинг майл, замон, даражаси шакларини ҳосил қилиш учун ўзбек шеваларида хилма-хил шакллар қўлланган. Уларнинг шевалараро тарқалиши бир хил емас. Чунки айрим формаларнинг қўлланиши шевалараро бир хил бўлса, айримлари фақат биргина шева доирасида бўлади, бошқа шева материалларида учрамайди. Буни юқорида келтирилган таҳлиллар билан изоҳлаш мумкин.

**Феълнинг функционал шакллари.** Ўзбек шеваларида феълнинг функ-ционал шакллари : равишдош, сифатдош, ҳаракат номи ўзбек адабий тилида- гидек бўлсада, уларнинг шевалараро ўзига хос хусусиятлари учрайди.

Ўзбек шеваларида ўтган замон сифатдош формаси **–ян** кўрсаткичи билан шаклланиши қайд этилган. **кейан (келган), бўйан (бўлган).** Бу Бухоро, Навоий вилояти шеваларида учрайди.

Ўғуз лаҷжасига оид шеваларда сифатдош формаси **–ен // -ан** аффикси билан ҳам шаклланади. **келган-гәлән** каби. **Шу вах авчының мылтығи елиннан душип гидан.**

Ўзбек шеваларида келаси замон сифатдош формаси-**дъган // -дъғон** **// -тъкён // -тъ-кон** кўрсаткичлари билан шаклланади. **борадъган // борадъғон, борайтъкён, айтайтъкён, борайкён, айтайкён** каби. Бу Бухоро, Навоий вилоят шеваларида учрайди.

- **(и) б]** равишдош қўшимчаси асосан + **(и) п [б>п]** формасида қўлланилади. Бу эса I шахс бирлик ва кўпллик (-ман, -миз <биз) шахс-сон

аффикслари таркибидаги [м] товушини ҳам жарангизлаштиради. [бм>пм>пп]: **кел-ъб-мен>кел-ъп-мен>кел-ъп-пен, кел-ъб-мъз>кел-ъп-мъз, кеппъз** каби. Шунингдек, [пм>мм] ҳодисаси ҳам учрайди: **айтъпмен>эйтъммен (айтибман), кельммэн.**

Шеваларда **-б (-иб)** равишдош қўшимчаси [в] формасида қўлланилади: **кетъведъ, ейтъведи, баръви: дъм** каби. Бу ҳолат Фориш шеваларида ҳам учрайди. **юрув** эди: **отув** эди. Буни Хоразм (қипчоқ) шеваларида ҳам учратиш мумкин: **баръби: дъм, баръви: дънг, баръви: дъ, баръви: дък, баръви: дънглер, баръви: дъ (лер).**

Ўзбек шеваларида равишдошнинг - **ганъ//-** **канъ, - ғанъ//-** **қанъ** каби аффикслари учрайди: **кўргани, эшиatkани; чықғанъ, эшитқанъ (қипчоқда)** каби.

Ўзбек шеваларида ҳаракат номи шаклларидан **-мәқ, -мақ** ўғуз шеваларида учрайди. **гътмәқ ( кетмоқ ), ойнамақ ( ўйнамоқ )** каби. Қарлуқ –чиғил-уйғур лаҳжасида ҳаракат номининг **–ыш, -уш** шакллари қўлланилади. **эйтъш, бъльш//** **айтиш, билиш; коруш, боруш//** **кўриш, бориш** каби.

**Ўзбек шеваларида равиш сўз туркуми.** Ўзбек адабий тилидагидек, ўзбек шеваларида ҳам равишлилар англацган маъноларига кўра ҳолат, ўрин, пайт, мақсад, миқдор-даражада равишлиларига бўлинади. Ҳолат равиши иш-ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини билдиради.

Ўзбек шеваларида **нҳҳсдан (тўсатдан), соппайип** (бир ўзи, ёлғиз турибди) каби бир қанча ҳолат равиши учрайди.

Ўзбек халқ шеваларида иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдирган ўрин равишлилари ҳам мавжуд бўлиб, улар турли кўринишларга эга. Адабий тилимиздаги **у, бу, шу олмошлари билан шаклланган** **бу йер, у йер, шу йер, бу ёқ, у ёқ, шу ёқ** каби ўрин равишлилари қарлуқ лаҳжасига оид шеваларда бер, шер, бәғ, шәғ, әғ тарзида қўлланилади. Бу равишлилар келишик қўшимчаларини олганда қуидагича кўринишга эга бўлади: **берә, шерә, буйққә, әккә, шуйққә каби.** Агар бу равишлилар мана, ана, ўша сўзлари

билин келса, **маняғда, аняғда, ошағда** тарзида қўлланилади. Қипчок шеваларида **анжақда, манжақда** ўрин равишлари учрайди.

Ўрин равишларининг **ўра, бера, шера** каби вариантлари Бухоро, Нав. в. ш ҳам учрайди. Ўзбек шеваларида ўрин равишларининг қуидаги кўринишлари ҳам учрайди. Қурама: **ошәқә барьп пәхтә егемән**; Андижон: **беш йилдан шәғисига шу испирапкани берди**; ЮҚШ: **қишлоқди кучуйлари шағиллап шакқа отип кетиверди**

Шеваларда пайт маъносини билдирувчи **ългэръттэн, бурундэн||буруннән, эзөнгача, нэмәшомгәчә, чөшкәгәчә** каби равишлар қарлуқ шеваларида қўлланилади. Бундан ташқари кун ботиш олдидан сўзи ўрнида **намозгар** сўзи ҳам қўлланилади. Буларнинг ҳаммаси пайт маъносини билдириб, пайт равиши вазифасини бажариб келади.

Шеваларда микдор-даражадан кенг қўлланувчи **хаддан зиёд, нақ** каби кучайтирив равишлари **гәртәк, гъттәй, қиттак, азракқина, сал || саҳал (озгина)** каби кўплаб равишлар учрайди.

Равишларда даражанинг [-сә, чъ] аффикси билан бирга келиши Қашқадарё, Нав. в. ш. шеваларида учрайди: **эттачъроҳ кел (эртароқ кел), пешъинсара борамъз, (пешинроққа борамиз)** каби.

**Ўзбек шеваларида ёрдамчи сўз туркумлари.** Маълумки, гапдаги сўзларнинг семантик-грамматик муносабати фақат қўшимчалар, келишиклар орқалигина эмас, кўмакчилар билан ҳам ифодаланади. Кўмакчилар ўзи боғланиб келган сўзнинг бирор бир келишикда бўлишини талаб қиласди ва улар орқали ифодаланган мақсад, сабаб, ўхшашлик, биргалик, пайт сингари маъноларни тўлдиради. Шеваларда билан кўмакчиси **мынән** формасида учрайди: **сен мынән кетаман, ула мынән гаплашдим.** Билан кўмакчиси ўрнида мынән ишлатилишини ЮҚШ, Тошкент, Бухоро, Кўшкўпир шевалари учун ҳам характерлидир. Шеваларда қиёслаш, ўхшатиш, маъноларини англатадиган каби, сингари кўмакчилари ўрнида кишилик олмошларидан сўнг -дәй қўшимчаси билан бирга **[-кичин || -кичин]** формаси қўшилишидан ҳосил бўлган мураккаб қўшимчалар

ишлатилади. Масалан: **манайкичин || мендайкичин, шундайкичин, силадайкичин, уноқичин, шуноқичин** каби. Ўзбек адабий тилидаги қадар кўмакчиси шевалараро турли хил фонетик вариантларда учрайди. Шеваларда қадар кўмакчиси билан бирга **довур, чайн** кўмакчилари ҳам қўлланилади: эртага довур, кечка чайнин, ақшамға давур каби. Баъзи шеваларда **ҳам қадар || довур** (Тошкент, Ўш), **човур** (Фарғона), **човур** (Андижон), **жо: улдо** (Сурхондарё), **довур** (Жиззах), **довур || човур** (Найман), **дон** (Хоразм) каби фонетик ўзгаришларга учраган ҳолда қўлланилади.

Ўзбек шеваларида боғловчилар ҳам турли фонетик вариантларда учрайди. Бириктирув боғловчиси **ҳам** шеваларда [йэм] формасида келади ва сўзларга қўшилиб талаффуз этилади. **Унгаям айттъм, озъям ишонмади.**

Зидлов боғловчиси лекин шеваларда **некин** тарзида қўлланилади. Бу Бух., Нав. в. ш, шунингдек, Қашқадарё шеваларида ҳам учрайди. **Бу гәпни эйттънг, некън охърънъ ойләмәдънг.**

Шеваларда қўлланилган кўмакчи ва боғловчилар ўзбек адабий тилидадек бўлса-да, айрим фонетик вариантлари, айрим сўзларнинг бошқа вариантлари билан қўлланилиши жиҳатидан фарқланади.

## СЎЗ ЯСАЛИШИ

**Ўзбек шеваларида морфологик усулда сўз ясалиши.** Шева сўзларининг морфологик тузилишига эътибор берсак, улар кўпроқ морфологик, синтактик усулда ясалганлигининг гувоҳи бўламиз. Маълумки, ўзбек адабий тилида ҳам сўз ясалишининг кўпроқ морфологик, синтактик усуллари эътироф этилади.

Ўзбек адабий тилидаги ясама сўзлар билан шевалардаги ясама сўзлар ўхшаш, бир хил бўлса-да, шеваларда яна ўзига хос хусусиятлар асосида янги-янги сўзлар ясалган бўлиб, ўзбек адабий тилидан фарқланади. Маълумки, ўзбек шеваларининг ривожланиб, бойиб боришига манба бўлган омиллар жуда кўп. Улар жуда узоқ қадимий даврлардан бошлаб ўзбек

шеваларини тараққий этиши ва тарихий ташкил топишида омил бўлган ички ва ташқи манбалар бўлиб ҳисобланади.

Ўзбек шевалари мана шу манбалар асосида тараққий этиб келган. Ўзбек шевалари тараққиётининг ички манбаларига, биринчи навбатда, сўз ясалиши киради. Айниқса, шеваларда сўзларнинг бирикуви, тузилиши, ясалишидан янги сўзлар ясалганда оғзаки нутқ қонуниятига кўра нутқ жараёнида осонликка интилиш талабига мувофиқ сўзларнинг таркибидаги айрим товушлар тушади, айримлари бирикади, айрим бўғинлари қисқаради. Бунинг натижасида бир неча сўзлар қисқариб битта сўзга айланиб қолади. Шевалар бу хусусияти билан адабий тилдан фарқ қиласди.

Хозирги ўзбек адабий тилидагидек, шеваларда ҳам морфологик усулда сўз ясалиши энг фаол усул бўлиб ҳисобланади. Бунинг ўзига хос томонлари шундаки, аффиксация усули бошқа тилларга мансуб сўзлардан ёки бошқа туркумга оид сўзлардан сўз ясашга кенг имкониятлар беради

Ўзбек шеваларида ясовчи аффикслар тузилиши жиҳатидан содда ва қўшма аффиксларга бўлинади. Ўзбек шеваларида кенг қўлланиладиган **-чи**; **-вон // -бан // -бан; -дўз; -гъ// -къ// -ғъ// -қъ; -ак; -уч; -льк // -льй// -льғ// -льқ** ва шу каби кўплаб қўшимчаларни келтириш мумкин. Шеваларда турли касб-хунар эгаларига тааллуқли бўлган шахс отлари [-чи] қўшимчаси орқали ясалади: **сувчъ, шувохчъ** (сувоқчи), **юзувчъ** (сувда сузувчи), **пудратчи, тейирмончи** (тегирмончи), **пахсачъ, таннурчъ** (тандир ясадиган киши) **бешикчъ, наматчъ, қандолатчъ, нашоллачъ (нишолдачъ), сумалайчъ** каби. [-чъ] аффиксининг дастлабки кўриниши [-ч] бўлиб, феълдан от ясади: **ўкунч, овунч** каби.

Ўзбек адабий тилидаги от ясовчи **-бон** қўшимчаси ўзбек шеваларининг барчасида мавжуд бўлиб, турли хил фонетик вариантларда учрайди. **-бон** қўшимчаси нарса-предметга қаровчи, уни сақловчи шахс оти ясади. Бу қўшимча (тож: “қўриқламоқ” оттенкасидаги аффикс) – отдан от ясади. Шеваларда – **бон** қўшимчасининг **-вон // -он // -бан** вариантлари

қўлланилади: қарлуқ: **дарвазавон, тарозион** (тарозибон) ; қипчоқ: **-бан сарайбан** каби.

Ўзбек халқ шеваларининг кўпчилигига учровчи **-боз** ( тож. бозидан – “ўйнамоқ”дан) қўшимчаси ўзбек адабий тилидагидек, асосдан англашилган иш-харакат билан кўп шуғулланувчи шахс отлари ясади. Бу қўшимча шевалараро турли фонетик вариантларда учрайди.

Қарлуқ тип шеваларда: **майлъсбоз, капитарвоз** || қипч. **мажлисбаз, капитарбаз;** Бухоро: **каптарбоз;** Андижон: **-воз;** **каптарвоз;** Хоразм: **каптарваз** каби.

Ўзбек адабий тилидаги от ясовчи **[-манд]** (тожикча аффикс) аффикси ўзбек шеваларида турли хил фонетик вариантларда учрайди. Шеваларда бу қўшимча **[-вон || -бан // -ман]** тарзида қўлланилади: Бу қўшимча ўзбек шеваларида ҳам қўлланилади: Андижон. **-ман || -мал: аёлман|| аёлмал;** Тошкент: **-вон: аёлвон;** Хоразм: **- бант: хунарбант,** Нав. в. ш. **хунарвон, хунар-бан, хунарван** каби.

Шеваларда **супурги** ўрнида **шуутки** сўзи қўлланилади. Сулги, шуутки, шибиртки сўзларининг таркибидаги **[-ги // -ки // -қъ // -ғъ]** қўшимчалари от ясаган

Бухоро, Самарқанд, Навоий вилоят шеваларида **[-уч]** қўшимчаси мавжуд бўлиб, феълдан от ясади: **тирнауч** (паншоха), **туйроуч** (тўғнағич) каби.

Ўзбек шеваларида **-хона** қўшимчаси жой маъносини билдирувчи отлар ясади. Нав. в. ш. **сайсхона || саватхона** (моллар турадиган жой), Андижон: **отхона || отхана.** Тошкент: **ишхона,** Хоразм: **самонхона** каби.

Ўзбек адабий тилидаги **[-лик]** қўшимчаси ҳам ўзбек шеваларида абстракт маъноли отлар ясади. Бу қўшимча сифат ва равишиларга қўшилганда белги оти ясади. Қарлуқ типли шеваларда **[-лик, -лий]: яхшилик, яхшилий;** қипчоқ типли шеваларида **[-лик, -лиғ]: яхшилик, дўстлиғ** каби. Фарғона, Андижон **[-лик]: яхшилик,** Тошкент: **[-лий]**

**яхшилий**, Хоразм: [-лик, -лик]: **яхшилик, яхшилиқ**: -лиғ: қишлиғ, -луқ: дўустлук.

Ўзбек шеваларида, ўзбек адабий тилидагидек, бирор предмет, воқеа-ходиса ёки ҳолатнинг ранг-тусини, шаклини, ҳажмини, маза-таъмини, оғир-енгиллигини, характер хусусиятларини ифодалайдиган сифат сўз туркумiga хос сўзлар ҳам мавжуд. Сифат гуруҳини ташкил этувчи сўзлар туб ва ясама тарзида қўлланилади.

Ўзбек шеваларида аслий сифатлар, яъни туб сифатлар шевалар луғатининг анчагина қисмини ташкил етади. Масалан: **арқайин** (бемалол), **даванг** (кўпол), **пач** (тузи кам), **пистаки** (яшил), **овур** (оғир) каби.

Ўзбек адабий тилидагидек, шеваларда ҳам ясама сифатлар морфологик усулда ясалади. Маълумки, ўзбек шеваларидаги сифат ясовчи аффикслар ўзбек адабий тилидагидек бўлса-да, маълум даражада фарқланади. Ўзбек адабий тилидаги **[-ли]** сифат ясовчи қўшимчалик шеваларда турли формалари билан қўлланилади. Маълумки, қадимги

**[-лиғ, -лиғ, -лик, -луг, -луч]** аффикс вариантиларидан бирининг охиридаги **[ғ, қ, г, қ]** товушларининг тушиши натижасида **[-ли]** мустақил шаклланиб, аста-секин маъно жиҳатидан ҳам ажралган: (**-лиғ // -лиғ/-лик >-ли**). Аммо ўзбек шеваларида фақатгина **[-ли]** аффиксигина эмас, **[-лик]** ва унинг барча қўринишлари ҳам сифат ясашда иштирок этади. Масалан, **-ли || -лий, -лик : мевали дараҳт || мевәлъй дәрәхт, мевәлък дәрәхт [-лиғ]: сўйуғлиғ қо:** ун; **[-лик]: уютқилиқ (томизғилиқ), отлиқ одам** каби. Бу қўшимчалар қипчоқ типли шеваларда **-лиғ, -лик** тарзида учрайди: **манилиз адам, атлиғ адам, сувлиғ ер, алмалиғ дараҳт** каби..

Ўзбек шеваларида **[-дек]** аффиксининг бир қанча фонетик вариантиларда қўлланилиши ўзбек адабий тилидан фарқланади. Шеваларда бу қўшимчанинг **[-дақа, -тай, -дай, -дақанғти, -дек]** каби формалари учрайди: **қушдақа, қиттай (азгина) гарттай (азгина), айтганингдай, сандақанғти, отдек** каби. Мазкур қўшимчалар Самарқанд, Бухоро, Навоий шеваларида учрайди. Шевалардаги айрим сўзлар бир бутун маъно касб

этганлиги учун, уларнинг ўзакларини мустақил семемаларга ажратиш қийинроқ бўлади. Масалан, қиттай, гиттай сўзларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Бу [-дек] қўшимчасининг [-дақа, -дақа, -дай, -дақангги, -дақангги] каби фонетик варианtlари Тошкент шеваларида ҳам учрайди

Шеваларда харакат-холатнинг белгисини билдирувчи равишилар ҳам ўзбек адабий тилидаги семантик ва грамматик белгиларига мос келади. Аммо улар равишиларнинг қўлланиш даражалари билан, айрим морфологик кўрсаткичларни қабул қилиши, шевалараро ҳар бирининг ўзига хос туб ва ясама равишиларнинг мавжудлиги билан фарқланади.

Ўзбек адабий тилида актив ишлатиладиган [-дек|| -дай] қўшимчалари шеваларда [-дай +ин, -гудайин] равиши ясовчи аффикси кенгроқ қўлланилади: өдемдэйън, ўлгудэйън, ўлгудейън. Бу қўшимчалар Тошкент, Хоразм шеваларида ҳам қўлланилади. Тошкент: ўлгу (н) дэй, Хоразм: ўлгъдейън.

Ўзбек адабий тилидагидек, ўзбек халқ шеваларида [-гача] қўшимчаси пайт-чегара маъносини ифодаловчи равиши ясади. Шеваларда мазкур қўшимчанинг [-гача || -гача, -қача|| -қаче || -кеча || -кача || -кича || -қича] каби варианtlари учрайди. Бундан ташқари бу қўшимчалар ўрнида [-довур, -довир, -човир, -чалли] қўшимчалари ҳам қўлланилади. Бу аффикслар ўзбек шевалариаро фарқланади. Хоразм: ачанаchalли отирдиқ каби. Нав. в. ш., Тошкентнинг Қорахитой шеваларида [-довур], Фарғона, Андижон тип шеваларида [-говур|| -чавур] варианtlари қўлланилади.

Юқоридаги маълумотлар асосида шуни айтиш мумкинки, шеваларда морфологик усулда сўз ясалиши ўзбек адабий тилидагидек бўлсада, маълум даражада ўзига хос хусусиятларга ҳам эга.

**Ўзбек шеваларида синтактик усулда сўз ясалиши.** Ўзбек адабий тили билан шеваларда қўшма сўзларнинг ясалиши бир хил бўлса-да, улар ўртасида фарқлар ҳам мавжуд. Ўзбек халқ шеваларида композицион усулда ясалган қўшма сўзлар оғзаки нутқ қонуниятига мувофиқ нутқ жараёнида

осонликка интилиш талабига кўра сўзларнинг таркибидаги айрим товушлар бирикади, айрим бўғинлар қисқаради, товушлар тушиши рўй беради ва бир неча сўзлар бир сўзга айланади. Шунингдек, адабий тилдаги қўшма сўзлар билан бирга шеваларда яна унинг синоними сифатида бошқа сўзлар ҳам қўлланиши мумкин.

Ўзбек адабий тилидагидек ўзбек шеваларида қўшма отлар турли сўз туркумларидан ясалади. От билан отдан: **өшъбурдэ** || угра ош ; **өшпъчоқ** || гўшт қиймалайдиган ёйсимон болтача; **кампировуз**|| омбур, **ъйнәбән**|| тоғнағич: сифат билан отдан: **олашақшак**|| зағизғон; **қоракорпа** || беда; сон билан отдан: **мънгбошъ** || шувоқ, **ъккъқэт** || хомиладор, **чөрпоя** (тожик. чаҳор “тўрт”, пой – “оёқ”- а ясовчи аффикс чаҳорпоя – чорпоя) – хонтахта; феъл билан отдан: **сэвәчўп** || савагич, феъл+феълдан: **өльпсөтәр** || чайқовчи каби.

Ўзбек адабий тилидагидек, ўзбек шеваларида композицион усулда ясалган қўшма сифатлар анчагина. Масалан, **чумчуқйурәк** || қўрқоқ, **бўйнъйорбермәс** || ишёқмас, латта кесмас; **пэндэвәқъ** || лапашанг каби.

Шеваларда белгилаш олмошига қўшилиб келадиган сўзлар фарқлидир: Бух. Нав. в. ш. **ҳәр туллъ** (ҳар хил ), **ҳәр дәпә** (ҳар доим), **ҳәр зэйл** (ҳар замон), **ҳәр пәллә** (ҳар вақт), Гурлан: **ҳәр тулли**, Қашқадарё: **ҳәр дәпә**; Хоразм: **ҳар гун**; Қашқадарё: **ҳар кун**, Андижон: **ҳар ёхтан** каби.

Ўзбек шеваларида от феъл типдаги қўшма феъллар адабий тилдагидек кўп учрайди ва шеваларда содда феъл тарзида қўлланилади: **умътләнни** || **умитланди** || **умид қилди**; **узөтъвөрдъ** || **узатиб юборди**; **у укасини жонэтъвөрдъ** || **у укасини жўнатиб юборди**

Қўшма феълларнинг феъл-феъл типидаги формалари шеваларда ҳам кенг тарқалган: Фарғона тип шеваларда **айторинг** || айта бериб, Жиззах: **беровринг**, **ишлатовургин**, **айтовирсан** || бериб юборинг, ишлатиб урган, айта берсам; Тошкент **олувринг** || олиб юраверинг; **айтивургин** || айтиб бергин каби. Ўзбек шеваларида қўшма феълларнинг бундай қўлланиши ўзбек адабий тилидан фарқланади.

Ўзбек шеваларида адабий тилда учрамайдиган бир қатор сўзлар тузилиши жиҳатидан ясама ва қўшма бўлади. Бу сўзларнинг таркибидаги морфема ёки компонентлардан бири адабий тилга маълум ёки номаълум бўлиши мумкин.

Шеваларда қўлланиладиган **ун төртгъч** сўзи ўзбек адабий тилидаги тегирмон сўзи ўрнида кўп ишлатилади. Ун ва тортмоқ сўзларидан тузилган **ун төртгъч** қўшма сўзи таркибидаги ун ва торт сўзлари ҳозирги ўзбек тилининг луғат таркибида бўлса ҳам, лекин уларнинг қўшилувидан ҳосил бўлган сўз адабий тилда мавжуд эмас. Компонентларнинг қўшилувидан ҳосил бўлган сўзниң маъноси компонентлардан бири англатган маънога алоқадор бўлади: **шаба ёз** сўзи тезроқ ёзиш маъносида ишлатилади

Шеваларда ўзбек адабий тилидагидек синтактик усул билан жуфт сўзлар ҳам ясалади. Уларнинг айримлари адабий тилдагидек бўлса, айримлари ўзига хос хусусиятларга эга. Жуфт отлар турли сўз туркумларининг жуфтлашишидан ҳосил **бўлади: от+отдан: ота-бала, ака-ука; сифат+сифатдан: ъсьқ-совуғ // ъсьқ –сувъқ; феъл+ феълдан: очъш-ёпъш** каби.

Жуфт сифатлар шеваларда ҳам ўзбек адабий тилидагидек предметнинг бир умумий белгисини билдириб, икки содда сифатнинг teng боғланишидан ҳосил бўлади: **болдамли – оръғ; конгль очъғ – қурумсъғ, тупөғ – нөтупөқ** каби. Бу сўзлар кўпроқ қарлук лаҳжасида сўзлашадиган аҳоли нутқида кўпроқ учрайди. **асон-қъийн; иссьқ-сувъқ; йэвөйъ-хөнәкъ** жуфт сифатларнинг бу кўриниши Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Сурхондарё қипчоқ шеваларида ҳам шундай қўлланилади.

## Ўзбек шеваларининг синтактик хусусиятлари

Ўзбек шеваларининг фонетик, морфологик, лексик хусусиятларига қараганда синтактик хусусиятлари жуда кам ўрганилган. Тилнинг тарихий тараққиётига аҳамият берадиган бўлсак, янги сўзларнинг пайдо бўлиши янги сўз бирикмаларини келтириб чиқарганлигини қўриш мумкин. Маълумки, ўзбек тилига қардош бўлмаган тилларнинг ҳам таъсири бўлган. Бу тилларнинг таъсирида янги сўз бирикмалари ва эргаш гаплар вужудга келади. Боғловчиларнинг қабул қилиниши гапларни, сўзларни бир –бири билан бириктириш йўлларини очиб беради. Бу ўринда шуни айтиш жоизки, бу соҳани ўрганишга бағищланган М. Туробованинг Тошкент вилояти ўзбек шевалари ва Й. Жуманазаровнинг ўғуз шеваларининг синтактик хусусиятларини ўрганишга бағищланган тадқиқотларини келтириш мумкин.

Хозирги кунда ўзбек тилли диалектал худудларда ўзбек шеваларининг синтактик хусусиятлари ҳали тўлиғича ўрганилгани йўқ. Ўзбек шеваларининг фонетик, морфологик, лексик хусусиятлари ўрганилган баъзи тадқиқотларда шеваларнинг синтактик хусусиятлари тўғрисида қисқа маълумотлар келтирилган. Холбуки, синтактик қурилиш грамматик системанинг ажралмас қисмидир. Шу боис ҳам шеваларнинг синтактик хусусиятларини ўрганиш муҳимдир.

Ўзбек шеваларининг синтактик хусусиятлари адабий тилидагидек бўлсада, баъзи бир ўзига хос хусусиятлари ҳам учрайди.

**Сўз бирикмаси.** Шеваларда сўз бирикмасининг ҳамма турлари мавжуд бўлиб, ўзбек адабий тилидагидек бўлсада, шеваларда сўз бирикмаси таркибидаги бош ва эргаш сўзни боғловчи грамматик воситаларнинг шаклланишида ўзига хос томонлар мавжуд.

**Битишув: Жудайам қўп жэйләгэ чъройлъ бънслә қурълдъ.** (Жуда қўп худудларда чиройли бинолар қурилди. )

**Бошқарув:** Ўрин пайт келишиги ёрдами билан шакланиши керак бўлган бошқарув алоқа ўзбек шеваларида жўналиш келишигига келади. **Уйгэ отъръитълә, Зэводгэ ъшлияпть, қышлоққә ортоқлэръм бор** (Уйда ўтирибдилар, Заводда ишляяпти, қишлоқда ўртоқларим бор).

**Мослашув:** Тэғдынг төпэсьдә къмынгандър қычқырған авазы ешътълдъ. (қипчоқ лаҳжасида). Кочэттънг бәргләръ тушә бошләдәй.

Ўзбек шеваларида туркий изофалар кенг қўлланилади. **Фәрзәнләнъ ёруғ кун кўтмоқдә ; Ёнънгдә дәнс дўст бўгәнъ яхшъ; Шәхәрдә янгъ кўпрък** қурълдъ. Изофали бирикмалар икки тилли шеваларда, ўзбек ва тожик халқлари аралаш яшайдиган худуд шеваларида ҳам қўлланилади.

Ўзбек шеваларида содда ва қўшма гаплар таркибидаги гап бўлаклари инверция тарзида бўлади. Ўзбек адабий тилига нисбатан шеваларда сўз тартиби эркиндир: **Унънг аньқ эдъ кельшъ-Унинг келиши аниқ эди. У гәпъръп бердъ ҳәммә гәпъпъ –У ҳамма гапни гапириб берди. Нәргъзә тән олдъ ёлғон гәпъргәнънъ-** Наргиза ёлғон гапирганини тан олди. Эртан чықамыз джулға -Эрта билан йўлга чиқамиз каби.

Ўзбек шеваларида тўлиқсиз гаплар, сўз гаплар ҳам эркин тарзда бўлади. Бундай гаплар шева матнларида кўплаб учрайди. Шеваларда тўлиқсиз гаплар таркибида гап бўлакларининг такрорий қўлланилиши учрайди. Кече сен кутубхонәгә бўрдънгмъ ? // **бўрдъм-бўрдъм**, ёки ҳә бордъм, баъзан тасдиқ ва инкор маъносида: ҳә ёки йўқ сўzlари билан жавоб қайтарилади. Баъзан эса гап бўлакларидан бирортаси орқали жавоб берилади. **Бу кътёб қъзықәрль экәнмъ? - қъзықарль** каби.

М.Мирзаевнинг қайд этишича, инкор гапларнинг кесими вазифасида қўлланадиган **эмас**, **йўқ** сўzlари баъзан ўзаро алмашади. Бундай дифференциация қилмай ишлатиш асосан ”икки тилли” шеванинг хусусиятларидандир. - **Дерәзә очъғмъ? Дерәзә очъғ йўқ, ёпуғ.** (ад. орф. Дераза очиқ эмас, ёпик.)

Гап бўлаклари билан грамматик боғланмаган сўzlарга хос диалектал кириш сўzlар шеваларда ўзига хос кўринишга эга. Қарлук лаҳжасидаги

шеваларда чөкъ, чөгъмнән; икки тилли шеваларда әкун, әкунбат, бәт суғун каби сўзлар кўпинча кириш сўз ўрнида қўлланилади. Чөкъ, у гәпърмәкчымәс –Акунбәт, эйтгәнләръз тоғръмъ? –Қипчоқ лаҳжасида: Шуитып, айтғаңыз туврымы?каби.

Кўчирма гаплар ҳам ўзига хос кўринишга эга бўлиб, матнларда кўпроқ қўлланилади. Ўғуз лаҳжасида: Авчи гөрәнинә гөзинә ишэнмәптири. Өз-өзигэ: “Хатта ҳейвонлар ҳам бир-биригэ мушқул вақтда йәрдәм берейкән. Нәмәгә әдәмләр бир-биринә йәрдәм бермийдир-”дийип авы тәшләп гидиптири.

# **Л е к с и к а**

## **Ўзбек шеваларининг лексик хусусиятлари**

Хаётдаги барча нарсалар, янгидан вужудга келган, пайдо бўлган ҳар қандай воқеа-ҳодисалар энг аввало тилнинг лексикасида ўз ифодасини топади. Шу боис ҳам лексика тилнинг бошқа сатҳларига қараганда мураккаб ва кўп қирралидир. Унинг вазифаси, бир томондан, борлиқни барча мураккабликлари билан инъикос этиш бўлса, иккинчи томондан, унда тилнинг лексик-семантич, услубий, сўз ясаш ва шу каби бир қатор мураккаб лисоний ҳодисалари, уларнинг ўзаро муносабатлари ўз ифодасини топади.

Ўзбек шевалари лексикаси ўзбек тили луғат бойлигининг таркибий қисмидир. Маълумки, ўзбек халқи ўзининг тарихий тараққиёти давомида жуда кўплаб халқлар билан маданий-лисоний алоқада бўлган. Бу эса ўзбек тили ва унинг шеваларида сезиларли даражада из қолдирган. Ўзбек шевалари бўйича тўпланган материалларнинг асосий қисмини туркий (ўзбекча) сўзлар ташкил этса, қолган қисмини форс-тожик, араб, рус тили ва у орқали Ғарбий Европа тилларидан ҳамда яна бир қатор бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар, жумладан, мўғул-хитой лексик параллеллар ташкил қиласиди.

Маълумки, тилларнинг ўзаро алоқа ва муносабатда бўлиши ҳар қандай тил тараққиёти жараёнининг асосий хусусиятларидан биридир. Халқларнинг ўзаро яқин муносабатда бўлиши, иқтисодий, ижтимоий, маданий алоқаларни, тилларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва аралашувига сабабидир. Маълумки, тил лексик қатламиининг ўзгариб боришида ички ва ташқи омилларнинг таъсири сезиларлидир. Дарвоҷе, тилларда «ўз» ва «ўзлашган» сўзларнинг мавжудлиги тилдаги «ички» тараққиётни, шунингдек, «ташқи» таъсиrlарнинг натижаларини кўрсатиб туради. Шу сабабли тилдаги муҳим ўзгаришлар «ички», «ташқи» омиллар, лисоний қонуниятлар ҳосиласидир. Шуни ҳам айтиш керакки, тилдаги сўз

ўзлаштириш ҳодисаси - ўзга тилларга хос тушунча ва ҳодисаларни ифодалаш ва ўзлаштиришнинг қўрсаткичидир. Барча ўзлашма сўзлар ўзбек тилида бўлмаган бирор янги предмет, янги воқеликни ифодалаш эҳтиёжидан келиб чиқади. Жамият тараққиётини қўрсатувчи тарихий фактлар, инсон нутқининг ижтимоий характери бирор тилда мавжуд бўлган элементларнинг бошқа тил томонидан ўзлаштирилиши, бир тилнинг бошқа тилга таъсир этишини қўрсатади. Бу эса ҳар қандай тилнинг луғат таркибида аниқ кўриниб туради. Шунинг учун ҳам бирор миллат тилидаги лексик тизимнинг ёки грамматик қурилишнинг иккинчи бир тилдаги ана шундай хусусиятлар билан ўхшашлиги ва генетик алоқаси тасодифий ҳол эмас.

Тилнинг луғат таркиби этимологик нуқтаи назардан текширилганда аввало тарихий-генетик жиҳатдан ўзбек тилининг ўзиники бўлган сўзлар, яъни қадимий туркий сўзлар белгилаб олинади, сўнгра бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар аниқланади. Халқ шеваларида мавжуд бўлган лексик қатламлар аниқланаётганда ҳам шу нарса асосга олинади. Шевалар лексикасидаги сўзлар тарихий-этимологик жиҳатдан қўйидаги лексик қатламларга ажратилади.

### I. Умумтуркий лексик қатлам.

### II. Ўзлаштирилган лексик қатлам

Умуман ўзбек тилида, жумладан, шевалар лексикасида ҳам шундай сўзлар борки, улар бошқа тизимга мансуб бўлган тилларда ҳам учрайди ва ҳар икки халқ тили учун муштарак бўлади. Масалан: баавай, бэл, салхин, сахал (соқол), танглай, тамга (тамға), мос (муз) каби сўзлар мўғул тилида ҳам, ўзбек тили ва шеваларида ҳам қадимдан ишлатилиб келинмоқда. Уларни мўғул тилидан ўзбек тилига, ўзбек тилидан мўғул тилига ўтган сўзлар деб бўлмайди. Шу сабабли ҳам бу сўзлар тилшуносликда туркча - мўғулча параллеллар, ўтроқ сўзлар деб ҳам аталмоқда.

Ушбу сўзларнинг моҳиятини Э. Бегматов изоҳлаганлариdek, агар мўғул тили туркий тил, қардош тил деб тушунилганда келтирилган сўзлар

умумтуркий лексик қатlamга мансуб бўлар эди. Лекин ўзбек ва мўғул тиллари бошқа-бошқа системага мансуб тиллар деб қаралади. Қайд қилинган сўзларни мўғул тилидан ўзбек тилига ўтган, қабул қилинган ёки аксинча туркий тиллардан мўғул тилига ўтган, қабул қилинган деб бўлмайди. Бундай хуносага келиш учун чуқур илмий тадқиқот ишлари олиб бориш лозим бўлади. Шу сабабли юқоридаги сўзлар тилшуносликда **ўтрок сўзлар, туркча-мўғулча параллеллар** деб аталмоқда.

Ўзбек тили луғат таркибидаги кўпгина сўзлар қадимги даврлардан буён ишлатилиб келинган туркий сўзлардир. Мана шу узоқ даврлар маҳсули бўлган сўзлар ҳозирда ҳам барча туркий тилларда ҳам мавжуд бўлиб, бу тилларнинг ўз луғат бойлиги ҳисобланади. Ушбу қадимий сўзлар адабиётларда туб сўз, туб туркий сўзлар деб юритилмоқда: туб сўз –бу тилнинг ўзиники бўлган сўзлардир. Шу сабабли туб туркий сўзлар туркумiga кирувчи лексемалар генетик манбаига кўра ўша тилнинг ўзиникидир. Туб сўзлар одатда жуда қадимий бўлади. Мана шу туб сўзлар ўз қатlamга мансуб бўлиб, улар туркий тилларнинг лугавий бойлиги бўлган сўзлардир. Улар этимологик жиҳатдан барча туркий тилларники бўлгани учун ҳам улар умумтуркий сўзлар деб қаралади. Ўзбек тили туркий тиллар оиласига мансуб бўлгани учун ўзбек тилига ва унинг шеваларига хос бўлган кўпгина сўзлар (туб ўзбек сўзлари) бошқа туркий тиллар луғат составидаги кўп сўзлар билан этимологик бирликка (ўхшашликка) эга. Туркий тиллар асосий луғат бойлигининг ўзига хос хусусияти уларнинг барча туркий тиллар учун умумий муштараклигидадир.

Умумтуркий лексика тарихий асосларига кўра барча туркий тиллар учун умумий бўлган бўлса, кейинчалик ҳар бир туркий тил лексикасида ўзига хос ички тараққий этишлар натижасида алоҳида сўзлар вужудга келган.

Ҳозирги замон ўзбек адабий тили лексикасининг луғат таркибини ташкил этган умумтуркий сўзлар асрлар давомида туркий тиллар учун янги сўзлар ясаш орқали лексикани бойитища лугавий асос бўлиб хизмат қилиб

келган. Ўзбек тилидагидек, ўзбек шеваларида ҳам умумтуркий сўзлар мавжуд бўлиб, улар ўзбек адабий тилидагига қараганда қўп. Чунки ўзбек адабий тили тарихий тараққиёти давомида бошқа тиллардан, хусусан, араб, форс-тожик тилларидан қўпгина сўзларни қабул қилган. Шеваларда эса умумтуркий сўзлар нисбати адабий тилга қараганда кўпроқdir. Шундай қилиб, ўзбек шеваларида туркий лексик қатlam ўзлаштирилган сўзларга нисбатан миқдор жиҳатдан қўп бўлиб, асосий ўринни эгаллади.

Ҳозирги ўзбек шевалари лексикасининг туркий асослари қадимий даврларга бориб тақалади. Қадимий туркий лексик қатламга ўша давр тили луғат таркибида мавжуд бўлган сўзлар йигиндиси киради. Қадимий туркий лексиканинг асосий негизини ташкил этувчи, энг фаол ва ҳаётий бўлган сўзлар барча туркий тиллар лексикаси учун умумийdir. Ҳозирда бу сўзлар ҳар бир туркий тилнинг ўз лексик бойлигини ташкил этади

Ўзбек шеваларини М. Кошфарийнинг «Девону луғотит турк», А. К. Боровковнинг «XII-XIII аср ўрта Осиё Тафсири лексикаси» номли асарлари билан чоғиширилганда, бу асарлар тилида XI-XIV асрлардаги ўзбек тили лексикасига хос хусусиятларнинг ўзбек шевалари лексикасида ҳозирда ҳам учрашини кўрсатди ва қуидаги ҳолатлар аниқланди.

1) Тузилиши ва маъноси жиҳатидан ҳеч қандай ўзгаришларга учрамай, қадимги ёзма ёдгорликларда қайд этилган маънода қўланилаётган сўзлар. Бундай сўзлар ўзбек шеваларининг қипчоқ лаҳжасида сўзлашувчи аҳоли нутқида кўпроқ учрайди: **ат** ~ ат (ДЛТ., 1, 70) ~ от (ад. орф. ) ; **узак** ~ узак (ДЛТ., 1, 97) ~ узок (ад. орф. ) ; **ъеръқ** ~ ісріқ (ДЛТ., 1, 125) ~ исиріқ (ад. орф. ) ; **ънәй//инәк** ~ інәй (ДЛТ., 1, 135) ~ сигир (ад. орф. ) ; **ушәқ, ушәғ** ~ ушақ (ДЛТ., 1, 97) ~ ушоқ (ад. орф. ) ; **ағъз** ~ ағіз (ДЛТ., 1, 89) ~ оғиз (ад. орф. ) ; **ач** ~ ач (ДЛТ., 1, 108) ~ оч (ад. орф. ) ; **ата** ~ ата (ДЛТ., 1, 123) ~ ота (ад. орф. ) ; **алқыш** ~ (ДЛТ., 1, 131) ~ олқиши (ад. орф. ) ; **ахшам** ~ ахшам (ДЛТ., 1, 131) ~ оқшом (ад. орф. ) ; **арқа** ~ арқа (ДЛТ., 1, 148) ~ орқа, сирт (ад. орф. ) ; **алма** ~ алма (ДЛТ., 1, 150) ~ олма (ад. орф. ) ; **айран** ~ айран

(ДЛТ., 1, 142) ~ айрон (ад. орф. ) ; **қулач** ~ қулач (ДЛТ., 1, 340) ~ қулоч (ад. орф. ) ; **сачуқ** ~ сачук (ДЛТ., 1, 362) ~ сочиқ (ад. орф. ) ; **сач** ~ сач (ДЛТ., 1, 311) ~ соч (ад. орф. ) ; **бұлът** ~ булът (ДЛТ., 1, 336) ~ булут (ад. орф. ) ; **қанат** ~ қанат (ДЛТ., 1, 398) ~ қанот (ад. орф. ) ; **ана** ~ ана («Тафсир», 51) ~ она (ад. орф. ) ; **әйәғ** ~ ајақ («Тафсир», 44) ~ оёқ (ад. орф. ) ; **әш** (Кон. ) ~ аш («Тафсир», 66) ~ оч (ад. орф. ) ; **башлъқ** ~ башліқ («Тафсир», 94) ~ бошлиқ (ад. орф. ) ; **бъчәқ** ~ бічақ («Тафсир», 105) ~ пичок (ад. орф. ) ; **йабан** ~ јабан («Тафсир», 130) ~ дала (ад. орф. ) ; **жаруқ** ~ жаруқ («Тафсир», 147) ~ ёруғ (ад. орф. ) ; **қәйдә** ~ қајда («Тафсир», 194) ~ қаерда (ад. орф. ) ;

2) ўрганилаётган ёзма ёдгорликлар тилида учрайдиган бир қатор сўзлар текширилаётган шеваларда муайян фонетик ўзгаришларга учраган шаклларда қўлланилади ва бу ҳол кўпроқ қарлук лаҳжасида сўзлашувчилар нутқида кўринади.

**әғур** ~ ағір (ДЛТ., I, 87) ~ оғир (ад. орф. ) ; **тәрәғ** ~ тарғақ ДЛТ., I, 434) ~ тароқ (ад. орф. ) ; **қавън** ~ қагун (ДЛТ., I, 388) ~ қавун (ад. орф. ) ; **съйър** ~ сіғір (ДЛТ., I, 344) ~ сигир (ад. орф) ; **әвунч** ~ awінч (ДЛТ., III, 451) ~ бирор нарсага ўрганиб қолиш (ад. орф. ) ; **йәвғән** ~ jawған (ДЛТ., III, 44) ~ ёвғон ош, гўштсиз овқат (ад. орф. ) ва бошқалар.

3) Қадимги туркий ёзма ёдгорликлар тилида ва мазкур шеваларда бир хил шаклга эга бўлган сўзлар.

**уләғ** ~ улағ (ДЛТ., I, 143) ~ миниладиган от (ад. орф. ) ; **ушак** ~ ушак (ДЛТ., III, 144) ~ чақимчи (ад. орф. ) ; **тәвъшғән** ~ ташған (ДЛТ., I, 531) ~ қуён (ад. орф. ) ; **шәбәйәз** ~ шабаёз (ДЛТ., I, 309) ~ тез ёз (ад. орф. ) ; **қәмчъ** ~ қамич (ДЛТ., I, 341) ~ човли (ад. орф. ) ; **йумуртқа** ~ јумуртға (ДЛТ., III, 439) ~ тухум (ад. орф. ) ; **улгу** ~ ўлгў («Тафсир», 388) ~ нусха (ад. орф. ) каби.

Юқорида келтирилган қиёслар XI аср ёзма ёдгорлиги бўлган «Девон»даги тил фактларининг асосий қисми хозирги ўзбек адабий тилига

нисбатан ўзбек тилининг қарлук, қипчоқ, ўғуз лаҳжаларига мансуб шеваларда кўпроқ сақланганини тасдиқлайди.

### **Ўзбек шеваларининг лексик қатламлари**

Тил лексик системасининг ривожи ва бойиши мураккаб жараён бўлиб, у ушбу тил ўз тараққиёти давомида босиб ўтган тарихий йўлни ўзида ифода қиласиди. Мана шу мураккаб жараённи билиш учун тилшуносликда турли усуллардан фойдаланилади. Бунда асосий ўринлардан бирини тил лексикасини тарихий-этимологик тадқиқ қилиш эгаллайди. Тил луғат таркибини тарихий-этимологик жиҳатдан, яъни сўзларнинг генетик манбаларини тўла таҳлил қилиш ўзбек тилининг ўтмишда қандай қардош ва ноқардош чет тиллар билан алоқада бўлганини, бу тилда қайси тилларнинг таъсири мавжудлигини аниқлашга ҳам кўмаклашади.

### **Умумтуркий лексик қатлам**

Ҳар бир туркий тил луғат таркибини ташкил этувчи умумхарактерга эга бўлган сўзлар туркий тилларнинг барчаси учун умумий-муштарак бўлгани сингари ўзбек тили ҳамда ўзбек халқ шеваларининг ҳам ўзиники бўлган сўзлардир. Туркий тилларда муайян сўзларнинг ўхшашлиги бу лисоний бирлик бир тилдан иккинчисига ўтганлигини англатмайди. Туркий тиллардаги ўхшашликнинг муайян сабаблари бор, яъни туркий тилларнинг аслида бир манбага, бир генетик асосга эга эканидан, уларнинг луғат жамғармаси қадимда ягона бўлганлигидандир. Аслида ҳам шундай. Чунки юқорида таъкидлаганимиздек, бугунги кунда ўзбек халқи орасида сақланган жуда кўплаб уруғ-қабила номлари бошқа айрим туркий халқлар ўртасида ҳам шу уруғ-қабила номлари учрайди. Буларнинг барчаси туркий халқларнинг қарийб барчаси ўзаро қондош-қариндош этник гурухлар мажмуасидан иборат эканлигидандир. Шу боис ҳам туркий тиллар орасидаги яқинлик, ўхшашликнинг мавжуд бўлиши, табиий.

Туркий халқларнинг тарихи, келиб чиқиши, томири умумийдир. Бундан қадимий ёзувларимиз, ёзма ёдгорликларимиз, халқ оғзаки ижоди дурдоналари ҳам гувоҳлик беради. Маълумки, ўзбек тилининг қипчоқ лаҗжаси қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, татар каби тиллар билан алоқадор бўлса, унинг ўғуз лаҗжаси туркман, озарбайжон ва турк сингари тиллар билан умумий томонларга эга. Қарлук-чиғил-уйғур лаҗжаси эса бевосита уйғур тилига яқиндир. Туркий тилларнинг тарихий тараққиёт йўлларини белгилашда ўтмишдаги уруғ, қабила ва қабила иттифоқи тилларини ўрганиш орқали уларнинг жуда кўплаб уруғ-қабила бирликларидан иборатлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Буларнинг барчаси туркий тиллар орасидаги ўхшашлик тасодифий эмаслигидан далолат беради. Умумий туркий лексик қатламни ташкил этган сўзларнинг ўзига хос муҳим хусусияти шундаки, уларнинг деярли барча туркий тилларда учрашидир. Бу сўзлар асрлар давомида туркий тиллар учун янги сўзлар ясаш орқали лексикани бойитишда асос бўлиб хизмат қилган.

Ўзбек тилининг бошқа туркий тиллар билан умумийлигини ҳозирги туркий тилларда айrim фонетик ўзгаришлар билан ишлатилаётган қуйидаги сўзларни солиштириш орқали ҳам кўрсатиш мумкин. Чунки, энг яхши этимология қиёсdir. Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир сўз туркий тилларнинг ҳар қайсисида тилнинг ўз фонетик қонунларига кўра турлича талаффуз қилинади ва ўзгачалик ёзувда ифодаланади. Ўзбек шевалари лугат таркибини умумтуркий сўзлар ташкил этади. Буни туркий тиллар билан чоғишиши орқали ҳам қуйидагича кўрсатиш мумкин:

**әчу // әччъ // ачығ** // ад. орф. аччик; қиёс қилинг: қад. турк. ачі. ДЛТ. ачіғ. Туркм. ажа-, хак. ачы-, бошқ. асы-, әсе-, эжи-, уйғ. ечи-, қирғ. ачы-, ачуу, қ. қалп. ашшы, нўғ. ашшы, а: цығ, чулм. ачығ, ёқут. аһый-, аһыы-, қоз. ашит-, ачув, тув. ажи-.

**бувдэй // буғдэй** // ад. орф. буғдой; қиёс қилинг: қад. турк. ви дај, озарб бугдай, туркм. бугдай. уйғ. бугдай, хак. пұғдай, бошқ. буйзай, қирғ. бу: дай, олт. пу: дай, тат. будай, ққалп. бийдай, нўғ. бийдай, гаг. бо: дий.

**дэ: ул //дэвул // дэул // дэвъл //** ад. орф. довул; қиёс қилинг: олт. туул, қорач. тавул, нүғ. давыл, тат. давыл, чув. тавал, бошқ. дауыл, ққалп. дауыл, қоз. дауыл, ёкут. тыал (шамол).

**ъңъчкә //** ад. орф. ингичка; қиёс қилинг: қад. турк. jincga, jincsa, ДЛТ. јинчка, олт. чичке, тув. чинге, хак. ниске, ёкут. синнъигэс, озарб. јинчә, туркм. инче, бошқ. неске, тат. нечке, қоз. жіңішке, қирғ. ничке, ичке, уйғ. инчик, инчике. тоғ. нёйнде.

**куннуз //** ад. орф. кундуз; қиёс қилинг: қад. турк. kuntuz, ДЛТ. кундўз, уйғ. кундуз, қирғ. кундуз, хак. кундус, қоз. кундіз, нүғ. кундиз, туркм. гундиз, озарб. гундуз, гаг. гундуз, қум. гундуз, тув. хундус, тат. кәндө з, чув. кантар, чулм. кундус.

**мәйнә //** ад. орф. мия; қиёс қилинг: қад. турк. теңа, теңе, тејі, олт. мее, қирғ. мәэ, тув. мәэ, хак. мин, ёкут. мәйин, озарб. бейин, туркм. бейин, тат. ми, бошқ. мейе, қоз. мыи, уйғ. мейе, тоғ. m'e.

**сәруғ // сәръғ//** ад. орф. сариқ; қиёс қилинг: қад. турк. қарі, тув. сариг, чулм. сарығ, хак. сарығ, олт. сари, озарб. сары, туркм. сары, тат. сары, қоз. сары, қирғ. сары, ққалп. сары, нүғ. сары, бошқ. һары, уйғ. серық, серығ, тоғ. қагы, чув. сара..

**тэйърмән // дэйърмә //** ад. орф. тегирмон; қиёс қилинг: қирғ. тегирмен, ойр. теермен, тат. тегермән, нүғ. термен, туркм. дегирмен, қоз. диирман, озарб. дәјирман, чув. арман.

**търиә: //** ад. орф. тирноқ; қиёс қилинг: қад. турк. tirnaq, ДЛТ. тірнақ, тув. дыргак (тирноқ, тарок), хак. тыргах, ёкут. тынырах, туркм. дырнак, тат. тырнақ, бошқ. тырнақ, қоз. тырнақ, қирғ. тырмақ, тырнақ, уйғ. тимақ, тоғ. дылаақ, озарб. дырнаг (тирноқ, туёқ), чув. черне, чулм. тырғақ..

**турпак // турпәғ //** ад. орф. тупрок; қиёс қилинг: ДЛТ. тубрак, уйғ. топрак, туркм. топрак, қирғ. топурақ, қоз. топырақ, ққалп. тәптырақ, нүғ. топырақ, тат. туфрак, бошқ. тупрак, озарб. торпаг, тув. товурак, хак. тоб (ы) рак. сол. мүғул. товроғ..

**узуй // жузук //** ад. орф. узук; қиёс қилинг: қад. турк. juzuk, туркм. йузук, гаг. йузук, уйғ. ғузук, озарб. ғузук, тат. йезек, бошқ. йө зө к, олт. двустук, чулм. јүзүк, јустук, тув. густук, хак. густук, қоз. жузук, қалп жузик, қирғ. жуздук, нүғ. йузик, қум. йузюк, қорач. жузук, ёкут, дэро (халқа), чув. сере (халқа), кусла, сере (узук).

**енгәш (-мәғ) // ънкәй (-мәғ) //** ад. орф. энгаш (-мөк); қиёс қилинг: қум. енкей-, қирғ. енкей-, қоз. енкей-, нүғ. еңгей-, бошқ. инкей-, тат. инкей-.

**қәпқәғ // қәпқәғ // қаҳмақ //** ад. орф. қопқоқ; қиёс қилинг: ДЛТ. кавсак, қапғақ, уйғ. қапқақ, қирғ. қапқақ, озарб. гапаг, туркм. гапак, тат. қапқаҷ, бошқ. капкас, ёкут. хаппах, чув. хупе.

Ўзбек тили ва ўзбек шеваларидаги умумтуркий сўзлар даврлар ўтиши билан маълум ўзгаришларга учради. Ҳар бир туркий тил ўзининг ривожланиш жараёнида янги сўзлар ҳисобига бойиб борди. Айрим сўзлар истеъмолдан чиққан бўлса, тилда қолган сўзлар асрлар давомида туркий тилларда янги сўзлар ясаш учун асос бўлди ва тил лексикасини бойитишга олиб келди.

**Ўзбек-мўғул ва ўзбек -хитой лексик параллеллар.** Ўзбек халқ шевалари лексикаси узоқ давом этган ривожланиш даврларини ўз бошидан кечирган (Қадимий турк, ўрта турк, янги турк даврлари). Бу даврларда қадимий асос – тилга тегишли бўлган туркий лугавий шева лексикасида янги-янги сўзлар ясашга имкон яратди. Муайян тарихий даврда олтой тилларининг турк ва мўғул, тунгус-манжур тилларига ажралиши бошқа туркий тилларда бўлгани каби ўзбек шеваларининг асосий луғат фондида қадимий даврнинг лисоний қатламлари - ўзбек-мўғул тили лексик паралелларининг сақланиб қолишига сабаб бўлди ва бу лексик параллеллар ҳозирги кунда ҳам амалда қўлланмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатдик, ўзбек шевалари луғат фондининг негизини туркий (ўзбекча) сўзлар ташкил этади. Бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар шеванинг луғат таркибини янада бойитган, холос. Ўзбек шевалари лексикаси этимологик жиҳатдан турлича

бўлишига қарамай, ундаги барча лексик бирликлар шу шевада сўзловчи аҳоли мулоқатида баробар хизмат қиласди, демак, бу сўзлар шеваларнинг мулкига айлангандир.

Ўзбек тили ва ўзбек ҳалқ шеваларида мўғулча, хитойча сўзлар ҳам қўлланилади. Мўғул тилига оид сўзларнинг ўзбек тили ва шеваларига кириб келиши XIII аср, яъни Чингизхон юришлари даврига тўғри келади. Айниқса, XIV-XV асрларда Ўрта Осиёга, жумладан, Фарғона водийси ва ҳозирги Ўзбекистоннинг жанубий туманларига ҳамда Мовароуннаҳрга мўғул қабилаларининг (жалоир, барлос, қовчин, арлат, алчин, минг, манғит, найман ва ҳоказо) кўчиб келиши кучайган. Уларнинг кўпчилиги туркийлашган бўлиб, айримлари ҳатто турк тилини ўзининг она тили деб ҳисоблайдилар. XV асрда мўғул қабилалари ўзларини чиғатой деб номлаганлар.

Туркий ҳалқларнинг асрлар давомида мўғул қавмлари билан яқин маданий-иқтисодий ва ижтимоий алоқалари туркийча сўзларнинг мўғул тилига, мўғулча сўзларнинг эса туркий тилларга ўтишига сабаб бўлган. Мўғул тилида ҳам, туркий тилларда, жумладан, ўзбек тили ва унинг шеваларида ҳам бир хил маънога, фонетик ўзгаришларини ҳисобга олмаганда бир хил кўринишга эга бўлган кўпгина сўзлар бор. Ўзбек тили ва шевалари лексикасида тарихан мўғул тили билан боғлиқ лексик бирликларнинг мавжудлигига қўйидаги ҳолатлар сабаб бўлган. Маълумки, Чингизхон истилоси туфайли Ўрта Осиёга келган мўғул уруғ ва қабилаларнинг ижтимоий ҳаётида юз берган катта ўзгариш уларнинг маҳаллий ҳалқ турмуш тарзи ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларини қабул қилишлари мўғулларнинг этник хусусиятларини ҳам маълум даражада ўзгартириб юборди. Улар XIV асрдаёт туркий қавмларга нисбатан оз сонли бўлганлари учун ҳам туркий тилни қабул қилиб, ерли ҳалқлар таркибиға сингиб кета бошлаганлар. Аслини олганда бу икки тил тарихий-генетик жиҳатдан ўзаро қариндош бўлган. Ҳозирги туркий, мўғул, тунгус-манжур тиллари олтой тили оиласи таркибиға кирган. Булар кўп сонли

уруғ-қабилалардан иборат бўлиб, бир-бирига яқин, яъни тушунарли бўлган лаҳжаларда муомала қилганлар. Олтой оиласига мансуб тиллар гурухлари у вақтда ҳали том маънода шаклланган, ўз табиати ва тузилишига эга бўлиб, алоҳида тил сифатида ажралган эмас эди. Тил тараққиётининг кейинги даврларида туркий тиллар ва мўғул тиллари ажралиб чиқиб, алоҳида мустакил тизимдаги тиллар сифатида тараққиёт босқичини ўтадилар.

Ўзбек адабий тили ва ўзбек шевалари лексикасидаги турли соҳаларга оид сўзлар билан мўғулча сўзлар қиёсланса, юқорида айтилган барча фикрларни тасдиқлайдиган хulosалар чиқарилади. Бу ҳар иккала тилга мансуб сўзлар фонетик ўзгаришларни ҳисобга олмагандан, маъно жиҳатдан мос келади.

Шеваларда	Мўғул тилида	Адабий тилда
әкә	ах (а)	Ака
әрпә	Арвай	Арпа
әлә//әла	Алаг	Ола
әльс // әлъс	Алс	Олис
Бургут	бургэд	Бургут
бётър//батър	Баатар	Ботир
бөсаға	Босго	Бўсаға
бўйёғ	Будаг	Бўёқ
буғә // буқә	Бух	Буқа
буй//бө й	Бия	Бўй
боләк // боләй	Булаг	Бўлак
Булоқ	Булаг	Булоқ

Мўғул ва туркий тиллар билан шуғулланувчи қўпгина олимлар бу тиллар генетик жиҳатдан бир деб ҳисоблайдилар ҳамда уларни олтой тилларининг алоҳида бир шахобчаси (туркий-мўғул гурухи) сифатида

қарайдилар. Бу тилларнинг ҳар иккаласи учун ҳам муштарак бўлган лексик қатламнинг мавжудлиги ҳам ана шу тарихий-лисоний жараёнлар билан бевосита боғлиқдир.

Ўзбек тили ва унинг шеваларида мавжуд бўлган мўғул тилига мансуб сўзлар қадимдан бери ишлатилиб келинди. Шунинг учун ҳам улар туркчамўғулча параллел сўзлар деб қаралади.

**Хитой тилидан** ўзлашган сўзлар ўзбек адабий тили ва шеваларига уйғур тили орқали ўтган. Ўзбек ва уйғур халқлари тилларининг ташкил топиш жараёни кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшайди. Ана шу нуқтаи назардан қараганимизда, бошқа туркий тилларга нисбатан, тил хусусиятларига кўра ўзбек ва уйғур тиллари жуда яқин туради. Чунки бу икки тил элат тиллари бўлиб шаклланишида бир манба - қарлуқ қабилалар уюшмаси тили - лаҳжаси асос бўлган. Ўзбек ва уйғур халқи орасидаги маданий алоқалар бизга қадим замонлардан маълум. Бу масала маҳсус адабиётларда бир неча марта қайд этилган. Қадимги турк адабиёти ёдгорлиги «Қутадғу билиг»нинг (XI аср) фанда машҳур бўлган уч қўллёзмасидан бири Намангандаги топилган. Намангандик Машраб (XVIII аср) асарлари ўзбеклар орасида тарқалгани каби уйғурлар орасида ҳам кенг кўламда тарқалган эди.

Ўзбеклар ва уйғурлар орасидаги бой маданий алоқа тўғрисида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Уйғур тили орқали хитой тилидан ўзлашган сўзлар ўзбек адабий тили ва шеваларида қўлланади. Масалан: **Шъйпён** - далада дам оладиган усти ёпиқ жой. Уйғур тилида **шипан, ши:** пан. Хитойча сифан (<си - бўйра, қамиш, фан - уй, хона) - устига қамиш ёки бўйра ёпилган уй, чайла. Ёки: хитойча **шитан – ошхона,** ши - овқат. тан - хона каби.

**жавэн.** Уйғур тилида: **жаванг - токча, шкаф;** Хитойча: 1) **цзябань** (< цзя - рама, бань - доска) ; 2) **цзябань** - (< цзя - сжимать, бань - доска).

**тэй-тэй // тэй-тэй** (тета-поя) - болаларнинг юришни энди ўрганаётган, энди биринчи қадам қўяётган пайтида айтиладиган сўз. Ушбу сўз шевада кенг тарқалган бўлиб, **жур-жур** сўзи билан ҳам биргаликда қўлланилади:

Хитой тилида **тайтай**, уйғур тилида: **тайтай**. Хитой ва уйғур тилларида бу сўз хоним, бека маъноларида ҳам ишлатилади.

Хитойча **шатанг** сўзи ўзбек шеваларида **шэтъ**, **шати**, **шоти** каби варианларда учрайди. Нарвон маъносида қўлланиладиган **шэтъ** сўзи кўпроқ Фаргона шеваларида қўлланилади.

Ўзбек тили ва шевалардаги айрим сўзлар хитой тилида ҳам қўлланади. Бу ҳақда айрим манбаларда қайд этилган. Mac. : бек (жаноб) // хит. раік (олийжаноб), раік - in < begin (вилоят ҳокими) ; бътьк (хат, китоб) // хит. ре ~ piet (мўйқалам, ёзув қуроли, віtі (ёзмок) + к (қўшимча) ; чэй // хит. Cha (чой) ; Чън // хит. Chen (ҳақиқий, тоза) ; чъннъ (форфор) // хит. Chin; қуй // қуј (оҳанг) // хит. ки < riok (қўшиқ) ; сув қад. турк. сўғ. хит. Қhuj - қhuei (сув) ; тэнг // хит. tan ~ dan (тонг эрталабки вакт) ; тонг // хит. t'an ~ tan' (тонг) ; темир //хит. te-ri (темир бўлаклари).

Ўзбек ва хитой тилларида учрайдиган бу каби сўзларни ўзбек-хитой луғавий параллеллар деб баҳолаш мумкин.

### Ўзлашган лексик қатlam

Ҳар бир тилнинг луғат таркибида бошқа тиллардан ўтган сўзлар, яъни ўзлашган қатlam ўзига хос ўрин эгаллайди. Тилларнинг ўзаро таъсири тўғрисидаги масала ҳақидаги дастлабки маълумотлар Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд Замахшарий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг асарларида учрайди.

Халқларнинг ўзаро муносабатда бўлиши тилларнинг ўзаро аралашувига сабаб бўлган ҳамда ўша тилнинг бойиши ва ривожланишига олиб келган. Маълумки, тилларнинг ўзаро муносабатда бўлиши тил тараққиёт жараёнининг асосий хусусиятларидан биридир. Одатда ҳар бир тилда бошқа тиллардан сўзларнинг қабул қилиниши янги предмет, воқеаларнинг пайдо бўлиши ва уларни ифодаланиши асосида рўй беради. Бу эса тилларда янги сўзларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Умуман

олганда дунёдаги бирорта тил фақат ўз тилида мавжуд бўлган сўзлар билангина кенг қамровли луғат бойлигига эга бўла олмайди. Тилнинг ривожланиши жамият тарихий тараққиёти билан узвий боғлиқлиги учун унинг луғат таркиби жамият ҳаётидаги ҳар қандай ўзгаришни ҳар томонлама ифодалай олади. Бошқа тиллардан кириб келган сўз ва иборалар ўша халқнинг моддий ва маданий турмушини ифодаловчи лисоний тизим сифатида халқ орасида қанчалик кенг тарқалган бўлса ҳам, улар қабул қилинган тилнинг ўз луғат фонди ҳисобланади. Масалан: араб тилидан кирган *аҳоли, меҳнат*; форс тилидан кирган *атлас, ошпаз, офтоб, анор, умид*; рус тили ва у орқали Ғарбий Европа тилларидан кирган *памидор, лифт, чемпион* ва шу каби сўзлар бугунги кунда ўзбек тили луғат таркибининг асосий бойлигига айланган.

Тилда сўз ўзлаштиришнинг турли хил омиллари мавжуд. Бир томондан маълум ўзлаштирма лисоний бирликлар тилнинг сўзлашув нутқидан олинса, иккинчи томондан бевосита ўша адабий тилнинг ўзидан олинади. Шунинг учун ҳам сўз ўзлаштиришда адабий тил билан шевалар ўртасида айрим фарқлар учрайди. Адабий тилда кўпроқ бадиий, илмий ва сиёсий асарларни таржима қилиш орқали сўзлар ўзлаштирилади. Шевада эса бундай ҳоллар учрамайди.

Ўзлашган сўзлар ўша сўзларни қабул қилган тилнинг лисоний қонун-коидаларига ва кўпинча, талаффуз меъёрларига мослаштирилган бўлади.

Ўзбек тили ва ўзбек шевалари лексикасида ҳам арабча, форсча, рус тили ва у орқали Европа тилларидан ўтган ўзлашма сўзлар мавжуд.

**Арабча лексик қатлам.** Ўзбек тили ва ўзбек шеваларида сўз ўзлаштиришнинг манбалари турлича бўлган. Маълумки, хронологик жиҳатдан сўз ўзлаштиришдаги энг аввалги манбалар сифатида араб ва форс-тожик тиллари кўрсатилади. М. М. Мирзаев арабча сўзларнинг ўзбек тили ва унинг шеваларида ўзлашиши ҳақида шундай ёzádi: VII асрда араб истилочиларининг Ўрта Осиёни забт қилиши муносабати билан бу ерда араб тили ва ёзувининг тарқалиши, мактаб ва мадрасаларда арабча

таълимнинг жорий қилиниши каби омиллар натижасида арабча сўзлар маҳаллий тилларга, жумладан, ўзбек тили ва унинг маҳаллий шеваларига кириб ўзлашади.

Араб тили Ўрта Осиёда уч юз йил давомида шунга ўхшаш мавқеда бўлган. Шу боис ўзбек тили ва унинг шеваларига араб тилидан анчагина сўзлар ўтган. Араб тилидан ўзлашган сўзларнинг ўзбек адабий тили билан шеваларда қўлланилиш даражаси бир хил эмас. Шунинг учун ҳам ўзбек шевалари луғат таркибидаги арабча сўзларнинг ўзлашиш даражаси лексик гурухланиши, семантик ўзгаришларини ўрганиш катта аҳамиятга эга.

Ўзбек шевалари луғат таркибидаги арабча сўзларни қўйидаги лисоний гурухларга бўлиб кўрсатиш мумкин:

а) Фонетик ўзгаришларга дуч келган арабча сўзлар:

**хәэр** // **хәвәр** // ад. орф. хабар; ар. : хабар; **тухпә** // **тәхфә** // ад. орф. тухфа; ар. : тухфа; **нәләт** // ад. орф. лаънат // ар. : лаънат; **әвҳәл** // **әвҳәл** // **әҳвәл** // ад. орф. аҳвәл // ар. : аҳвол; **ғәвғә** // қипч. **ғувғә** // ад. орф. **ғавғо** // ар. : ғавғо; **хәмулә** // **хәмълә** // ад. орф. хомила // ар. хомила; **мәккәм** // **мәҳкәм** // ад. орф. маҳкам // ар. маҳкам.

Шевалардаги арабча сўзлар товуш ўзгаришларига учраган бўлса-да, ўзбек адабий тилидаги маъносидагидек қўлланаверади.

б) Акс маъно олган сўзлар:

Араб тилидаги маъноси	Шевадаги маъноси
сўқир (кўрадиган)	кўр, кўрмайдиган
талоқ (қўшиш, учрашув)	ажрәлъш
захмат (торлик, танглик, сиқиб чиқариш)	оғир меҳнат
важоҳат (таниқли, важоҳатли, аҳамиятли)	жаҳл бълән

в) Маъноси кенгайган сўзлар:

Араб тилидаги маъноси	Шевадаги маъноси
ғассол (ювғучи)	эшътмәслъкка әлмәқ
ғайир (рашкчи)	тез осадъгэн, сергайрат
жўбба (тўн)	1) ёш бёләләга къидъръләдъгэн пахтали кўйлак; 2) нъмча

Шевадаги араб тилидан ўзлашган сўзлар маҳаллий аҳоли ижтимоий ҳаётининг деярли барча соҳаларига тегишилидир. Масалан:

а) белги-сифат ва хусусият номларини билдирувчи арабча сўзлар: **пәкър** // ар. факир // ад. орф. факир; **ғәръп** // ар. ғариб // ад. орф. бегона, мусофир, камбағал бечора; **кәzzәп** // ар. каззоб // ад. орф. ёлғончи, алдамчи, мунофик; **зәйъп** // ад. орф. заиф;

б) предмет номларини билдирувчи арабча сўзлар: **сәндуқ** // **сәннуқ** // ар. сандиқ // ад. орф. сандиқ; **сәбун** // **сә:** ун // ар. сабун // ад. орф. совун; **қәпәс** // **қафас** // ад. орф. қафас; **жә:** ҳәр // **жәвхәр** // жәвхар // ар. жавҳар // ад. орф. гавҳар, қимматбаҳо тош каби;

в) мавҳум тушунчаларни ифодаловчи арабча сўзлар: **ғәвғә** // ғувға // ар. ғавғо // ад. орф. ғавғо; **муҳәббәт** // ар. муҳаббат // ад. орф. муҳаббат; **шәрәп** // ад. орф. шараф, фахр // ар. шараф каби. Шева нутқида бундай сўзлар кўплаб учрайди.

Араб тилидан кирган сўзлар ўзбек адабий тили ва шеваларда ўзбекча, тожикча қўшимчаларни қабул қилиб, шулар иштироқида янги маъноли сўзларни ясайди. Масалан: **хәэрчъ** // ар. хабар + ўзб. чи; **пъкърләш** // ар. пъкър+ ўзб. ла+ш; **ҳъләкәр** // ар. ҳийла + тож. гар; **әмәлпәрәс** // ар. амал + тож. параст; **мәйлъсбоз** // ар. мажлис + тож. боз. Кўринадики, адабий тилда ҳам, шеваларда ҳам арабча сўзлар бутунлай ўзлашиб кетган

**Форс-тожикча лексик қатlam.** Ўзбек тили ва унинг шевалариға форс-тожик тилининг лисоний манба сифатида озиқ беришининг тарихий илдизлари жуда қадимий замонларга бориб тақалади. Ўзбек ва тожик халқлари жуда узоқ даврлардан бери ёнма-ён яшаб, бир бирлари билан доимо хўжалик, иқтисодий-ижтимоий ва маданий муносабатда бўлиб келганлар. Бу ўзаро муносабатлар натижасида ўзбек тилидан тожик тилига, тожик тилидан ўзбек тилига сўзлар ўзлашган. Маълумки, Ўрта Осиёда араблар хукмронлиги сусайиб Сомонийлар давлати барпо бўлган. Бу давлат 999 йилгача давом этган. Унинг пойтахти Бухоро шаҳри бўлган. Шуни айтиш керакки, IX-X асрларда Мовароуннаҳр ва Хурросонда яшовчи эроний забон аҳоли дарийлар ва тожиклар деб аталган. «Форсийи дари», яъни форс адабий тилига Хурросонда яшовчи тожикларнинг сўзлашув тили асос бўлган. XI асрга келиб форсий тил яна фан, адабиёт, маданият, расмий давлат тилига айланди. Ўзбек ва тожик тилининг ўзаро аралашуви натижасида юзага келган икки тиллилик Самарқанд ва Бухоро, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида, жумладан, Навоий вилоятининг айрим туманларида яшовчи халқ орасида кенг тарқалган. Бу ҳудудларда ҳозир ҳам лисоний-тарихий жараённинг ўзига хос кўринишларидан бири - икки тиллилик ҳодисаси мавжуд.

Ўзбек тили ва унинг барча шеваларида тарихий-генетик жиҳатдан форс-тожик тилига оид бўлган лугавий бирликлар мавжуд. Маълумки, ўзлашаётган сўзлар даставвал ўша тилнинг фонетик қонуният талаблариға бўйсунади. Узоқ йиллар давомида ишлатилиб келинган ўзлашма сўзлар шу тилда сўзлашувчи халқнинг тилида ўз сўзиdek бўлиб кетади, ҳатто фарқланмаслиги мумкин. Баъзи бир тожикча-форсча сўзлар ўзбек адабий тилида ва шеваларда ҳам ҳеч қандай ўзгаришларга учрамайди. Масалан: **пәрваръш, беҳъ, рәхбәр, дутэр, горә, геләс, әшпәз, әнэр, әвәз** каби. Баъзан айрим фонетик ўзгаришларга учраган ҳолда қўлланиладиган форс-тожикча сўзлар ҳам учрайди: **бәг** (барг), **әвәз**, **бувә** // **бәвә** (бобо), **жу:** **эн** (жувон), **хор**

(хўр), әзэт, әптәп, пәсвән, пәкузә, бәрхәм, зәнжъл, сәузъ (сабзи), кәен каби.

Айрим форс-тожик сўзлари фақат шевалардагина сақланган бўлиб, адабий тилда ўша тушунчалар бошқа номлар билан ифодаланиши ҳолати ҳам учрайди. Масалан, форс-тожик тилидаги **ғўлагир** (ўзб. лўмбоз) сўзи шевларда ҳам учрайди. Унинг маъноси форс-тожик тилидагидек, шеваларда ҳам уйнинг томи устида ёйилган лой **ғўләгър** // **ғўләнгър** деб номланади. Ёки шевада ўргумчак сўзи форс-тожик тилидагидек **тәртәнәк** деб қўлланилади. **Уйнъинг шъпънъ тәртәнәк бәсьпть** каби. Шеваларда енглик (нонни тандирдан узиш учун ишлатиладиган, қўлни ўтдан сақлаш учун тирсаккача кийиб олинадиган қалин енг сўзини **эстъинча** (тож. остин, Ф. З. Т. 1, 929 - либоснинг бир қисми) сўзи ифодалайди. Форс-тожик сўзларининг адабий тилда қўлланмайдиган, аммо шеваларда ҳозирги вақтгача ишлатилиб келаётганига қўплаб мисолларни келтириш мумкин: **зэмъчә** // **зэмучә** // ад. орф. ҳандалак // тож. зомуча **пэйъч** // ад. орф. оёқ кийимсиз // тож. пой; **йәвән** // **йаван** // ад. орф. дала, дашт // тож. йобон; **әкун** // ад. орф. энди // тож. акнун ; **бә** // ад. орф. яна. **тәғън** // тож. боз **конә** // ад. орф. эски // тож. кона; **нушхут** // ад. орф. қолдиқ // тож. нишҳот; **до:** **ләп** // ад. орф. тўполон, сер одам // тож. до: лап; **тәппот** // ад. орф. иссиқ шамол // тож. таппот; **гәзәмбур** // зәмбур // зәнбур // ад. орф. ари // форс. занбур **пъшәк** // ад. орф. мушук // форс. пишак каби.

Форс-тожик тилидан кирган сўзлар баъзан ўзбек тилидаги айрим сўзлар билан синонимик муносабатда ҳам келади. Масалан: **жәнг**, **бәхэр**, **эҳәнг**, **әвәз**, **дост**, **ранг** каби форс-тожикча сўзлар ўзбек тилидаги уруш, **кокләм**, **куй**, **тэвуш**, **ортәқ**, **тус** сўзлари билан баробар қўлланилиб, ўзбек тили синонимик қаторини бойитишга хизмат қилган. Умумлаштирувчи маъно касб этган сўзлар таркибида форс-тожик сўзлари иштирок этади: **ер-зэмън**, **кәсп-хүнәр**, **пухтә-пъшъқ**, **хъйлә-нәйрәнг**, **чәнг-төзән**, **нәлә-фъғән**, **йәр-әғәйнъ**, **пәнд-нәсъҳәт**, **шәрм-ҳәйә**, **эс-хуш**, **чөп-хәс**, **әнъқ-рәвшән**, **рәнг-тус** каби. Бу сўзларнинг бир компоненти форс-тожик сўзлари бўлса,

**шърън-шәкәр, сәрсән-сәргәрдән, сәрәмжәм-сәръштә, йэр-бърәдәр, йэр-дост, йэр-әшнә, ләп-дәхән** каби жуфт сўзларнинг ҳар икки узви ҳам форсча-тожикча сўзлардан иборат.

Ўзбек ва тожик халқларининг маданий ва адабий анъаналарининг яқинлиги лексикада ва турли маҳсус терминология соҳасида кўп жихатдан умумийликнинг юзага келишига сабаб бўлди. Форс-тожик тилидан кирган сўзларнинг кўпчилиги аниқ нарсалар билан боғлиқ бўлгани учун ҳам улар ўзбек тили луғат бойлигидан мустаҳкам ўрин олган:

Озиқ-овқат номлари: **қән** // ад. орф. қанд; **нә: эт** // нә: эт // ад. орф. новвот; **шъргуруч** // ад. орф. ширгуруч; **шўрбә** // ад. орф. шўрва; **кәбәп** // **кәбәб** ад. орф. кабоб; **мәшәвә** // ад. орф. мошова; **хәрдә** // ад. орф. хўрда каби.

Кийим-кечак ва уларнинг қисмларига оид сўзлар: **йәктәй** // ад. орф. яктак; **кәлләпош** // кәләпош // ад. орф. каллапўш // дўппи; **әстәр** // ад. орф. астар; **чәпән** // **чәпән** // ад. орф. чопон.

Ўсимлик ва сабзавот маҳсулотларининг номини ифодаловчи сўзлар: **бәг** // ад. орф. барг; **бедә** // ад. орф. бедә; **гуләс** // ад. орф. олча; **шәптәль** // ад. орф. шафтоли; **зәмучә** // ад. орф. ҳандалак. **бъръинж** // ад. орф. гуруч ва ш. к.

Уй-рўзғор буюмлари номини ифодаловчи сўзлар: **шәхә** // ад. орф. паншаха; **кәсә** // **кәсә** // ад. орф. коса, **чурәқ** // **чъроғ** // ад. орф. чирок; **ғәлвур** // ад. орф. ғалвир; **әнгъашпәнә** // ад. орф. ангушвона; **кәпкъыр** // ад. орф. кафгир каби.

Бундан ташқари баъзи сўзлар белги-хусусият, таъм ва рангни билдириб, сифат бўлиб келади: **хәмуш** // ад. орф. хомуш; **хушәвәз** // ад. орф. хушвоз; **хунуй** // ад. орф. хунук; **гумроҳ** // ад. орф. гумроҳ; **дъләзэр** // ад. орф. дилозор, **сәфъд** // ад. орф. оқ, тоза каби.

Мадомики, муайян тилга кирган сўз шу тилда мавжуд бўлган бирор бир тушунчани ифодаласа, у ўша тил луғатида мустаҳкам ўрнашиб, шу тилнинг ўз сўзидек ишлатилаверади. Шеваларни ўрганиш орқали эса мазкур

халқнинг тарихини, маданиятини ўрганамиз. Бу фақат тил тарихи ва лисоний жараёнларни ўрганиш учунгина манба бўлмай, халқ тарихи, менталитетини ёритиш учун ҳам муҳим бўлган хулосаларни беради. Форс-тожик тилидан кирган сўзлар ҳам худди шундай манбалардан биридир.

**Русча-байналмилал лексик қатлам.** Ҳар қандай тилнинг лексик қатлами мазкур халқнинг тарихидан далолат берувчи манбадир. Ўзбек тили ва унинг шевалари лексикаси тилнинг бошқа бўлимларига нисбатан халқнинг тарихи, унинг ҳаёт йўли бошқа халқлар билан муносабатлари, касб-кори, урф-одати, дунёқарashi, умуман ўзбек халқи фаолиятининг тарихини ўзида тўла акс эттирган.

Ўзбек тили ва шевалари лексикасининг бойишида бошқа тиллардан ўтган сўзларнинг ҳам ўз ўрни бор. Маълумки, ўзбек тили ва шевалари луғат таркибида рус тили ҳамда у орқали Европа тилларидан кирган сўзлар ўзига хос лексик тизимни ташкил этади.

Рус тилининг ўзбек тилига таъсири анча чукур ва мураккаб жараёндир. Юз йилдан ортиқ давр ичида икки халқ ўртасида кечган сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатлар лисоний таъсирнинг икки ёқлама, яъни ҳам ёзув орқали, ҳам оғзаки нутқ воситасида ўтишига кенг йўл очиб берди. Рус тилининг ўзбек тилига таъсири, айниқса, лексикада яққол сезилади.

Ўзбек тили ва халқ сўзлашув тилига рус тили ва у орқали Европа тилларидан сўзларнинг ўзлашиши жуда катта миқдорни ташкил этади. Ўзбек тили ва унинг шеваларига рус тили ва у орқали Европа тилларидан ўтган сўзларни қуидагича мавзуий гуруҳларга бўлиб таснифлаш мумкин. Улар шева вакиллари нутқига мослашиб, турли фонетик ўзгаришларга учраган.

Фан, техника ва саноатга оид сўз ва терминлар: унстътут // ад. орф. институт; **тълвъзър** // ал. орф. телевизор; **машънә** // ал. орф. машина; **эптэбус** // ад. орф. автобус; **зэвут** // ад. орф. завод; **пэйъз** // ад. орф. поезд; **пэбръкә** // ад. орф. фабрика; **трэмбәй** // ад. орф. трамвай каби.

Кишлоқ хўжалигига оид сўз ва терминлар: **бъргэт** // ад. орф. бригадир; **трэктър** // ад. орф. трактор; **кэммэйън**// ад. орф. комбайн; **дэмбә** // ад. орф. тўғон.

Савдо-сотиқ ҳамда тижоратга оид сўз ва терминлар: **лэрък** // ал. орф. ларёк; **бупът** // ад. орф. буфет; **йэрмәркә** // **йэрмәркә** // ад. орф. ярмарка; **тозар** // ад. орф. товар.

Адабиёт, санъат, маданият ва маорифга оид сўз ва терминлар: **пуйзәш** // ад. орф. пейзаж; **мәнәләй** // ад. орф. монолог; **тъйэтр** // ад. орф. театр; **клуп** // ад. орф. клуб; **гәзет** // **гәзетә** // ад. орф. газета.

Озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-рўзгор буюмларини англатувчи сўз ва терминлар: **пъчънә** // ад. орф. печенье; **кәстум** // ад. орф. костюм; **пәтънә** // ад. орф. ботинка; **стәл** // ад. орф стол каби.

Бу сўз ва терминларни қайси тилга мансублиги жиҳатидан лисоний таҳлил қилиш уларнинг этимологиясини аниқлашга ёрдам беради. Масалан: **вәләсәпът** // **вәлсәпед** // ад. орф. велосипед < фр. Verocipede < лат. Veloқ - тез + рек - «оёқ»; **курорт** // ад. орф. курорт < нем. kurort < кир - «Даволаниш» + ort - «жой»; **әгрәнәм** // **әгрәнәм** // ад. орф. агроном < грек adroқ «дала»; **тълпән** // ад. орф. телефон < грек tele - «узок» + phone - товуш; **әптъкә** // ад. орф. аптека < поляк apteka < юнон apothеке - омбор; **букс** // ад. орф. бокс < ингл. box зарба; **пръгэт** // ад. орф. бригада < фр. briga-de, бупът // ад. орф. буфет < фр. beffet - буфет, шкаф; **кәлуш** // ад. орф. калиш рус. галоша; галоша < нем. kaloқehe< лат. nalopedeia - ёғоч бошмоқ, кавуш; **кирагас** // ад. орф. керогаз < ингл. keroқene < юнон kiroқ - қум + газ; **пәмъдур** // ад. орф. помидор < итл. pomidoro - олтин олма.

Сўнгги йилларда жамиятдаги инқилобий ўзгаришлар ҳам тилнинг луғат таркибини бойитишга олиб келди. Фан ва техника соҳасидаги кашфиётлар янги-янги сўзларнинг тилимизга кириб келишига сабаб бўлди.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришиб, жаҳоннинг энг тараққий этган давлатлари Америка, Англия, Франция, Германия билан дипломатик муносабатлар ўрнатиб, улар билан ҳамкорлик ишларини йўлга

қўйди, улар билан ҳамкорликда заводлар, қўшма корхоналар барпо этди. Бу муносабатлар, албатта, тилда ҳам ўз аксини топмоқда. Бундан бир неча йиллар олдин бошқа тиллардан кириб келаётган сўзлар рус тили орқали ўтган бўлса, бугунги кунда мустақиллик шарофати, дўстона муносабатлар боис ўзбек тили ва унинг шеваларига тўғридан-тўғри кириб келмоқда

### **Ўзбек шевалари лексикасининг лугавий-маъновий хусусиятлари**

Тарихий ёзма манбаларга бир назар ташласак, ўзбек халқи ҳам қадимий халқлардан бири эканлигини гувоҳи бўламиз. Ўзбек халқи кўп асрлик тарихий ҳаёти давомида ўз маданиятининг, ўз тилининг ижодкори бўлди. Шу боис ҳам ўзбек тили лексикаси ўзининг қадимий ва бой тарихига эгадир. У асрлар оша ривожланиб, бойиб келган. Тилимиздаги жуда кўп сўзлар қадимги даврлардан буён қўлланилиб келган бўлса, айримлари нисбатан кейинроқ пайдо бўлган. Даврлар ўтиши билан мавжуд сўзларнинг маъноларида ҳам ўзгаришлар юз бериб турган. Айниқса, улар шеваларда ўзгача бўлиб, кўп маъноли, синоним, омоним, антоним сўзларнинг қўлланилишида кўринади.

**Сўзларнинг кўп маънолилиги ва сўзларда маъно ўзгариши.** Ўзаро фикр алмашув жараёнида бир сўзнинг бир неча маънода ишлатилиши ёхуд сўз бирор маъносининг кенгайиши натижасида кўп маъноли сўзлар пайдо бўлади. Маълумки, сўзнинг англатган маънолари қанчалик кўп бўлса, тил лексикасининг маъновий майдонлари шу қадар кўп бўлади. Ўзбек тили ва ўзбек шеваларининг лугат таркибини ташкил этган сўзларнинг кўпчилиги кўп маънолидир. Кўп маънога эга бўлган сўзларнинг маънолари ички томондан боғланган бўлади. Бу хусусият кўп маъноли сўзнинг омонимлардан фарқловчи белгисидир. Кўп маънолилик кўпинча гап ичida намоён бўлади. Аслида ҳар бир сўз маълум бир нарса, белгининг атамаси сифатида пайдо бўлади. Кейин у бошқа турдаги нарса, белгиларга берилади.

Кўп маъноли сўзлар қайси йўл билан юзага келишидан қатъи назар, уларнинг ҳар бирида асосий бошланғич маъноси бўлади.

Кишилар ҳаёт ва табиатдаги нарса ҳодисаларга ном қўйганда, ўша предмет ёки ҳодисадаги белгилардан бирига асосланади, бир номни бир предметдан иккинчи предметга кўчирганда ҳам, предмет ва ҳодисалардаги ўхшашликка суюнади. Шу асосда маънолари кўп шакли бир хил сўзлар (полисемия) юзага келади. Кўп маъноли сўзлар ўзбек шеваларида ҳам ўзбек адабий тилидагидек маъноларга эга бўлиб, улар яна ўзига хос сўз бойликларида ҳам эга. Шунинг учун ҳам кўп маъноли сўзлар шевалараро ҳам ҳар хил бўлиши мумкин. Ўзбек адабий тилидаги кўп маъноли сўзлар билан шевалардаги кўп маъноли сўзларни қиёс қилганимизда маънолар микдори нуқтаи назардан қўйидаги кўринишларни кузатдик.

1. Адабий тил ва шеваларимизда мавжуд бўлган муайян бир сўзнинг бирдан ортиқ маънолари бир-бирини қоплайди. Бундан ташқари диалектал кўп маъноли сўз адабий тилда учрамайдиган баъзи маъноларни ҳам ифодалайди. Адабий тилдаги ўша маънони ифодалаш учун шеванинг ўзига хос луғавий бойлиги бўлган сўзлардан фойдаланилади. Уларни қўйидаги гурухларга бўлиб кўрсатиш мумкин:

- а) тана аъзоларига нисбат бериш орқали юзага келган кўп маъноли сўзлар;
- б) белги ва рангларга нисбат бериш орқали юзага келган кўп маънолилик.

### **Тана аъзоларига нисбат бериш орқали юзага келган кўп маъноли сўзлар.**

Бу гурухга киравчи сўзлар ичida энг кўп маъно касб этгани, бош сўзи маъносига нисбат бериш натижасида юзага келган кўп маънолиликдир.

**Бәш // баш** - одамнинг боши. Шунга нисбат бериш натижасида пайдо бўлган кўчма маънолари: қарл. ъшинъинг бәшъ // қипч. иштиқ баси; қарл. эгэтнъинг бәшъ // қипч. уватниқ баси; қарл. буғдәйнъинг бәшъ // қипч.

**бувдайдың башы** - буғдойнинг боши; қарл. гәпнъинг бәшъ, жәнжәлнъинг бәшъ // қипч. туvalани бashi, қарл. қәзәннъинг бәшъ, учағнъинг бәшъ // қипч. қазандың башы, очақтың башы, қарл. кочәннъинг бәшъ // қипч. жолниң баси, қарл. пъйәзнъинг бәшъ // қипч. пийазды баси ва бошқа шу кабилар.

**Бәшдән бәш** сўзи ўрнида адабий тилда **аввалдан** сўзи кўпроқ қўлланилади. Шу кунларда ҳам шеваларда **мәҳәллә бәшъ, тойбәшъ** каби сўзлар кенг қўлланилиб келмоқда. Шунингдек, **бәш** эгмәғ // қипч. **баш** иймәк, қарл. **бәшъ қәрәнғь бомәқ** // қипч. **баси қаранғи бомак**, қарл. **бәш сълкәмәғ, бәш ърғемәғ** // қипч. **баш ирғамақ, бәш урмәғ** каби кўчма маъноли сўз ва иборалар ҳам кўплаб қўлланилади. Демак, мисоллардан кўринадики, адабий тилдаги бош сўзининг кўчма маънолари шеваларда кўпроқ учрайди.

Бет - одамнинг юзи. Қуйидаги кўчма маъноларда қўлланади. қарл. **сутнъинг бетъ // қипч. суттиң бети, қарл. эфтәп бет // қипч. афтағ бэт** (қуёш тушиб турган томон. ), қарл. **шорвэннъинг бетъ // қипч. шорпаңың бети - шўрванинг ёғи, қарл. ернъинг бетъ // қипч. жердинң бетъ - ернинг юқори қатлами, қисми; қарл. **кътәпнъинг бетъ // қипч. кътәптъң бетъ** ва шу кабилар. Мисоллардан кўринадики, шеваларда **бет** сўзи ва унинг кўчма маъноларининг қўлланиш даражаси адабий тилдагига қараганда анча кенгdir. Чунки шеваларда **бет** сўзи юза, юқори қатlam, томон маъноларида ҳам қўлланади.**

## **Белги ва рангларга нисбат бериш орқали юзага келган кўп маънолилик**

Шеваларда кишиларнинг хислатлари, рангларнинг белгилари ва бир қатор сўзларнинг кўчма маънолари, шулар билан боғлиқ равишда юзага келган кўп маънолилик ҳолатлари ҳам мавжуд. Шеваларда ўзбек адабий тилидагидек, **оқ** сўзи ва унга нисбат бериш натижасида юзага келган янги маънолар ўзига хос хусусиятлари билан характерлидир. Масалан: **эк** сўзи

яхшилик тимсоли сифатида ифодаланади. Шу тушунча билан боғлиқ ҳолда бу сўзнинг бир қанча кўчма маъно ва маъно оттенкалари учрайди.

**ЭҚ // АҚ** - сўзи ранг маъносини ифодалайди. Яна қуйидаги маънолари мавжуд: қарл. **ЭҚ КОНГЪЛ ЭДƏМ //** қипч. **АҚ КӨ НЫЛ;** қарл. **ЭҚЛӘП ГӘПҮРДЬ //** қипч. **АҚЛАП ГӘПИРДИ** - гуноҳсиз эканлигини тушунтириди; қарл. **ЭҚ СУЙЭҚ //** қипч. ақ суйак адам (диний тушунчага кўра юқори табақа вакили) ; қарл. **ЭҚ ЙУВЪБ, ЭҚ ТӘРӘМӘФ //** қипч. ақ йувип, ақ тарамақ - ювиб-тарамоқ, парвариш қилмоқ; қарл. **ЭҚ КЪЙЭР //** қипч. ақ кийар - мархум учун аза тутганларнинг кўк кийимларини ташлаш маросими; қарл. **ЭҚЛӘНДЬ //** қипч. **АҚЛАНДИ** - кечирилди, қарл. **ЭҚЛӘВЧЬ //** қипч. **АҚЛОВЧИ** (ҳимоячи, аммо шолини, уйни оқловчи кишиларга нисбатан ҳам қўлланилади). Эқ сўзи яна фразеологик бирикма ҳолатида ҳам учрайди: қарл. **КӘСЕСЬ ЭҚЭРДЬ //** қипч. **КАСАСЫ АГАРДЫ** - турмуши яхши бўлиб кетди, ҳамма нарсаси етарли даражада.

Шеваларда мавжуд бўлган баъзи кўп маъноли сўзлар ва уларнинг барча маъно тармоқлари адабий тилида учрамайди. Мас. : **ДӘРҒӘТ.** 1. Сув йўлини тўсиш учун қурилган тўғон. 2. Ариқ ёки зовурдан ўтиш учун қурилган кўприк.

**ПӘЧ** (пач) - 1. пәч - тузи кам, намаги паст. 2. **ПӘЧ** - ранги паст тўқ эмас, **НЬМ** - қъзъл эмэс **ПӘЧРӘФ** экэн. 3. **ПӘЧ ГӘПҮРМӘ** (мантиқ, маъно камлигини ифодалаган).

Ўзбек адабий тилидаги кўп маъноли сўзнинг баъзи маънолари шевалар лексикасидаги ўша сўзнинг айрим маъноларига мос келади, баъзи маънолари учрамайди. Шеваларда ўша кўп маъноли сўзнинг адабий тилда қўлланилмайдиган бирдан ортиқ маънолари мавжуд. Масалан, **ПӘЛЛӘ** лексемасининг ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланиладиган маъноларидан ташқари шеваларда бошқа маънолари ҳам мавжуд: **ПӘЛЛӘ** - 1. Янги туққан сигирнинг биринчи сути - оғиз сути. 2. Ошқовоқни тўртбурчак шаклда кесилган бўлаги - пәлләсъ. 3. Сувда ивиган нон.

Адабий тилдаги кўп маъноли сўзнинг бош ва айрим маъноларига шевалардаги кўп маъноли сўзнинг маъно тармоқлари мос келади, ундан

ташқари диалектал кўп маъноли сўз адабий тилдагидан ташқари бўлган маъноларни ифодалайди:

Ўзбек адабий тилида **очмоқ** лексемаси 12 дан ортиқ маъноларда қўлланилади. **очмоқ** сўзи шевада бошқа маъноларда ҳам қўлланилади. 1. **Эғзънъ очмәқ** - Оғзи беркитилган банканинг қопқоғини очмоқ, рўза тутган одамнинг овқат емоғи; 2. чигал бўлган ипни ёки сочини очмоқ; 3. Ботинка ипини очмоқ (ечмоқ) каби маъноларда ҳам ишлатилади. 4. **Йузънъ очмәқ** - никоҳ тўйининг эртаси куни келиннинг юз очдиси бўлади. Келиннинг юзига ёпилган оқ мато ёш бола томонидан олиб ташланади

Адабий тилидагидек халқ шеваларида сўз маънолари предмет номи сифатида бир предметдан иккинчи бир предметга кўчади. Шунинг учун сўз маъноларининг қўчиш йўли билан ўзгаришларининг қуидаги типларини кўрамиз:

### **1. Сўз маъноларининг ўхшашик асосида кўчиш йўли билан ўзгариши.**

Ўхшашик номи остида биринчидан предмет, ҳодиса, ҳаракатнинг ташқи кўринишидаги шаклий ўхшашик ва иккинчидан уларнинг вазифасидаги ўхшашик қўзда тутилади. Бирор нарса, ҳодиса ёки ҳаракат номи иккинчи бир нарса, ҳодиса, ҳаракатга ана шу икки - ички ва ташқи ўхшашик асосида кўчади.

#### **а) ташқи (шаклий) ўхшашик асосида сўз маъноларининг кўчиши.**

Маъно бир предмет, ҳодиса, ҳаракатдан иккинчисига қўзга ташланиб турган бирор белгидаги ўхшашик асосида кўчади. Масалан:

**қуләқ //** қипч. қулақ - одамнинг қулоғи. Шу билан боғлиқ равишда юзага келган қуидагича кўчма маънолари бор: **қозённъинг қуләғъ, қипч. бақирның қулағы** ва б. ш. кабилар.

**әғъз //** әвуз - одамнинг оғзи. Шу билан боғлиқ равишда қуидаги кўчма маънолари бор: қарл. **қудуқнинг әғъзъ //** қипч. **қудуқнъинг әвзъ, қарл.**

**сәтълнънг әғзъ // қипч. бақырның әвзи. қарл. гупънънг әғзъ // қипч.  
кувънънг әвзъ, қарл. орәнънг әғзъ // қипч. ораның әвзы каби.**

**б) вазифавий ўхшашлик асосида сўз маъносини кўчиши.**

Ўзбек шевалари лексикасида бир қатор сўзларнинг маънолари функционал асосда кўчиш орқали ўзгаради. Буни **учмоқ** сўзи мисолида кўриш мумкин. Унинг маъноси қанот силкиш билан ҳавода ҳаракатланиш ҳисобланади. Бу маъно қушларга қаратса айтилган бўлиб, кейинчалик унинг маъноси ўзгариб ва тараққий этиб борган. Натижада, паррандадан бошқа нарса - буюм ва ҳодисаларга татбиқ этила борган. Масалан: отга нисбатан - **учэр эт** (тез чопар маъносида), гиламга нисбатан **учэр гълэм**, самолётга нисбатан **самалут учъп ө ттъ**, ер йўлдошига нисбатан кўчирилганини ҳам кузатиш мумкин. Ёки маъно тараққиёти туфайли **элвэнч учмәқ** (арғимчоқ учмоқ), **учъп кеттъ** (тез борди) каби қатор маънолар юзага келади.

**2. Метонимия йўли билан сўз маъноларининг ўзгариши.**

Нарса, белги, ҳаракатлар ўртасидаги алоқадорлик асосида сўзларнинг маъноларида метонимик ўзгариш юз беради. Масалан: **чъгъл // чъгъел // чъйъл**. Бу сўз икки хил маънони англатади. Биринчи маъносида учини топиб, очиб бўлмайдиган, чалкашиб, у ер-бу ерига тугун тушиб қолган (ип) бўлса, иккинчисида чалкашиб кетган, чигал воқеа маъноларида келади.

Предмет номи билан ўша предмет ҳаракатининг маҳсули англашилади. **Тегърмэн тэрттъ** - мисолида тегирмон ҳаракатининг натижасида пайдо бўлган **ун** англашилади.

**3. Сўз маъноларининг торайиши йўли билан ўзгариши.** Вақт ўтиши билан шевалар гуруҳига хос айрим сўзларнинг маъносидаги силжиш ўша сўзнинг илгариги қўлланиб келган маъноларининг торайишига олиб келганини кўрамиз. **дәрғэт** сўзи авваллари тўғон-сув йўлини тўсиш учун курилган мослама, **көпрък** маъноларида қўлланилиб келинган, ҳозир фақат кўприк маъносида учрайди. Ёки авваллари **чэрбәғ** сўзи ҳайёт сўзи билан кенг қўлланилиб келинган бўлса, ҳозир фақат уйнинг орқасидаги ер -

**Эркәхәйэт номи билан учрайди. Қаръяләр дәм әльш учун орқа ҳәйэт ўртасъдә қойългән чэрпәйәгә бәръп отъръшть.**

### **Ўзбек шевалари лексикасида лексик синонимлар**

Синонимлар хусусида тилшуносликда бир қатор илмий-тадқиқот ишлари қилинган.

Ўзбек халқ шевалари ўзбек адабий тилидагидек синонимларга бой бўлиб, шеваларнинг луғат таркибини бойитиш учун манба бўлиб хизмат қиласди. Халқ шеваларидаги синонимлар сўзловчининг ўз фикрини аниқ, равshan ифодалашга ёрдам беради, чунки синонимлар сўзловчининг энг нозик маъно оттенкаларини сўз воситасида ифодалашга интилиши натижасида ҳам келиб чиқади. Ўзбек шеваларининг лексик таркибида синонимларнинг пайдо бўлиши турли тарихий ва этник омиллар, ўзбек адабий тили ва бошқа тилларнинг мазкур шеваларга таъсири, ҳамда диалектларнинг ўзаро муносабати билан белгиланади. Шуни айтиш керакки, умуман олганда абсолют синонимларнинг бўлиши қийин. Зотан, синонимлар одатда ҳар хил шевалар орасида маълум даражада бир-бирларига нисбатан муқобил (эквивалент) бўла олса-да, лекин, хусусан адабий тилда улар бир-бирларига нисбатан тамоман муқобил бўлиши қийин. Чунки уларнинг маъноларида маълум даражада фарқ бўлади ва маълум даражада маъно оттенкаси мавжуд бўлади.

Ўзбек шеваларида сўзлашувчи аҳоли қадими халқлардан бўлиб, унинг тилига турли диалектларнинг ва бошқа тилларнинг таъсири бўлди. Оқибатда бир тушунчани бир неча сўз ёрдамида, яъни синонимлар воситасида ифодалаш юзага келди.

Шу боис ҳам шеванинг диалектал синонимлари қаторидаги компонентлар диалектал ўзбекча сўзлар бўлса, баъзилари келиб чиқишидан қатъий назар ўзбек адабий тилининг луғат таркибига мансуб сўзлардир. Шу жиҳатдан бундай синонимларни икки гурухга бўлиш мумкин:

- a) Ички (хусусий) синонимлар.

## 6) Ташқи (умумий) синонимлар

### Ички (хусусий) синонимлар

Белги, нарса, ҳодиса, ҳаракат ўзбек адабий тилига маълум бўлмаган бирдан ортиқ диалектал лексик бирликларида ифодаланган синонимлар ички синонимлардир. Улар шеваларнинг ўз ичидағи синонимлар ҳисобланади. Ўзбек халқ шеваларида бирдан ортиқ диалектал сўз бир маънони ифодалайди ва бунда тўлиқ синонимлар ҳосил бўлади. Маъноси тамоман бир хил бўлган синонимларнинг катта бир қисми бир предмет, ҳодиса, белги ҳақидаги тушунча мазкур шевалар тарқалган жойлардаги аҳоли нутқида турлича номланиши натижасида юзага келади.

Белги, ҳаракат ифодаловчи лексемалардан ташкил топган синонимлар: **хубдърэм** (жуда бўлмаса), **сэнджәп**, **бошрәғ** (сийрак, кам) ; **дуләп**, **дуржъ**, **ътърқъиң** (кўплек маъносида) ; **дәв**, **ъркът** - бақувват; **ҳәпәзъ тушмәқ** - **йузмәқ** – сузмоқ; **қундәқләдъ**, **орәдъ** – йургаклади; **дэръғмә** // **торъқмә** - сиқилма; **жъйнәдъ** - йигиштириди, саранжом саришта қилди, **буйғурмәғ** – совқотмоқ; **дәрқәлмәғ** - муҳтоҷ бўлмоқ каби.

Синонимик қаторни ташкил этувчи сўзлардан қайси бири фаол қўлланилса, ўша сўз асосий луғавий бирлик ҳисобланади. Масалан: **әнқәв**, **сәддә**. **әнқәвдә** салбий томон кучлироқ бўлса, **сәддәнинг** қўлланиш доираси кенгроқ.

**әрръғ**, **қълтъръқ**, **нъмжән** сўзларидан ўзбек адабий тилида ариқ сўзи бош сўз бўлиб ҳисобланади. Чунки у ҳам кишиларга, ҳам ҳайвонларга нисбатан қўлланади. Шевада қълтъръқ сўзи бош сўз бўлиб ҳисобланади, чунки қўлланиш доираси кенгроқ

**ләпәшэнг**, **сэнсъз**, **ләттә** **кесмәс**, **пэндәвәқъ**, **бошэнг**, **шәлпәйгән**. Бу синонимик қаторда биринчи икки синонимик сўз етакчи синоним ҳисобланади. Бошқалари шу сўзларнинг қўшимча синонимлариdir.

## Ташқи (умумий) синонимлар

Ташқи синонимлар диалектал сўз билан адабий сўз ёки диалектал сўз билан адабий тилда бўлмаган ўзбек тилининг бошқа диалектидан кирган сўз билан бир хил маъноли бўлган сўзлардир. Бундай синонимлар қаторидаги компонентларнинг манбалари жихатидан қуидаги гурухларга бўлиниади.

1) Адабий-диалектал синонимлар.

2) Диалектлараро синонимлар

**Адабий-диалектал синонимлар.** Адабий-диалектал синонимлар компонентлари адабий тил ва шевалар лексикасига мансуб сўзлардан иборат бўлган синонимлардир. Адабий тилдаги лексик бирлик шевалардан бирортасида ишлатилиб, уларнинг барчасида ишлатиладиган диалектал сўз билан синонимик қатор ташкил этади. Адабий синонимик қатор шеваларда ишлатиладиган сўзлар билан яна ортади. Масалан: адабий тилдаги **бемалол**, **хотиржам** сўзлари шеваларда **арқэйън**, **ҳэвльъмәсдэн** сўзлари билан синонимик қаторни ҳосил қиласи. Ёки адабий тилдаги **шошилинч**, **тез, дарров** сўзлар шевадаги **ъштэрәп**, **қъчеләнг** каби сўзлар билан синонимик қаторни ҳосил қилиб, бирга қўлланилиб келади.

Ўзбек адабий тилининг лексик системасига мансуб бўлган сўз билан диалектал сўзлардан иборат синонимларнинг компонентлари ҳам маъно оттенкаларига эга бўладилар: **коп**, **ду:ләп**, **дуржъ**, **ътърқън** (кўп маъносида) лексемалари ўзаро синонимик қаторни ҳосил қиласи. Кўплик маъноси атрофида уюшса ҳам, уларнинг нозик фарқлари бор. Бу фарқ уларни бошқа сўз билан бириктирилганда сезилади. Мас. : **Бэзэрдэ эдэм коп, ду: ләп ёки дуржъ** дейиш мумкин бўлса, **ътърқън** сўзини бу ўринда қўллаб бўлмайди. Чунки **коп**, **ду:ләп**, **дуржъ** сўзлари ижобий эмоционалликка эга бўлса, **ътърқън** сўзи салбий эмоционал муносабатни билдиради. М. : қарғиш маъносида қўлланилганда: **ътърқъндэй туғъб тәшләгэн** каби.

Синонимик қаторни ҳосил қилаётган бош сўз ўзбек адабий тили билан шеваларда турлича бўлади. Бош сўз синонимик қатордаги сўзлар учун

умумий бўлган маънени аниқ ифодалайдиган сўз бўлади. Масалан: **чърэйлъ**, **гозәл**, **хусндар**, **хуснлъ**, **хушрой**, **көхлък**, **коркэм**, **бэрнә**, **сулув**, **зебә**, **ләтәфәтлъ**, **сәхъбжәмәл**, **нәзәкәтли** сўзлари ташкил этувчи синонимик қатордан адабий тил учун **чиройли**, гўзал сўзлари бош сўз бўлса, шеваларда **сулув**, **хушрой** сўзлари асосий сўз бўлиб ҳисобланади. Ёки **йәхшъ**, **дуруст**, **тузук**, **бънәйъ**, **бънәйъдек**, **жәйъдә**, **сәз**, **нәзәндәй**, **бәб**, **бәптә**, **әжәбтәвур**, **әвлә**, **қайъл**, **қайълмәкәм**, **мъхдәй** сўзларидан ташкил топган синонимик қатордан адабий тил учун **яхши**, **дуруст** сўзлари бош сўз бўлса, шеваларда **әжәбтәвур** сўзи асосий сўз бўлиб ҳисобланади.

**Диалектлараро синонимлар.** Бошқа диалектлардан ўтган сўзлар билан маъноси ўхшаш бўлган синонимлар диалектлараро синонимлардир. Ҳар бир шевада мавжуд бўлган сўзлар бошқа шеваларда ҳам учрайди. Зеро, ўша предмет ёки харакатни билдирувчи сўз бошқа ном билан айтилса ҳам, улар бир хил маънени, тушунчани ифодалайди ва ўзаро синонимик қаторни ташкил этади. Адабий тилдаги **арғимчоқ** сўзи шевалардаги **элвәнч**, **ҳәлъинчәк** сўзлари билан синоним бўла олганидек, бошқа шеваларда ҳам синоним бўла олади

Шевалараро синонимик қаторни ташкил этувчи сўзлардан қайси бири ўша шевада фаолроқ ишлатилса, ўша сўз асосий луғавий бирлик ҳисобланади. Масалан, **ўғит** сўзи билан синонимик қаторни ҳосил қилган **гәнг** (гўнг), **нуръ** сўзларидан **гәнг** (гўнг) сўзи Самарқанд, Жиззах, Сирдарё шеваларида етакчи синоним ҳисобланади. Бухоро, Пахтачи (Сам.), Навоий вилоят шеваларида **нури** сўзи етакчи синоним ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бундай синонимик муносабатга киришган сўзлар диалектлараро синонимлар дейилади..

Ўзбек адабий тилидаги ва шевалардаги синонимик қаторни ташкил этаётган сўзларнинг ҳар бирининг ўз вазифаси бор. Баъзи синоним сўзлар иккинчи бир синонимик сўз вазифасини бажара олмаслиги мумкин.

**Ўзбек** адабий тилидаги **чала**, **маромига** **етказилмаган**, **тамомланмаган** каби синонимик қаторни ташкил этаётган сўзлар

шевалардаги **нъмғурмә** синонимининг вазифасини, ёки **гурух**, тўда синонимлари шевадаги шу сўзларга синоним бўлган **сурой** синонимининг вазифасини бажара олмайди. Демак, ҳар қандай синонимик қаторни ташкил этувчи сўзнинг ўз ўрни, ўз вазифаси бор. Шунинг учун ҳам синонимлар ўзбек адабий тилида, ўзбек шеваларида, ёзувчи ва шоирларнинг асарларида муайян бир вазифада қўлланилади.

Ўзбек шеваларидаги синонимлар ҳам ўзбек адабий тилидагидек нутқнинг таъсирчанлиги ва жозибадорлигини оширувчи воситалардан биридир. Шунингдек, синоним сўзлар тилимизнинг лугат таркибини бойитиш, уни янада мукаммаллаштириш учун хизмат қилади.

### **Ўзбек шевалари лексикасида лексик омонимлар**

Ўзбек тили ва ўзбек халқ шевалари омоним сўзларга ниҳоятда бой. Тилимизда мавжуд бўлган омонимлар тилни маънан бойитиш ва янги сўзлар ясаш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Ўзбек тили ва унинг шеваларида сўз маъноларининг кенгайиши тилнинг ички имкониятлари асосида янги маъноли сўзларнинг ҳосил бўлишига, сўз шаклларининг қисқариши ва омонимларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Омонимлар шаклан бир хил талаффуз қилинадиган, аммо бошқа-бошқа мустақил маъноларни ифодалайдиган сўзлардир. Омонимларнинг бу хусусияти контекст доирасида аниқланади ва сўзлар маъносининг хилма-хиллигини таъминлашга ёрдам беради. Омонимлар тўғрисида гапирганда уларни полисемантик сўзлардан фарқлаш керак. Чунки омонимларнинг айримлари мана шу полисемантик сўз маъноларининг ўзгариши ва узоқлашувидан келиб чиқсан. Аммо, шунга қарамай, омонимлар билан полисемантик сўзлар бир-биридан тубдан фарқланади. Полисемантик сўзларнинг маънолари орасида семантик алоқадорлик сезилиб турса, омоним сўзларнинг маънолари орасида яқинлик бўлмайди. Ўзбек шеваларидаги омонимлар ўзбек адабий тилидагига нисбатан кўп маъноларга эгадир. Масалан: **чækкә** (сузма) ~ **чækкә** (томчи) ~

**чәккә // чәккъ** (ноўрин сўз ёки ҳаракат). **Бу гәпънгъз чәккъ боптъ;** қипч. **сәз** (соз, мусиқа) ~ **сәз** (иноқ) ~ **сәз** (сўз) каби. Сўзлар ўзак ёки негиз ҳолида омонимик муносабат ҳосил қиласди. Бундай омонимлар полисемантик сўз маънолари орасидаги алоқанинг узилиши ҳамда адабий тилдаги сўз билан шевадаги сўзнинг формал мос келиши натижасида пайдо бўлади. Бу хил омонимлар турли хил сўз туркумларига мансуб бўлиб, уларнинг ҳосил бўлишини қўйидагича кўрсатиш мумкин:

**От туркумига оид омонимлар:** дәм (ад. орф. дам) 1. дәм - нафас, ҳаво, ҳордиқ маъноларида. 2. дәм - пиchoқнинг кесадиган қисми. 3. дәм асбобнинг номи; 4. дәм - жим; тэр (ад. орф. тор) 1. тэр - дуторнинг тори. 2. тор // тэр. Чолғу асбобидан бирининг номи. 3. тор // дәр // дәр - ювилган нарсаларни куритиш учун осиб қўядиган сим (ёки арқон). 4. тор - тэр - келинларнинг сепини ёйиб қўйиш учун боғланадиган маҳсус чизимча.

**Феъл ва бошқа сўз туркумлари омонимияси:** Феъл туркумига оид сўз от, сифат туркумидаги сўз маъноси билан омоним ҳосил қиласди. Масалан: туш (ад. орф. туш) 1) **туш=** - пастга тушмоқ (феъл). 2) **туш** - туш пайти (соат 12 лар). 3) **туш** - туш кўрдим (от) ; **чәп // чәп** (қипч. ) 1) **чәп // чәп** - нашр этмоқ (феъл). 2) **чәп // чәп** - ўнгнинг антоними (сифат) 3. **чәп** - югурмоқ (феъл) ; **чәл** (ад. орф. чол), 1) **чәл=** дуторни чалди (феъл), 2) **чәл** - қари эркак киши (от) ; **бәқә** (ад. орф. буёққа). 1) **бәқә** - бу ёққа (феъл) 2) **бәқә** - қурбақа (от). Бу каби омонимларнинг юзага келиши хам турличадир.

**Омонимларнинг юзага келиши.** Омонимлар ўзбек тилида ва шеваларда турли манбалар ҳисобига юзага келади, яъни бунда тил тараққиётининг ташқи ва ички манбалари асосий ўрин эгаллайди. Демак, омонимларнинг юзага келишида ташқи манба (бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш), ҳамда ички манба (тилнинг ўз ички тараққиёти) қонунларининг аҳамияти катта.

Шевалардаги омонимлар қўйидаги усулларда юзага келади:

1. Тасодифий фонетик ўхшашлиқ натижасида пайдо бўлган омонимлар.
2. Маънонинг парчаланиши натижасида пайдо бўлган омонимлар.

## Тасодифий фонетик ўхшашлик натижасида пайдо бўлган омонимлар

Шевалардаги баъзи сўзлар талаффузда турли фонетик ўзгаришлар натижасида адабий тилдаги бирор сўзга шаклан ўхшаб қолади, натижада шу бир хил фонетик кўринишдаги сўз бошқа-бошқа лексик бирлик сифатида кўринади. Лексемаларни омонимга олиб келган фонетик ўзгаришни тилдаги мавжуд фонетик қонуният билан изоҳлаш мумкин. Шеваларда ҳам айрим сўзлар фонетик ўзгаришлар натижасида омоним ҳосил қиласди. Уларни куйидагича кўрсатиш мумкин:

- a) унлиларнинг алманиниши натижасида ҳосил бўлган омонимлар: [o ~ a] қәш (ад. орф. қош) 1. **қәш** - қош (от) ; 2) **қәш=** - қочмоқ (феъл) ; **чәй** (ад. орф. чой). 1) **чәй** - чой (от) ; 2) **чәй=** - қўлъингдъ чәй - қўлингни ювгин; **дәйрә**. 1. **Дайра** - доира [a]. Айлана билан ўралган юза; 2. **дәйрә** - доира, чилдирма, доира чалмоқ, 3. **дайра** - дарё (ф-т) ; **бәғ** (ад. орф. боф. бок) 1. **баг** - боф; 2. **бәғ=** - боқмоқ, қўйларни ўтлоқда боқди; 3. **бәғ** - бу томон, бу ёқ.
- б) Ундошларнинг алманиниши натижасида ҳосил бўлган омонимлар: [**f ~ v**]: **тәв** (ад. орф. тоғ, топ-). 1. **тәв** - тоғ; 2. **тәв** - топмоқ; [**ч ~ ш**]: кешта (ад. орф. кашта). 1. **кешта** - кашта; 2. **кешта** - кеч бўлганда; [**г ~ й**]: **туй=** (ад. орф. тугмоқ) 1. **туй** - тугмоқ, арқонни тугмоқ; 2. туй - донни янчмоқ; 3. **туй=** - ҳосил тузиши ва бошқа ш. к.
- в) Сўзларнинг ўзак ва негизига турли хил қўшимчалар қўшилиши орқали юзага келган омонимлар. Сўзларнинг ўзак ва негизларига турли хил қўшимчалар қўшилиши билан ҳам омоним ҳосил бўлади. Сўзларга тушум келишиги қўшимчаси **-ни** ўрнида унинг вариантлари (-ди, -ти) қўшилиши ва шакл ясовчи **-ди** қўшимчасининг қўшилиши натижасида омонимлар ҳосил бўлади. Масалан: ишти (ад. орф. ишни, ичди). 1) **ъшть** - ишни; 2) **ъшть** - сувни ичди; уйдъ (ад. орф. уйни, уйди) 1) **уйди** - уйни; 2) **уйди** - тупрок уйди каби.

Омонимга олиб келган фонетик ўзгаришни тил тарихида учровчи фонетик қонуният билан изоҳлаш мумкин.

Адабий тилнинг луғат таркибидаги маълум бир лексик бирлик адабий тилда ҳам, шеваларда ҳам шаклан ва маъно жиҳатдан бир хил бўлади, шу билан бирга шу лексема шевада яна алоҳида тушунчани ифодалайди. Мас. : Ўзбек адабий тилидаги **ғўра** - ҳали пишмаган мева маъносини билдиради. Шеваларда **ғўра** сўзи бу маъносидан ташқари яна бошқа маъноларда қўлланилади: **ғорә** - қадоқ (қавариқ) ; **ғорә** - қўйлар туродиган жой каби маъноларда қўлланилади. Ёки ўзбек адабий тилидаги **дам** - пичноқнинг кесадиган қисми маъносини билдиради. Шевада **дэм** сўзи **тўғон, жим бўл, жимгина ўтири** маъноларида ҳам ишлатилади. Адабий тилда **қайиш - бўйин эгмоқ, ачинмоқ, жон қуидирмоқ**, шунингдек **тасма** маъноларида қўлланилади. Шевада бу маъноларидан ташқари **қэйъш** - овқатнинг бир тури маъносида ҳам келади.

### **Маънонинг парчаланиши натижасида пайдо бўлган омонимлар**

Халқ шеваларида тасодифий фонетик ўхшашлик йўли билангина эмас, ягона маънонинг парчаланиши, яъни полисемиянинг ажралиши натижасида ҳам омонимлар юзага келади. Полисемиядан тармоқланган маъно сўзнинг дастлабки маъносидан узилганда, яъни ички форма йўқолса, омоним ҳосил бўлади. Бунда сўзнинг шакли (фонетик тузилиши) ўзгармай қолиши туфайли омоним юзага келади. Масалан: **дэм** (нафас), **дэм** (хордик), **дэм** (тўғон), **дэм** (жим ўтири) омонимлари худди шундай юзага келган. Ёки **қулоқ** адабий тилда ҳам, мазкур шеваларда ҳам одам ва ҳайвоннинг бош қисмига жойлашган эшитиш органи. Бу сўзнинг ана шу хусусиятлари асосида маънолар тармоқланади, у полисемантик сўздир. Мас. : **қозённъинг қулэғъ, сэтълинъинг қулэғъ, қулэғ** - экин ерни ёриб чиққанда **кўринган япроғи** кабилар. Булар **қулоқ** сўзининг полисемантик тармоқлариdir. **Қулоқ** ховузга, экинзорга сув кирадиган ариқнинг боши маъносини ҳам ифодалайди. Бу ерда қулоқ сўзи бошнинг қисми бўлган қулоқ сўзига

нисбатан омоним ҳосил бўлган, яъни қулоқ катта ариқдан ажралиб чиқсан майда ариқ бўлгани учун катта ариқса нисбатан ортиқчалиги ўхашашлик ва умумийлик жиҳатидир. **Қулоқ** сўзи биринчи маъносидан анча узоқлашган, янги предмет майда ариқ маъносини ифодалаган.

Шевалардаги омонимлар ўзбек адабий тилидан, шунингдек бири иккинчисидан семантик жиҳатдан фарқланади. Мас. : **әқльқ** сўзи ўғуз шеваларида оқ матони англатса, қарлуқ, қипчоқ шеваларида қўйидаги маъноларни ифодалайди. 1) **кәфән**; 2) **оқ матони**; 3) **сут - қатиқ**; 4) **томизғи (ақлық)** ; 5) **әқльқ** – совчиларнинг олдига розилик сифатида қўйиладиган буюм.

Демак, омонимлар сўзларнинг талаффуз жиҳатдан бир хиллиги бўлиб, бу ҳодиса юқорида айтилганидек турли сабаблар асосида содир бўлади.

### **Ўзбек шевалари лексикасидаги лексик антонимлар**

Ўзбек тилшунослигида антонимлар хусусида ҳам бир қатор илмийтадқиқот ишлари қилинган.

Ўзбек адабий тилидаги сингари ўзбек шеваларида ҳам антонимлар кўплаб учрайди. Антонимлар маънолари жиҳатидан бир-бирига қарама-қарши бўлган сўзлардир. Антонимия ҳодисаси юзага келиши учун маънолари зид бўлган икки сўзнинг бўлиши, албатта, зарур. Демак, антонимия сўзларнинг ўзаро зид (қарама-қарши) маъновий муносабатга киришуви асосида юзага келади. Антонимик хусусияти мавжуд бўлган сўзлар белги, ҳаракат-ҳолат, миқдор, ўрин, вақт каби турли хил маъно муносабатларни билдиради. Антонимни ташкил этаётган сўзларнинг маъносида семалардан ташқари фарқловчи семалар ҳам бўлиши керак. Масалан: Ўзбек тили ва ўзбек шеваларидаги **дунглъй - чуқурлъй** // қипч. **дунлыш - чуқурлик** сўзларини маъно тузилишини олиб қарасак фикримиз ойдинлашади. **Дунглъй // дунлик** - атрофдаги ерларга нисбатан бир оз дўмпайиб турадиган кўлами эса унчалик катта бўлмаган жой; **чуқурлъй // чуқурлик** - атрофдаги ерларга нисбатан бир оз чўкиб турадиган, кўлами эса

унчалик катта бўлмаган жой. Ёки **анқэв** - хушйэр сўзларини олиб кўрайлик. **Анқэв** - вазиятни тезда сезиб, баҳолаб, бирор чора тадбир белгилашга нўноқ; хушёр - вазиятни тезда сезиб, баҳолаб бирор чора-тадбир белгилашга қодир каби маъноларни билдиради. Маънолари бир-бирига зид бўлган бундай сўзлар антонимик жуфтликни ҳосил қиласи.

Ўзбек тили ва ўзбек шеваларида сўзларнинг кўчма маънода қўлланишидан ҳам антонимлар юзага келади. Жуфт ҳолда қўлланган зид маънони ифодаловчи бундай сўзлар ўзаро антоним бўлиб келади. Масалан: **иссьқ** - **сувъғидан** хабар ал - ҳол-аҳволидан хабар олмоқ маъносини ифодалайди. Ёки, бу менъинг йэхшъ йэмёнъм боләдъ - қариндош уруғ маъносини билдиради. Антонимик жуфтликлар барча тилларда, жумладан, ўзбек тили ва унинг диалектларида тушунчани жозибадор, таъсиран ва бўёқли бўлишини таъминлайди.

### **Антонимларнинг морфологик хусусиятлари**

Антонимлар турли сўз туркумларидан бўлишига қараб турлича хусусиятга эга бўлади. Антонимлар сифат, от, равиш каби сўз туркумлари доирасида кўпроқ, қисман феълларда, сўз бирикмаларида учрайди. Антонимлар сифатни ифода этувчи сўзлар сирасига киради, бироқ улар инкор этувчи ёки ўзгарувчи характердаги ҳаракат-ҳолат номларининг зид маъносини ҳам ифода этиши мумкин.

**Сифат антонимлар.** Бундай антонимлар сифатлар ифодалайдиган белги-хусусиятларни англатиб, мантиқан бири иккинчисини инкор этади. Сифат туркумига хос антонимлар характер-хусусият, ҳолат, ҳажм, ранг-тус, шакл, маза каби маъноларни билдиради.

1) Кишиларнинг характер-хусусиятини, хоссасини билдирувчи сифат антонимлар. Масалан: **сәхъй** - **сумсук**; **тупоқ** - **нэтупоқ**, **кэллэль** - **кэллэсъз**; **дэроз** - **пэкэнэ**, **толъм-қълтъръқ**.

2) Предметлар, жониворлар, ҳолат-ходисалар хусусиятини ифодаловчи сифат антонимлар. Mac. : қәлън - йуқә; әнсөн - қыйън, йэвэйъ - хонэкъ; ъссығ - сэвүғ // иссиқ-сувъқ.

3) Ҳажм-ўлчов ва масофа тушунчаларини билдирувчи сифат антонимлар. Mac. : кәттә - къчъй, ъхчәм - бурсукдай, узәғ-йәкън.

4) Шакл билдирувчи сифат антонимлар. Mac. : қипч. тувръ - эгръ, сәлқъ - тәрәнг.

5) Ранг-тус, маза-таъм билдирувчи сифат антонимлар. Mac. : қара-ақ; әқ - қорә; нәмәкәп - шърън; шор - пәч.

6) Ўрин-пайт муносабат билдирувчи антонимлар. От ва бошқа сўз туркумларидағи сўзларга -ги, -ки, -даги аффикслари қўшилиши билан ясалади. Mac. : нариғы – манжағи (қипчоқ), йэзгъ - қъшкъ.

**Равиш антонимлар.** Бу каби антонимлар маънолар зиддиятидаги ҳаракатнинг ҳолатини ижро этилиш ўрни ва йўналишини, юзага келиш пайтини, ҳаракат ёки белгининг миқдорини, мақсадини ифодалайди. Mac. : башъ-эхъръ; зор-бәзор, қыттъ-мөл (кўп маъносида).

**Феъл антонимлар.** Ўзбек адабий тилидагидек шеваларда ҳам феъл антонимлар мавжуд. Бундай антонимлар иш-ҳаракатдаги бир-бирига зид тушунчаларни англатади. Феъл антонимлар, қўпинча, белги билдирувчи антоним сўзлардан (сифатлардан - равишлардан) ясалган феъллардан иборат бўлади. Mac. : йашәрмәқ - қәртәймәқ; копәймәқ - әзәймәқ; йэръшмәғ - қэрәнғъләшмәқ. Шевалардаги феъл антонимларни лексик маъно жиҳатдан қуидагича изохлаш мумкин.

1) Қарама-қарши йўналишдаги маънони ифода этувчи иш-ҳаракатни билдирувчи феъл антонимлар: туймәғ - йъшмәғ; эчъш - йэпъш // эчъш - йэпъш.

2) Предметларнинг ҳолатини ифода этувчи феъл антонимлар: ъсьмәғ - сувъмәғ; төнләмәғ - эръмәғ.

3) Кишиларга хос бўлган руҳий ва физиологик ҳолатни ифодаловчи феъл антонимлар: **суйумәқ - әчъимәқ**, **мункәймәқ - йэшэрмәғ**, **байъмәқ - нэчэрләшмәғ** каби.

### **Антонимларнинг синонимияга муносабати**

Сўзларнинг антоним ва синонимларини таққослаб ўрганиш уларнинг турли маъноларини аниқлашда катта фойда келтиради. Тилимиздаги ҳар бир антоним компонентининг бир қанча синоними бўлиши мумкин. Бу ҳолат адабий тилдагига қараганда шеваларда кўпроқ учрайди. Масалан: **эййэр - сэddә**; **эййэр - тулкъ, пъхънъ йэргэн, шумтәкә, жэдугәр, муғомбър; сэddә - әддъй, гол**. Буни бошқа мисолларда ҳам кўриш мумкин. Масалан: **дәнкәсә - ъшчән**: **дәнкәсә - суләмәсуқъ, тепсә тебрәнмәс, ъшийқмәс; ъшчән - ғэйър, меҳнаткәш; ләпәшәнг - уddәбура (н)** ; **ләпәшәнг - лэттәкесмәс, пәндәвәкъ, нәуддәбәрән, ләвәк, бөш, ләндәвър, нәукув; уddәбура (н) - ъшчән, эпчъл, әбжъл; сәхъй - хәсьс: сәхъй - қолъ әчъқ, ҳэтэмтәй; хәсьс - қъзғонч, қурумсәқ, нәкәс, мумсъқ, коръмсъз**.

Антонимларнинг юзага келишида икки асосий омил катта аҳамиятга эга. Булар ички ва ташқи имкониятлардир. Шевалар ўз ички имконияти заминида антонимларни юзага келтиради. Бунда айрим сўзлар антонимик жуфтлик ҳосил қилишида ўзига хос вазифалари жиҳатидан ўзаро бирлашади ва антонимик жуфтлик ҳосил қиласи: **ъштәрәп (шитоб) - бәпуржа, дәммәл - чәккән, пәндәвәкъ (лапашанг) - эпчъл** каби.

Ташқи имкониятда бошқа тиллардан ўтган сўзлар антонимик жуфтлик ҳосил қиласи. Масалан: ўзбекча-форс-тожикча: әчъқ-шърън, **пайдә - зәләл**; форс -тожикча: **кәм - бъсийэр**; арабча-арабча; **рәҳэт - әзәп**; арабча-форс-тожикча: **хәрәп - әбәт**; арабча-ўзбекча: **кәсәл - сәғ, әлә - йәмән** каби. Антонимик жуфтликлар ўзбек тилидагидек, ўзбек шеваларида ҳам кўплаб учрайди. Бирор тушунчани аник, ифодали ёритиб беришда уларнинг аҳамияти каттадир.

**Шевалараро лексик мослиқ.** Ўзбек шеваларининг ҳар бири ўзига хос лексик хусусиятларга эга. Аммо, бу уларнинг луғат таркиби адабий тилдан фарқи дегани эмас, албатта. Ўзбек шевалари ва ўзбек адабий тили бир тилнинг, яъни ўзбек тилининг турли кўринишлари бўлиб, бир-бири билан чамбарчас боғланган. Шундай бўлса ҳам, уларнинг лексик таркибида фарқлар учрайди.

Тошк., Сам. тухум, **мәйәк**; Фарғ. **мәйәк**, тухум; Сурх. ~ **мәйәк**, тухум; Хор. **йъмъртә**; Фарғ. **мәйәк**; Нав. в. ш. **мәйәк**, йумуртқә - ад. орф. тухум;

Шим. Хор. ача - ад. орф. пешона; Нав. в. ш. **пешәнә, ъинәллә** - ад. орф. пешона

Тошк. **әдәй - чечәй**; Турк. **әжәк-жәжәк**; Нав. в. ш. **тәй - тәй** - ад. орф. тета поя (энди оёққа кирган болаларнинг юриши)

Қашқ. **әдрәс**; Нав. в. ш **ҳъсэръ, бекәсәм**. - ад. орф. бекасам.

Фарғ., Анд. **әльш // әльш**; Хор. **бө гәт // бувәт**; Нав. в. ш. **дәргәт** - ад. орф. тўғон.

Анд., Қашқ., Фарғ. **пәллә** ; Сурх. **қағанақ // қәқачәғ**; Қашқ. **әғъзлоғ**; Жиз. **дәләмә**; Нав. в. ш. **гъләгәй // дәләмә // жак, увуз, пәллә, қәғәнәк** - ад. орф. оғиз сути.

Тошк. **йельй // йе: лу// йе: лув**; Нав. в. ш. **енсә // енгчә // эстъича // женсә** – ад. орф. енглик.

Хива давшан; Нав. в. ш. **қуйон // тэвушиқән** – ад. орф. қуён.

Бух. **дэлвэн**; Хор. **далан**; Сам. **дүлән**; Нав. в. ш. **мәдән** – ад. орф. йўлак, каридор.

Тошк. Жиз. **енгәй** (энгтай) ; Қашқ. **ияқ, эниәк** (энгнак) ; Нав. в. ш **ъйәй // мәнәй** – ад. орф ияқ.

Бух., Сам., Қашқ. **зэмләмәк**; Қашқ. **ъштәрәп**; Нав. в. ш. **қъчәләнг // ъштәрәп** – ад. орф. шошилтирмоқ, қистамоқ. .

Тошк. **тәнчә**; Фарғ. **сәндәл**; Нав. в. ш. **сәндәл** – ад. орф. сандал.

Тошк. **бедә**; Анд. **йонгғъчқа**; Нав. в. ш. **бедә // йонгғъчқа, қәрә көрпә** – ад. орф. беда.

**Фарғ. бувәкчә, Сурх. бө бәк, чақаләғ; Нав. в. ш. чәқәләғ // бөбәк //**  
**қақалоқ** - ад. орф. чақалоқ.

Юқорида келтирилган мисоллар бир-биридан фарқланса-да, улар шевалараро бир предметни билдиради. Маълумки, адабий тил шевалараро учрайдиган юқорида кўрсатилган синонимлардан кенг қўлланилганингина танлаб олади.

Ўзбек шеваларига хос сўзларни **жаргонлардан** фарқлаш лозим. Диалектал сўзлар шу шева вакллари учун тушунарли бўлади. Жаргонлар эса фақат маълум бир ижтимоий гуруҳ эгаларигагина хос бўлган сўзлардир. Ижтимоий жаргонлар миллий тилнинг бузилган шаклидир. Чунки улар халқка эмас айрим гуруҳ кишиларигагина хизмат қиласи. Масалан, доллар ўрнида кўки , пул ўрнида якан сўзларининг қўлланиши ва б.ш.к.

## Қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжасининг муҳим хусусиятлари

Бу лаҳжа шаҳар ва шаҳар типидаги шеваларни ўз ичига олади. Унинг бошқа лаҳжалардан фарқи ҳам шунда. Уларда сингармонизм қонуни амал қилмайди. Мазкур лаҳжа Ўзбекистондан ташқари қардош республикаларда ҳам кенг тарқалган. Қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжасининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

**Фонетик хусусиятлари.** қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжасида унли фонемалар олти, еттитагача бўлади: ъ, у, е, ө, о, ә, Ҷ.

Ўзбек халқ шеваларида унли фонемаларнинг алмашиниб келиш ҳодисаси учрайди:

[ә > ә] ҳодисаси: **бәлә** /ад. орф. **бола**; **әлмә**// ад. орф. **олма**; **учәв** //ад. орф. **учов**.

[о > ә] ҳодисаси: **тә:** **ққъз**// ад. орф. **бә:** **лдъ**// ад. орф. **бўлди**, **бә:** **йъдә**// ад. орф. **бўйида**.

Қарлуқ лаҳжасида ә унлисининг яна бир хусусияти Тошкент шевасида в ундошидан олдин келса а эмас ә таллафуз этилади: **эвқат**, **зэвур**; товуш Самарқанд-Бухоро шеваларида в ундошидан олдин ә эмас а унлиси ишлатилади. **тавуш**, **авқот**, **завур**.

[ә] унлиси бухоро-самарқанд гурух шеваларида сўзнинг охирида кела олади: **тъллә**, **Шукруллә**, **муллә** каби. [ә] ва [ә] унлиларининг сўз ичидаги ўрнашиш тартиби ҳозирги замон тожик тилининг талафуз нормасига мос келади. Мас. : **эвқат**, **эмән**, **устә**, **тъллә** // тож. ад. тилида: **авқот**, **амон**, **усто**, **тилло** каби.

Икки тилли шевада маъно фарқламайдиган иккинчи даражали чўзиқлик учрайди: **тәғә**, **гә: лә:** **с**, **хәймъ:**, **ениъ:**, **керәкмъ:** каби. Бу гурухга кирувчи Навоий вилоятининг бир тилли шеваларида орқа қатор [ә] унлиси

ярим лабланган бўлиб чўзиқ талаффуз қилинмайди: **эшпәз**, **эптәп**, **кетәпть**, **эләпть**.

Ўзбек халқ шеваларида ундош фонемаларнинг баъзи бир ўзига хос характерли хусусиятлари бор. Айрим ундош товушларнинг алмашиниши, тушиши каби ҳодисалар учрайди. Масалан: [б > п] ҳодисаси: **сә: эп**, **кътәп**, **ухләп**, **бәръп** каби. Бу ҳодиса бошқа туркий тиллар учун ҳам хос. Бу ўзгариш озарбайжон тилининг шарқий гурӯҳ диалектида ва шеваларида борлиги қайд этилган.

**х** бўғиз ундоши **х** ундошига ўтади: **рәйхән**// ад. орф. райхон; **мехнәт**//ад. орф. меҳнат; **рәхмәт**//ад. орф. раҳмат.

**ч > т** ундошининг алмашиниши: **чуштъ** // ад. орф. тушди; **чъшладъ**//ад. орф. тишлиди; **чъш** //ад. орф. тиш.

**к > й** ҳодисаси кенг қўлланилади: **керәй**//ад. орф. керак; **тъләй**// ад. орф. тилак; **оръй** //ад. орф. ўрик, Бухоро диалектида [к] сақланади: **йурак**// ад. орф. юрак; **курак**//ад. орф. курак, **болак**//ад. орф. бўлак.

**л > н** ундошларининг алмашиниши: **куйнак** // **куйнәй** // ад. орф. **куйлак**

Қарлуқ лаҳжасига оид шеваларда фонетик ҳодисалардан ундошлар ассимиляцияси қўпроқ учрайди. Ундош товушлар қатор келганда бири иккинчисига таъсир қилиб, уни ўзига мослаштиради ва товушларнинг сингиши (ассимиляция) ҳодисаси юзага келади: **кәммәғәл** (**камбағал**), **шуннәй** (**шундай**), **сәннуқ** (**сандуқ**), **куннуз** (**кундуз**), **әннәзә** (**андоза**), **әлләс** (атлас), **мәккәм** (маҳкам), **мәссь** (махси), **ҳәлләмә** (ҳатлама), **қәлләмә** (қатлама).

Ўзбек шеваларида учровчи жуфт унлиларнинг конвергенцияси **[ыхи-ть]** ва қадимий туркий **[а]** товушининг дивергенцияси **[ә<а>]** натижасида қарлуқ тип шеваларда сингармонизм (танглай гармонияси) бузилган. Қипчоқ шеваларида ҳар икки (лаб ва танглай) гармонияси сақланади.

Шеваларда [p] фонемасининг тушиб қолиши кенг тарқалган: **дәстъхән** (дастурхон), **бънәсә** (бир нарса), **чәх**, (чарх), **тор** (түрт) каби. Бухоро диалектида эса тўлиқ талаффуз этилади: **чарх, чарм.**

Сўзниг охирида **қ** ундоши тушиб қолади: **сәръ// сәру:, әччъ//әччу:** **каби.** **Морфологик хусусиятлари.** Ўзбек халқ шеваларининг қарлуқ-чиғил-уйғур лаҳжасида морфологик формантларнинг қўлланилишида ҳам фарқлар учрайди. Улар кўпроқ кўплик, эгалик, келишик формаларининг ишлатилишида кўринади. Шеваларда кўплик формасининг [-ә, -лә, -нәр] варианtlари ҳам қўлланилади: **бъзә келльк//бъза келдък; улә кеттълә** (хурмат маъносида) каби.

Икки тилли шеваларда эгалик қўшимчасининг [-ум, -ун] варианtlари учрайди: **бәғум, бәғун, чърэгум, чърэгун** каби. Бошқа ўзбек шеваларида мавҳум эгаликни ифодалаш учун от ва олмошларга [-нъкъ ~дъкъ ~ ъкъ] қўшимчалари қўшилади: **мәнъкъ, укәмнъкъ, кәлхәздъкъ, беттъкъ** каби.

Ўзбек халқ шеваларининг кўпчилигида, жумладан, қарлуқ-чиғил-уйғур лаҳжасида олтида келишикнинг тўртта кўрсаткичи бор. Бунда қаратқич ва тушум келишиклари бир шаклда, яъни тушум келишиги шаклида келади. Шунингдек, жўналиш ва ўрин пайт келишиклари аралаш ҳолда қўлланилади.

Қаратқич келишигининг [-и] формаси ҳам учрайди: **укәмъ кътәбъ, озъмъ уйъм** каби. Тушум келишигининг [-нъ, -дъ, -тъ] ҳамда ассимиляция ҳодисаси билан боғлиқ бир қанча варианtlари асосан қипчоқ тип шеваларда учрайди: **Кәръмдъ кордъ, бәргдъ уздъ, бърэвдъ кордъ, бәлъқтъ пъшърдъ** каби.

Жўналиш келишигининг [-гә] формасидан ташқари [ә, -йә] варианtlари ҳам бор: [-ә]: **ше: р+ә, бе: р+ә, у: р+ә, бетъм+ә** каби. [-йә]: бу кўпроқ унли билан тугаган сўзларга қўшилади: **тепәйә, кочәйә.**

Қарлуқ лаҳжасига оид шеваларда ўрин-пайт келишиги ва жўналиш келишиги аралаш ҳолда қўлланилиши кузатилади: **уйгә отъръптьлә** (уйда ўтирибдилар), **мәктәпгә оқъймән.**

Қарлуқ лаҗжасига оид шеваларда чиқиш келишигининг [-зән] ассимилятив варианти Самарқанд-Бухоро шеваларида учрайди: **эллъездән кетәптөмъ? пәллъяззән хәндәләй әп келәптө** каби.

Мазкур лаҗжадада [у, бу, шу, ўшә] күрсатиш олмошлари қиёсни ифодаловчи [-дек // -дәкә] қўшимчаларини олганда фонетик ўзгаришларга учрайди: **уннәғ, буннәғ, шуннәғ, мундәқ** каби. Кўрсатиш олмошининг [унақанги, бундақа] формалари ўзбек шеваларида турли кўринишларда келади: [-чъкън, қъчън, -чън] формалари билан ифодаланади: **бунәқэйчъкън, бунәйқъчън, унәйчън** тарзидаги формалари шу шеванинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади

Тошкент шевасида ҳозирги замон давом феъли **-вәт бәрвәттъ, айтвәттъ;** шарт феълининг I ш кўплиги **-вуз, -мъз,** II шахс **-йъз,** ўтган замон феълининг I- ш кўплиги **-мъз, - вуза, - вуз,** II ш-ъз орқали ясалади. Наманганд шеваларида **-ут:** **борути, келуттъ** шакллар қўлланилади.

Ҳозирги замон давом феълининг **[-йәп] (-яп)** аффикси ўрнида Самарқанд-Бухоро шеваларида **-әп // -йәп:** **бәрәпмән, келәпмән;** Наманганд шеваларида **-ут:** **борутиман, келуттъ** шакллари қўлланилади.

Қарлуқ лаҗжасига оид шеваларда [у, бу, шу] олмошлари билан шаклланган **бу ер, шу ер, бу ёқ, у ёқ, шу ёқ** каби ўрин равишилари **[бер, шер, бәғ, шәғ, әғ, ағ, әнәқ]** тарзида қўлланилади. Ушбу равишилар келишик қўшимчаларини олганда **[берә, шерә, урә, буйәққә, экқә, шуйәққә]** каби ишлатилади.

Қарлуқ лаҗжасида пайт маъносини ифодалашда **[бәт сугун, бәт кейън, экунбәт]** каби пайт равишилари қўлланилади.

## Қипчоқ лаҳжасининг муҳим хусусиятлари

Қипчоқ лаҳжасининг вакллари Ўзбекистон Республикасининг жуда катта худудларларида, шунингдек, Қозогистон ва Туркманистон Республикаларида истиқомат қилишади. Қипчоқ лаҳжаси ўзига хос хусусиятлари билан бошқа лаҳжалардан фарқ қилади.

**Фонетик хусусиятлари.** Қипчоқ лаҳжасига оид шеваларда унли фонемалар ўн иккита: **а, ә, ɔ, ъ, и, ы, у, ү, е, Ә, օ, ө.**

Қипчоқ лаҳжасига оид шеваларда танглай оҳангдошлигига риоя қилинади. Сўзнинг бошида ўрта-кенг [ә (e), ө, օ] унлилари қипчоқ шеваларида [й, (e), вө, во] шаклида дифтонглашади. **Йэчкъ, йэләк, вотън** (ўтин), **воләв** (улов), **восмә** (ўсмә) каби. Бу дифтонглашиш ҳодисаси Жанубий Хоразм, Самарқанд вилояти ғарбий шевалари, Найман, Галлаорол, Юқори Қашқадарё қипчоқ тур шеваларида, ҳамда Жанубий Оролбўйи шеваларида ҳам учрайди. Шунингдек, қорақалпок, қозоқ тиллари учун ҳам хосдир. Н. А. Басқаковнинг таъкидлашича, сўз бошида [ә (e), ө, օ] унлиларининг дифтонглашуви қорақалпок тилини бошқа туркий тиллардан ажратиб турувчи ўзига хос хусусият ҳисобланади. Бу ҳодиса, қўумик, гагауз, қарачай-балқар тилларида ҳам кузатилади.

Ўзбек шеваларининг қипчоқ лаҳжасига оид шеваларда қўлланувчи **[ы]** фонемаси лабланмаган, тил орқа унли бўлиб, барча туркий тилларда учрайди. Қипчоқ лаҳжасига оид шеваларда **[ы]** фонемасининг қўлланиши кенгроқ. **Айтың, келың, бөлдыңызмы.** **[ы]** фонемаси ҳамма вақт ҳам ўзининг тил орқа ҳолатини сақлайвермайди. Бу фонема **[й, շ, ч, дж]** товушлари билан бирга келганда **[ъ]** товушига мойил талаффуз қилинади: **буқчайъп; джъл, джъладъ; чърағым, шъпрыйнды** каби.

**[ә > ъ]** ҳодисаси қишлоқ шеваларида учрайди: **тәшлъйдъ, ъшэнмъйдъ** каби.

Ундош фонемаларнинг алмашиниб ишлатилиш ҳодисаси қипчоқ лаҳжасида кенгроқ.

[п > в] ҳодисаси: **чәв** (чоп), **тәв** (топ), **йәвуп** (ёпиб), **тевә** (тепа) каби. Сўз бошида [й] нинг [дж] га ўтиши (й >дж) : **джол** < **йол**, **джәнғәқ** < **йәнғәқ**, **джаман** < **йаман** // **ёмон** каби.

[з] ундош фонемасининг [й] га ўтиши ўзбек шеваларида ҳам учрайди: **сойләдъм** (сўзладим).

[ш] фонемасининг баъзан [с] товуши билан алмашиниши қозоқ ва ўзбеклар яшайдиган жойлардаги ўзбек шеваларида учрайди: **бәсъ** (боши), **бәсәқ** (бошоқ), **тәскъл** (ташкил) каби.

Кипчоқ лаҳжасида [н (нг)] фонемаси сўзнинг охирида келганда чўзиб талаффуз этилади ва сўз қисқариб талаффуз қилинади: **он** (олинг), **кен** (кенг < келинг) каби.

[ғ] фонемаси ҳам [ғ] ва [в] товушлари билан алмашиниб қўлланилади [ғ > г]: **бәйнағъ**, **алған**; [ғ > в]: **бәвлә**, **сәв**, **тәв**, **әвзъ ачувъ**, **сувәр**, **туvrә**, **эвур** каби.

Товушларнинг тушиш ҳодисаси (элизия) ҳам учрайди: [ғ] товушининг тушиши: **у:** **ль** (ўғли), **ту:** **ръ** (тўғри), **о:** **ур** (оғир) ; [қ] товушининг тушиши: **саръ** (сариқ), **қаты** (каттиқ), **аччъ** (аччиқ) каби.

**Морфологик хусусиятлари.** Ўзбек шеваларининг қипчоқ лаҳжасида морфологик шаклларни қўлланишида ҳам маълум даражада ўзбек адабий тилидан ва бошқа шевалардан фарқланадиган жиҳатлари мавжуд.

Кўплик (сон) қўшимчасининг **-ар**, **-лар**, **-дар**, **-тар**, **-зар**, **сәр** варианtlари қўлланилади: **бизар**, **бизлар**, **биз+дар** (бизлар), **ат+тар** (отлар). **-зар** формаси кўпроқ биз, сиз олмошлари билан келади. **Биз+зар**, **сиз+зар**. Кўплик сон қўшимчасининг **[-сәр]** варианти кўпроқ феъл таркибида қўлланилади: **кеңис+сәр**, **алиңис+сар** каби.

Тушум келишигининг **[-и// -ын//ин]** тарзида қўлланиши қипчоқ шеваларида кўпроқ учрайди: **қол+ын** **йу-ды**, **белин** **бәвләдъ**, **коз+ын** **ашты** каби.

Жўналиш келишигининг [-ға, -а, -на, -н] формалари қипчоқ лаҳжасига оид шеваларда қўлланилади: **ерттаға, балаларға, ишға, ашғанага, атама, заман+на, ма+на, ертан барамыз** каби.

Чиқиш келишиги [-дән] ўрнида [-ын, -ин] формалари ҳам қўлланилади: **бармайын, қойды, кормәйън гәпърмә** (бормасдан, кўрмасдан) каби.

. Шунингдек әнә, мәнә қўрсатиш олмошларига [-кәй] қўшимчаси қўшиб ишлатилади: әнәкәй, мәнәкәй. Қипчоқ лаҳжасининг барча ўзбек шеваларида **мана бу, ана у** қўрсатиш олмошлари **минов** тарзида қўлланилади.

Сўроқ олмошларидан **нима** олмоши **не, нэв** тарзида қўлланилиши қипчоқ шеваларида учрайди. **У, бу, шу** олмошлари билан шаклланган **бу ер, шу ер, бу ёқ, у ёқ, шу ёқ** каби ўрин равишлари **мана, ана, ўша** сўзлари билан келса **манжақда, анажақда ошёжақда** каби қўлланилади.

Қипчоқ лаҳжасида ўтган замон феълининг [- (и) б эди] формасидаги [- (и) б] равишдош қўшимчаси [- (и) в] формасида қўлланилади. **кетъведъ, баръви:дъм** каби. Бу ҳолат Фориш, Хоразм (қипч. ) шеваларида ҳам учрайди.

Хозирги замон давом феъли [-джатыр] формаси билан ясалади: **бәраджатыр, келаджатыр** каби.

## Ўғуз лаҳжасининг муҳим хусусиятлари

Бу лаҳжа вакллари Хоразм вилояти, Олот, Қоракўл, Форшуманларида, Қозоғистоннинг Қарнок, Қорабулоқ, Иқон, Қорамурт, Манкент, Туркманистоннинг Тошховуз худудларида истиқомат қиласидилар.

**Фонетик хусусиятлари:** Ўғуз шеваларида унлилар ўнта фонемадан иборат: **и-ы, Ү-ү, ә-а, ө -о, е, ә.**

Сўз бошида жарангсиз [т, қ] ундошлари ўрнида жарангли[ д, ғ] ундошларини қўлланилиши билан фарқланиши ушбу шеваларнинг ўзига хос томонларидан бири: **дъл//тил, гозъ//кўзи, гелди-гитти//келди-кетти** каби.

Чуқур тил орқа ундоши [қ] сўз охирида, баъзан сўз ўртасида туширилади: **соры//сариқ, қаты//қаттик.**

[т] ундоши сўз бошида жаранглашади: **тун//дҮн //д Ү: н** каби.

**е** унлиси **ә// а** унлисига ўтади. **кел//гел, бер//бар//ба:** **р** каби.

**ә// а** унлиси **й** ундоши олдида и билан алмашинади. **бар~мийди~бармә+й- бармий-бармийди.**

Ўғуз шеваларида қисқа ва чўзиқ унлилар фарқланади. Қадимги туркий чўзиқ унлилар мавжуд: ҳайвон маъносида **ат~эт**, исм маъносида **а:** д~ә: д сўzlари қўлланилади.

[қ ] ундоши[ қ] ундошига, [ғ ]ундоши[ ғ] ундошига мойил талаффуз этилади. **қандай~кандай, ғафлат~ғафлат** каби.

Ўғуз шеваларида о-лашиш ҳодисаси худудий фарқланади. Ўғуз шеваларидаги бу ҳодисани профессор М. Мирзаев қуйидагича ифодалайди: Бухоро диалектида [ ә] унлиси сўзнинг бошида, ўртасида, охирида кела олади: **дә: ш, дә: рвэз, дэрвэза, тэсма, овқёт, сөвғә** (ад. орф. тош, боғ, дорбоз, дарвоза, тасма, овқат, совға). Бухоронинг ўғуз шевалари ана шу хусусияти билан ҳам ўзбек тилининг бошқа ўғуз шеваларидан, чунончи Хоразмнинг ўғуз шеваларидан фарқланади, чоғ. Бухоро ўғуз шеваларида:

**дэйи, эжы, йавәқ, ҳәва, дырнәқ, әлмәқ; Хор. да: йъ, а: жъ, йа: ва, ҳава, дъиннақ, алмақ** (ад. тоға, аччиқ, панشاха, ҳа, тирноқ, олмоқ).

**Морфологик хусусиятлари.** Бу лаҗжада жүналиш келишиги қўшимчаси **-а**, - ә тарзида қўлланилади: **дә: ша, қыза//тошга, қизга.** Бухоро ўғуз шеваларида жүналиш келишиги қўшимчаси ўрин пайт келишиги қўшимчаси ўрнида ҳам қўлланилади. **уя отъръпты.**

**Каратқич келишигининг ын, ън** варианtlари қўлланилади: **бъзын пәлыз, гозин** (ад. орф. бизнинг полиз, кўзнинг) каби.

Бухоро ўғуз шеваларида ҳозирги замон феъл формаси **—вәт, вәп** қўшимчалари орқали шаклланади. **Ула гетивотыптыла, галвопман** каби.

Келаси замон аниқ феъли ясовчи аффикс **-жак, -жак** тарзида қўлланилади: **бәржақсан, гетажәксән** каби

Буйруқ-истак феълининг кўпликдаги I шахс шакли-ль-ль аффикси билан шаклланади. **борайлик ~ бараль, айтайлик~айтайлъ** каби.

Шеваларда сифат даража шаклларининг ўзига хос жиҳатлари учрайди. Сифатнинг орттирма даражасида бир предметнинг белги хусусияти бошқа предметдаги белги-хусусиятдан орттирилиб кўрсатилади. Ўзбек адабий тилида ҳам ўзбек шеваларида ҳам белгининг ортиқ даражасини кўрсатувчи маҳсус қўшимчаси (орттирма даражасининг морфологик кўрсаткичи) йўқ. Ўғуз шеваларида сифатнинг орттирма даражаси **дъм** сўзини қўшиш билан ясалади: **дъм ъ: ссь, дъм йахшъ** каби.

Тўлиқсиз феъл эди-ти//ты шаклида талаффуз қилинади. **борғанты, гелганти** (борган эди, келган эди. ).

Ўғуз лаҗжаси лексикасидан намуналар: **ажәқ-ўчоқ; тыкач-чакич; эвуч-ховуч; бәғир-жигар; ена-она; дары-тариқ, сужы – ширин; еким-быр еким** ер-бир экишли ер; **йа: ва// йавақ//йава//жаба**—паншаха; **ҳәппәзы урмоқ-чўмилмоқ; сувлоды-сув** кўйди; **сувлоқ-молларнинг** сув ичадиган жойи; **дузлук-туз** идиши; **ет-гўшт; буламақ** –бир хил суюқ овқат; **дузләды-тузлади;** **эй** э-кафт; **йумрук-мушт; дувәқ// дувәқ-** қопқоқ; **тэнқа-яйловда** чой қайнатадиган кумғон; **ангара-ҳосили** йиғиб олинган экин майдони;

**этыз-экин** экиладиган дала ҳосил етиштириладиган унумдор экин майдони; **қондақ-йўргак**; **ирижэн-гўшт** қиймаси; **дасмал-** қозон сочиғи; **кейвянä-** дастурхончи; **дарымақ** – йўлиқмоқ; **айаз-** совук; **дәрәчä-кичик** эшик; **нишҳот-** қолдиқ, ем, хашак; **ро:** **лагир** – том тепасига ёйиладиган лумбоз лой; **тартянäк-ўргимчак**.

Ўғуз лаҳжасидаги матндан намуна

Қарынжа көлиң бёйиндэ гэзип йўрейкени. Сув тэмёна қарап өсэн бир - отың устына чықыптыр, кейин сув ычжоқ бөлиптири. Бирдэн от қайрылып қарынжа сувэ йықылып гидэн. Кәптэр дараҳтың ужында қарынжа тамаша едип өтирёнкени, үни гөрип дорров үчип гелиптири. Бечерә қарынжа чөкмөсликчин рэссэ үриниптири. Кәптэр кәттә чөпи әлип сувэ тәшләптири. Қарынжа бир әмәлләп, қыйналип зордэн чеккәйэ чықыптири.

Арадан коп вах өтыптыр. Бир гүни авчы кәптәри этжоқ вөлиптири. Бөлийэтэн вақийаны қарынжа гөрип қалып, билдириман авчының аяғыннан дишлап элыптыр. Шу вах авчының мылтығи елиннан душип гидан. Болән вақийадан хэвэрдэр бөлән кәптэр гидипти.

и етарли даражада тадқиқ қилинган эмас. Бу ўринда ўзбек диалектларини илк бор хариталаштириш ишини бошлаб берган В.В.Решетов, Қашқадарё вилояти ўзбек шеваларини хариталаштирган А.Шерматовнинг илмий ишларини қайд этиш ўринлидир. Бу соҳада Ш.Шоабдураҳмонов

## **АРЕАЛ ЛИНГВИСТИКА**

### **Ареал лингвистиканинг тил ва шеваларни ўрганиш усуллари**

Ўзбек диалектологияси соҳасида ўтган асрнинг 60-70-йилларида авж олган диалектологик тадқиқотларнинг 80- 90-йилларда бирмунча сўниши фанимизда тараққиётнинг бир диалектик босқичи – эмперик-тавсифий ишларнинг маълум даражада ўзининг юқори тараққиёт чўққисига етганлиги, янги таҳлил усулларига ўтиши тараққиётни таъминлаш билан узвий боғлиқдир. Диалектологик тадқиқнинг эмперик-тавсифий босқичидан навбатдаги поғонаси қиёсий-тариҳий, диалектологик талқин, ареалогик-картографик ёки лингвогеографик тавсифига, яъни ареал лингвистика соҳасига ўтиш давридир.

Ареал лингвистика соҳаси тил ҳодисаларининг тарқалиш ҳудудларини, бу ҳодисаларнинг ўзаро муносабати ва адабий тилга таъсирини лингвистик ўрганиш билан шугулланади. Ареал лингвистика муайян ҳудудларда тарқалган тил хусусиятларини умумлаштириб, ареал умумийлик – тиллар иттифоқи, шевалар изоглоссаларини аниқлаш ва уларни хариталаштириш ишларини амалга оширади. Шуни айтиш лозимки, ареал лингвистиканинг таҳлилий усули маълум ҳудудда тарқалган тил ҳодисаларини аниқлади, ҳудудий тил хусусиятларини халқ тарихи, тил тарихи билан алоқадор ҳолда қиёслаб, уларнинг ўрни, тарқалиш чегарасини хариталар орқали кўрсатади.

Маълумки, “Ареал” атамаси лотинча “ареа” сўзидан олинган бўлиб, “майдон, ҳудуд” деган маъноларни билдиради. Бу атама тилшуносликка илк марта 1943 йилда италян олимлари М. Бартоли ва Дж. Видосси томонидан киритилган. Лекин аслида тилшуносликка ареал таҳлил элементларини Г. Шухардт, И. Шмидт, Г. Венкер каби олимлар олиб кирган. Кейинчалик

ареал лингвистик тадқиқотларнинг доираси кенгайди. Бу соҳа бўйича XX асрда жуда катта илмий тадқиқот ишлари қилинди. Ареал лингвистика соҳасидаги тадқиқотлар ҳинд-европа тиллари (Е.А.Макайев), славян тиллари (Р.И.Аванесов, Н.И.Толстой), герман тиллари (В.М.Жирмунский), роман тиллари (М.А.Бородина), туркий тиллар (Н.З.Гаджиева), болқон тиллари (А.В.Десницкая) материаллари асосида давом эттирилиб, салмоқли ютуқлар қўлга киритилди.

Ареал лингвистика тушунчаси ва атамаси XX асрнинг 40 йилларида киритилган бўлсада, аммо ареалогик тадқиқотлар ўзининг узоқ тарихига эгадир. Фақат XX аср бошларида тиллар билан боғлиқ худудий масалаларни ўрганувчи йўналиш ареал лингвистика эмас, лингвистик география йўналишида машхур эди. Бу масала диалектолог олим А. Шерматовнинг

“Лингвистик география нима”рисоласида кенг ёритиб берилган.

Туркий тилларнинг таснифлари ҳам худудий ва географик тарқалиш тушунчалари билан узвий боғлиқ бўлади. Жумладан, туркий тилларнинг илк таснифини берган Маҳмуд Кошгари туркий халқлар ва шеваларининг тарқалиш худудларини “Румдан Чингача” шаклда географик чегараларини кўрсатади.

Лингвистик география, диалектология, ареал лингвистика тилшунослик фанининг айни бир соҳасининг турлича номланиши эмас, балки тилнинг турли томонларини турли хил усуслар билан ўрганувчи соҳадир. Ареал лингвистиканинг асосий тушунчалари А.Б.Жўраевнинг ЭЎзбекзабон минтақани ареал ўрганишнинг назарий асослари” номли монографиясида кенг таҳлил қилинган. Монографиянинг “Туркий тиллар ареал лингвистикасининг айрим методологик масалалари”, Рефлексия”, Ўзбек тилшунослигида лингвоареал тадқиқотларнинг шаклланиши ва ривожланишининг асосий омили сифатида” деб номланган I ва II бобларида лингвоареал тадқиқ мақсади ва усуслари батафсил баён этилган. Маълумки, рефлексия деганда ўзбек шеваларининг ва ёзма ёдгорликларини эмперик (фаҳмий, тавсифий) ўрганиш натижасида қўлга киритилган ютуқлар билан

бир қаторда маълумотларни янги мақсадларга эришиш учун қайта гурухлаш ҳамда таҳлил этиб баҳолаш тушунилади. Шунинг учун А.Жўраевнинг тадқиқоти XX асрнинг 30-80-йилларида ўзбек шеваларининг маҳаллий-худудий тавсифи натижасида кўлга киритилган маълумотларни, ареал тадқиқ методи нуқтаи назардан қайта баҳолаш ва таҳлил этишга қаратилган.

Ареал лингвистиканинг тадқиқ усули турли минтақалардаги шеваларда учрайдиган ўхшаш ҳодисаларни аниқлаш ва уларнинг қўлланиш майдонини аниқ белгилашдан иборатdir. Ареал лингвистикада ҳодисаларнинг тарқалиши харитада кўрсатилиади. Шунинг учун хариталаштириш ареал тадқиқотларнинг ҳам усули, ҳам натижасидир.

**Изоглосса**-ареалогик тадқиқотнинг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, ўзаро ўхшаш ҳодисаларнинг тарқалиш нуқталарини ва бу нуқталарни туташтирувчи чизиқни ҳамда ҳодисанинг тарқалиш чегараларини харитада белгиловчи белгидир. Изоглоссани нима асосида ўтказиш (изоглосса мазмuni, тарқалиши, ўрганилаётган ҳодиса ёки қонуният) ареал тилшуносликда жуда катта аҳамиятга эга. Маълумки, диалектолог маълум бир худуддаги шеванинг ўзига хос хусусиятларидан 200-300турдаги ўзига хосликни қайд этса, ареалог шу ҳодисалардан энг аҳамиятли маълум бир шеванинг ўзига хос антологик хусусиятда акс эттирувчи 2-3 белгини (ҳодиса, қонуниятни) изоглосса мазмuni сифатида танлайди ва шу ҳодисанинг тарқалиш маконини (ареалини) аниқ белгилашга ҳаракат қиласди.

Лисоний ҳодисанинг табиатига кўра изоглосса ҳар хил: фонетик, фонологик, морфемик, морфологик, лексик, синтактик бўлиши мумкин.

Шевалар орасидаги чегараларни юқотиб маълум бир ҳодисанинг тарқалиш нуқталарини акс эттирувчи **изоглосса мазмuni** (белгиси) тил тизимида аҳамиятли ҳодиса бўлиши, маълум бир гурух (урӯғ, элат, лаҳжа, тил) ёки бир неча хусусиятларни белгиловчи ҳодиса (қонуният) бўлмоғи лозим. Ҳозирги ўзбек тилшунослиги олдидаги энг муҳим вазифалардан бири ҳам мана шу билан белгиланади. Ўзбек шевалари, туркий тиллар

орасидаги ўхшашлик ва фарқлар жуда кўп. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам изоглосса мазмуни (асоси, белгиси) вазифасини ўтай олмайди. Ўзбек шеваларидаги қипчоқ, ўғуз, қарлук-чигил-уйғур лаҳжаларини ўзига хос хусусияти-сўз бошида й~ж, k~г алмашинуви билан ажрата олиш ҳам бу шевалар орасидаги муҳим белги саналиши мумкин. Чунки бу хусусиятлар лексик фарқлар билан ҳам узвий боғлиқдир. Шунинг учун ареалогик тадқиқот ўтказишдан олдин тадқиқотчи ҳар бир изоглосса мазмунини (асос, белгиси) нинг тил тизимидағи таксонамик (тасниф этиш учун аҳамиятли бўлган) аҳамиятини асосслаб бермоғи лозим. Изоглоссани хариталар орқали қуидагича изоҳлаш мумкин. Хариталар Н. Муродованинг “Ўзбек тили Навоий вилояти шеваларининг лингвоареал талқини” мавзусидаги тадқиқотидан олинди. 1-3 хариталар тадқиқотчининг тадқиқ этган ареали ҳақида этнографик маълумот беради. Жумладан, 3-харитада тадқиқ манбай бўлган 200 дан ортиқ ойконимнинг аниқ жойлашуви ва номланиши берилади. 5-харитада еттига изоглоссанинг шу минтақада тарқалиши кўрсатилган. Барча лексик изоглоссалар битта тушунча оғиз сути қўшма сўзининг ушбу минтақада қандай берилишига асосланади. Харитада ўз аксини топган изоглоссалар (гилагай, далама,увуз, далама//палла, палла, қоғонок//гилагай, жак, палла) ичида гилагай изоглоссасининг етакчилигини кўриш мумкин. 5-харитада кўрсатилганидек, изоглосса чизиқ шаклида бўлиши шарт эмас. У нуқта кўринишида ҳам, алоҳида бир минтақа шаклида ҳам берилиши мумкин. 5-харитадаги 50 дан ортиқ ойконимларни бир умумий зонага-гилагай изоглоссаси зонасига бирлаштириш мумкин. Бу усулдан Г. Благова илмий асарларида фойдаланган. Изоглоссаларни санаб ўтиш, рўйхатда бериш усули билан ҳам ифодалаш мумкин. Аммо хариталаштирилган изоглосса ва ареал ҳақиқий лисоний манзарани **лингвистик ланшафтни** беради. Моҳиятдан атама бўлган ландшафт (немис. манзара, кўриниш) атамаси ареологияда жуда кенг қўлланилади. Ҳақиқатдан ҳам 5-харитага дикқат билан қарасак, харита изоглоссалари



учун асос бўлган еттига сўздан қай бирининг қайси худудларда кўлланилиши харитада ўз аксини топган.

Лексик изоглоссаларнинг тарқалиши. (5-харита)

### Диалектал харита ва атлас, унинг яратилиш тарихи ва аҳамияти.

Диалектологик атлас - маълум бир худуд шевавий ўхшаш ва фарқларни ўзида акс эттирувчи хариталар мажмуасидир. Диалектологик атлас юзлаб, ҳатто минглаб хариталарни ўз ичига олади. Бунинг сабаби лингвистик атласнинг ҳар бир харитаси алоҳида бир изоглосса асосида тузилади.

Маълумки, илк марта Маҳмуд Қошғарий туркий халқлар яшайдиган худудлардаги уруғ-қабила тилларининг худудий тарқалиши бўйича

материаллар тўплади ва уларни қиёсий таҳлил қилиб, харитада уларнинг яшаш худудини кўрсатиб берди. Маҳмуд Қошғарий бу тиллардаги ҳар бир кичик фарқларни ҳам аниқлаш учун қилганлигини таъкидлайди. Бу асарда айрим шаҳар ва қишлоқлар аҳолисининг этник таркиби, ижтимоий тузумига оид қисқача таърифлар, этнотопонимикаси ва айрим қабила ҳамда уруғларнинг жойлашиши тўғрисида ноёб маълумотлар келтирилган

Диалектолог олим А. Шерматов таъкидлаганлариdek, лингвистик атлас натижасида айтилган хулосалар ундаги алоҳида карталар даражасидан ва уларнинг ўзаро боғланишидан келиб чиқади. Лингвистик атлас ўзида маълум тилнинг ҳамма аспекти бўйича материал мавжуд бўлиши билан шу тилнинг назарий ва амалий фонетикаси, грамматикаси ва лексикологияси тараққиётини чукур ўрганиш учун имконият яратади.

Жаҳон тилшунослигида энг яхши диалектологик атлас XX асрнинг бошларида тузилган Жан Жильерон, Эдмонларнинг 12 жилдли “Француз тили атласи” (1902–1912). Шунингдек, Венккер, Вреде томонидан тузилган немис тили атласи (1876–1926), Марбургдаги немис диалектологияси Марказий институти нашр этган “Немис лексикологик атласи”ни ҳам келтириш мумкин. Рус тили диалектологик атласи Москва ФА рус тили институтида Р.И.Аванесов, Б.А.Ларин бошчилигига 1951 йилда “Москва шарқидаги Марказий областлар рус халқи шевалари атласи”, 1952 йилда “Шимоли-гарбий областлар рус халқ шевалари атласи” тузиб чиқилди.

Лисоний хариталарда белгиланган лисоний бирликларнинг тарқалиш ҳудудини тадқиқ этиш, тилларнинг ўзаро алоқасини очиб беришга, тил ҳодисаларининг тарихини, уларнинг тараққиёт босқичларини белгилашга ёрдам беради. Лисоний жуғрофик вазифаларни ҳал этиш танланган лисоний материалнинг қадимийлигига боғлиқ. Масалан, шева лексикасининг мавзуи гуруҳлари объектни текшириш учун муҳим манба ҳисобланади, чунки унинг кўпчилик таркибий қисмлари қадимийdir. Шу боис ҳам улар қадимий ҳудудий лексик оппозицияларнинг пайдо бўлишига имкон яратиши табиий.

Шевалар ўзига хос лисоний хусусиятларга эга. Шеваларнинг тараққиёт даражасини очиб бериш учун, биринчидан, шу шева вакилларининг тарихи орасидаги мавжуд алоқани ҳисобга олиш зарур. Иккинчидан, шевалар воқелигининг ҳозирги чегараларини тўғри талқин этиш учун бу чегаралар тараққиётнинг барча босиб ўтган йўли, натижаси, фақат қадимда эмас, балки кейинги даврларда ҳам юз берган лисоний жараёнларнинг натижаси эканлигини унутмаслик муҳимдир. Учинчидан, шевадаги лексик-семантик фарқлар, макон ва замондаги лисоний ўзгаришлар лисоний омилларнинг мураккаб ўзаро алоқаси натижасидир. Шунга қўра, шевалардаги фарқлар қатор омиллар билан талқин этилади.

### **Ўзбекистон Республикасида ареал лингвистиканинг вужудга келиши, ривожлантирилиши**

Ўзбек халқ шеваларини ҳам лисоний-жуғрофий йўналишда таҳлил қилиш ўзбек шевашунослиги ва ўзбек тили тарихи учун қимматли илмий-назарий хулосалар беришига шубҳа йўқ. Умуман, ҳар қандай диалектологик иш ҳам айни замонда лисоний-жуғрофийдир, зероки, шева ҳамиша ҳудудийдир. Шу боис 1950-1980-йиллардаги барча диалектологик тавсифлар жуғрофийликдан холи эмас. Дарҳақиқат, ўзбек диалектологияси соҳасида 50-60 йилларда минтақавий, ҳудудий шева хусусиятларининг тавсифи – ҳодисалар табиати ва вокализацияси масалаларига асосий эътибор қаратилиб, академиклар Виктор Васильевич Решетов, Шоназар Шоабдураҳмонов, профессорлар Улуг Турсунов, Фаттоҳ Абдуллаев, Собиржон Иброҳимов, Мустақим Мирзаев, Аъзам Шерматов, Қ. Муҳаммаджонов, Худойберди Дониёров каби мумтозларимизнинг, уларнинг кўп сонли шогирдлари, издошлиари шиҷоати, машаққатли меҳнати самараси ўлароқ, ўзбек ҳудудий шеваларининг мукаммал тавсифи ва ўзбек диалектологиясининг лингвогеографик ва ареал тадқиқоти учун жуда катта манба яратилди. Аммо ареал лингвистиканинг лингвоареал тадқиқ усули билан ўзбек тили лаҳжа ва шеваларининг барча ҳудудий кўринишларр

атласини яратишнинг назарий қоидаларини ишлаб чиқди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тилшунос олим А. Жўраев томонидан макон ва замон, ареал лингвистиканинг назарий асослари, уни ўзбек тил майдонини минтақалаштириш, диалектал минтақа (диалектная зона) ва номинтақавий (азонал) қисмлар ривожида тадбиқ этиш усуллари кенг таҳлил қилинган. Шунингдек, Қ. Мухаммаджонов томонидан шимолий ўзбек шевалари, Й. Иброҳимов Жанубий Оролбўй ўзбек шеваларини, Н.Муродова Навоий вилояти шеваларини хариталаштиридилар. Ҳозиргача диалектология соҳасида яратилган хариталар, жуда катта илмий тадқиқотлар “Ўзбек тилининг диалектологик атласи”ни яратилиши учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Лингво-жуғрофий харита материаллари ўзбек шеваларининг мавжуд таснифларини тўлдириш, мукаммалаштиришга, уларга аниқлик киритишга ёрдам беради. Шунингдек, ўзбек шеваларининг пайдо бўлишида қатнашган туркий ва туркий бўлмаган этник гуруҳларнинг ўзаро алоқалари натижасида рўй берган жуда мураккаб этнолингвистик тараққиёт жараёнини ҳам белгилаб беради. Шунингдек, хаританинг лисоний материаллари тадқиқ этилаётган худуддаги ўзбек шевалари тизимининг ташқи диалектал чегараси ва ўзбек тилининг бошқа диалектал зонаси билан алоқасини аниқлаш имконини беради.

Шуни алоҳида айтиш лозимки, ўзбек тилшунослигининг ажralmas қисми ҳисобланган ўзбек диалектологияси соҳасида ҳозирги кунга қадар катта илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган. Кўпгина ўзбек шевалари яхлит ҳолда ўрганилиб, луғатлар тузилган. Шунингдек, йирик монографик асарларнинг яратилганлиги эндиликда шеваларни қиёсий-тариҳий ва типологик тадқиқотнинг ҳозирги замон аниқ ва изчил методи билан, тил ҳодисаларининг тарқалиш чегараларини аниқлаб берувчи ареал йўналишда илмий ўрганишни тақоза қиласи ҳамда ўзбек халқ шевалари атласини яратиш масаласини галдаги вазифа қилиб қўйди.

## Ўзбек адабий тили ва диалектлар

Ўзбек адабий тилининг шевалар билан, шеваларнинг адабий тил билан ўзаро муносабати, уларнинг бир-бирига бўлган таъсирида кўринади. Адабий тил ўқув-ўқитишиш ишлари, вақтли матбуот, радио-телевидение ва етакчи шаҳар шевалари таъсири орқали шеваларга таъсир ўтказиб, уларни адабий тилга яқинлаштириб бораётган бўлса, шеваларнинг адабий тилга бўлаётган таъсири эса, адабий тилнинг луғат таркибини янги сўзлар билан таъминлашда кўринади. Ўзбек шевалари бўйича тўпланган лексик материаллар кўрсатдики, унда кўплаб адабий тилда муқобили бўлмаган ва умуман адабий тилда йўқ сўзлар учрайди. Бундай сўзларни эҳтиёж туғилганда адабий тилга қабул қилиб олиш, адабий тилда муқобили бўлган сўзларнинг синоними сифатида, муқобили бўлмаган ҳолда алоҳида адабий тил лексик бирлиги сифатида фойдаланиш имконияти мавжуд. Мана шундай қилинганда ўзбек адабий тилининг луғат фонди ва луғат таркиби янада бойиши аниқ.

Ўзбек адабий тили пайдо бўлганидан ҳозирги давргача такомиллашиб келишида туркий тилда яратилган асарларнинг муҳим ўрни бор. Юқорида қайд этилган XI-XII асрлардаги қадимги ёзма ёдгорликлар ўша давр тилини бойитишида алоҳида аҳамиятга эга. Бу асарлар ўзбек халқ тили ва адабий тили тараққиётига муносиб ҳисса қўшган асарлардандир.

XIV-XV асрларда буюк Навоий асос согланган эски ўзбек адабий тили тўла шаклланиб етди. Албатта, бу узоқ даврнинг маҳсулидир. Бу давр адабий тилининг ривожланишида Лутфий, Навоий, Атоий, Саккокий, Бобур каби ижодкорлар яратган асарларнинг алоҳида ўрни бор. Айниқса, Алишер Навоийнинг сермаҳсул ижоди ўша давр адабий тилини тараққий этишида улкан ҳисса бўлиб қўшилган бадиий дурдоналардандир. Навоий «Хазойин ул-маоний», «Хамса», «Лисон ут-тайр», «Мажолис ун-нафоис», «Мезон ул-авзон», «Мухокамат ул-лугатайн» каби асарларини ўзбек тилида яратиб, бу тилда ҳам бадиий ва илмий асарлар ёзиш мумкинлигини кўрсата олди.

XVIII-XIX асрларда ҳам ўзбек адабий тили бойиди ва тараққий этиди. Ўзбек адабий тили билан халқ тили ўртасидаги муносабатлар бу даврдаги

феодал тарқоқлиги туфайли бироз бир-биридан узоқлашса-да, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида яна ривожланди. Бу даврга келиб тилимизнинг грамматик қурилиши, лугат бойлиги бир қанча қийинчиликларга дуч келса-да, анча тараққий этди. Бунда Фурқат, Муқимий, Аваз Ўтар ўғли, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирий, Фитрат, Абдулла Авлоний, Чўлпон каби шоир, ёзувчиларнинг хизмати каттадир. Маълумки, ўзбек адабий тилининг тараққиёти халқ тилининг тараққиёти билан бевосита боғлиқ. Чунки адабий тил ўз эҳтиёжи учун зарур воситаларни халқ тилидан, яъни шевалардан олди, улар ҳисобидан бойиб борди.

Адабий тил ва бадиий адабиёт тили тушунчаси айнан бир нарса эмас. Бадиий адабиёт тили миллий адабий тилининг бир соҳаси, услубий соҳасидир. Унда адабий тил, жаргонлар, лаҳжалардан турли мақсадларда фойдаланилади. Адабий тилнинг қўлланиш доираси миллий тилга нисбатан чекланган бўлади. У лаҳжа, шевалар билан алоқада бўлса ҳам, уларни ўз ичига қамраб ололмайди. Миллий тил эса ўзбек адабий тили ва халқ шеваларини ўз доирасига қамраб олади.

Ўзбек адабий тили XX асрда миллий тил сифатида шаклланиш жараёнида анчагина сўзларни шевалардан олди. Шу билан адабий тил у шеваларга ўз таъсирини кўрсатди. Натижада шевалар фонетик, грамматик, лексик хусусиятлари билан адабий тилга мослашиб борди. Шуни айтиш мумкинки, шеваларнинг адабий тил билан муносабати ҳақида гап боргандা улар ўртасидаги ўхшаш, фарқли томонлар ҳамда адабий тилда сўз ва грамматик шаклларни меъёрлаштиришда шеваларнинг ўрни, умуман адабий тилга нисбатан тутган мавқеи назарда тутилади. Маълумки, ҳар бир шевада бирор тушунча биргина сўз билан ифодаланмайди. Айрим шеваларда бирор тушунчани ифода этаётган сўз, бошқа шеваларда бошқа бир тушунчани ифода этиши ёки этмаслиги мумкин. Шу сабабли ҳам адабий тил барча шевалар учун тушунарли бўлган сўзларнигина қабул қиласи.

Хар бир тилнинг ўрганилиш даражаси, унинг ички қонуниятларини билиш, бу тилнинг шеваларини тавсифлаш, уларда сақланиб келаётган бойликларни аниқлаш шевалар билан адабий тил орасидаги алоқаларни ўрганиш билан узвий боғлиқдир. Шу сабабли ҳам шевалар лексикасини чукурроқ ўрганиш, эҳтиёж туғилганда шева сўзларни адабий тилга олиш лозим.

Ўзбек шевалари лексикасидаги деярли барча сўзлар оғзаки, жонли нутқ жараёнида адабий тилдаги сўзлардан бирор жиҳатидан оз бўлса ҳам фарқларга эга. Шевага хос сўзларни ўзбек адабий тили лексикасига қиёслаб қуидагича ҳолатлар белгиланди:

- 1) Адабий тилда муқобили бор сўзлар;
- 2) Адабий тилда муқобили йўқ сўзлар;
- 3) Адабий тил ва шевада шаклан ўхшаш, аммо маъноси ўзга сўзлар;
- 4) Адабий тил билан шевада маъноси ўхшаш, аммо шакли бошқа сўзлар.

**Адабий тилда муқобили бор сўзлар.** Ўзбек шеваларида бирор предмет, иш-ҳаракат, белги-муносабатни билдирадиган сўзлар адабий тилидагидан яна бошқача ном билан ҳам учрайди. Улар қандай ном билан қўлланса ҳам маънолари битта бўлиб, фақат шевалараро турли хил номлар билан юритилади. Шевада мавжуд бўлган баъзи диалектал сўзларнинг ўзбек адабий тилида эквиваленти бор. Ўзбек шеваларида ишлатилиб келинаётган жуда кўплаб диалектал сўзлар қадимги шакл ва маъноларини йўқотмаган. Масалан: **ънэй, ънэк ~ inak** (ДЛТ., 1, 135) - ад. орф. сигир; **йумуртғә ~** (ДЛТ., III, 439) ~ ад. орф. тухум; Шеваларда уй маъносини **тэм** сўзи ифодалайди. Бу сўз қадимги ёзма ёдгорликлардан «Тафсир»да ҳам учрайди. **тэм ~ там** – ад. орф. уй («Тафсир», 283 б). Ёки ёлғон сўзини **ўтрік** (ДЛТ., 1, 127), чақимчи сўзини **ушәк** сўзлари ифодалайди.

Бу фактлар қадимги сўзларнинг халқ шеваларида ҳозиргacha ҳеч ўзгаришсиз сақланиб келаётганини кўрсатади. Бундай сўзларни аниқлаш

учун эса халқ шеваларининг лексикасини янада чуқурроқ ўрганишни талаб этади.

Шеваларда кундалик ҳаёт учун доимо зарур бўлган, фикрни равон ифодалашга ёрдам берадиган, адабий тилни бойитиш учун керакли бўлган сўзлар кўплаб учрайди. Бундай сўзларнинг ўзбек адабий тилида муқобили борлиги учун ҳам улар ҳақида мисоллар келтириш билан чегараланамиз.

а) ном маъносини ифодаловчи диалектал сўзлар:

Шевада	Адабий тилдаги муқобили
<b>энгуштэръ</b>	узук.
<b>элвонч</b>	беланчак. <b>эрғымчәқ</b> маъносида ҳам учрайди.
<b>бәнт</b>	тўғон. Фарғ., Анд. әлъыш // әлъыш ~ Хор. бө гэт // бувёт; Нав. в. ш. дарғат, бант каби.
<b>вэрәжэ</b>	титроқ. Қаттъ шэммолләгэнъ учун вэрәжэ қъләйэптъ.
<b>жэз, чөғърчә</b>	ўғир
<b>жузгән</b> //	ўтин, ёвшан
<b>жувшан</b>	
<b>жәк</b>	оғиз сути

Қонуқ – меҳмон. Ёзма ёдгорликларда ҳам қонуқ сўзи қўлланилган. М. : бір қаріб ман манқа бу кун кеча қонуқі барінлар, бу евда јатайін. Мен бир йўловчиман, менга бу кеча меҳмонликка жой беринглар, шу ерда қолайин (“Тафсир”, 1963, 212, 46).

б) ҳаракат маъносини ифодаловчи диалектал сўзлар

Шевада	Адабий тилдаги муқобили
<b>дэръемәқ</b>	Сиқилмоқ
<b>жъйнәмәқ -</b>	Йигиштиromoқ
<b>ҳәпәзъ тушмәқ</b>	сувда сузмоқ
<b>ъдрәмәғ</b>	меванинг сувда қолиб бузилиши
<b>қундәқләмәқ</b>	йўргакләмәқ

в) белги маъносини ифодаловчи диалектал сўзлар

Шевада	Адабий тилдаги муқобили
элдәркосә	алдоқчи, у элдәркосә бўлә
дэммәл	бесўнақай кишиларга нисбатан ишлатилади
суләмәсе қъ	ишёқмас, дангаса, ландавур
хътмър // хътмур	бахил, ичи қора
ҳөкмён	айнан, ҳақиқатдан

Юқорида келтирилган диалектал сўзларнинг мавжудлиги умумхалқ ўзбек адабий тили лексик системасида шевалар лексикасининг тутган ўрнини белгилашда алоҳида аҳамият касб этади. Юқоридаги келтирилган диалектал сўзлар эҳтиёж туғилган ҳолларда адабий тилдаги муқобил сўзнинг синоними сифатида келиб, синонимик қатор ташкил қилиши мумкин: **ялпиз – ҳулвуй // ҳулбуй, пъдэнә; тўғон - бәнт, дәрғәт; лўмбоз - ғуләнгър; лунж – урт; бахил –хътмър** каби. Бундай ҳолда адабий тил луғавий таркиби янги сўзлар билан бойийди.

**Адабий тилда муқобили йўқ сўзлар.** Ўзбек шеваларида ўзининг фонетик ва морфологик таркиби жиҳатидан, шакл ва маънода фарқланадиган бир қатор диалектал сўзлар борки, уларнинг ўзбек адабий тилида муқобили учрамайди. Шевалардаги адабий тилда учрамайдиган бундай сўзларни икки гуруҳга ажратамиз:

- 1) Адабий тилда муқобили йўқ диалектал туб сўзлар;
- 2) Адабий тилда муқобили йўқ диалектал ясама сўзлар.

**Адабий тилда муқобили йўқ диалектал туб сўзлар.** Диалектал сўзларни луғавий таркибига кўра тадқиқ қилиш, шеваларда узоқ даврлар мобайнида қўлланилиб келган лаҳжавий сўзларнинг моҳиятини очиб беради. Шеваларда шундай сўзлар борки, улар тузилиши, ҳам маъноси билан, ўзининг фонетик ва морфологик таркиби жиҳатдан адабий тил

лексикасидан фарқланади ва адабий тилда учрамайди. Шеваларда ўрикнинг куритилганини **ғолън** сўзи ифодалайди. Ўзбек адабий тилидаги топилмайдиган нодир нарса сўзини ифодалаш учун шевада **энзърэт** сўзи ишлатилади. Бу сўз билан биргалиқда **әвлъйә** сўзи ҳам ишлатилади. Шевада қўлланиладиган, адабий тилда учрамайдиган диалектал сўзларга яна қуидагиларни келтириш мумкин. Масалан: тишининг милки ~ **вэрә** ; майда тош ~ **шәғәл - чәғър**; эски пахта ~ **чәвғут**; қора рангга ивитилган ип чизғич ~ **рәжжә** сўzlари орқали ифодаланади. Устә сънчинъ узунасъгә рәжжә тәртъп улчэдъ. чоф. : Бух. ражжа ( тож. рачча) - қора рангга бўялган ип чизғич. Шеваларда ёстиқнинг узунроқ шаклдагиси **лолә** деб юритилади. Ёки шевада дехқончилик маҳсулотлари сақланадиган жойни **хәммә** сўзи ифодалайди.

Ўзбек шевалари лексикасининг адабий тилда учрамайдиган бундай лаҳжавий сўzlари ўзининг қадимги шакл ва маъносини йўқотмаган ҳолда қўлланилиб келинмоқда.

**Адабий тилда муқобили йўқ диалектал ясама сўзлар.** Адабий тилда учрамайдиган шевалардаги бир қатор сўзлар тузилиши жиҳатидан ясама ёки қўшма бўлади. Бу сўзларнинг таркибида морфема ёки компонентлардан бири адабий тилга маълум ёки маълум бўлмаслиги мумкин. Улар қандай тузилишидан қатъий назар лексик бирлик сифатида адабий тилда учрамайди. Улар қуидаги кўринишга эга:

а) диалектал сўз ўзбек адабий тилидаги компонентлардан тузилиши мумкин. Бундай ҳолат қўшма сўзлар таркибида учрайди. Мас. : Қадим-қадимдан ёш қиз болалар ўртасида **бештәш** ўйини мавжуд бўлган, ҳозир ҳам бу ўйин ўйналади, бу ўйин унинг аввалги номи билан сақланган. Беш ва тош сўзларидан тузилган **бештәш** қўшма сўзи таркибида беш ва тош сўзлари ҳозирги адабий тилимизнинг лугат таркибида бўлса ҳам, лекин уларнинг қўшилувидан ҳосил бўлган сўз адабий тилда йўқ. Яна қуидаги мисолларни келтириш мумкин: **кельнбәрмәғ** - узум навининг бир тури

б) Кўшма сўзниг I-компоненти ўзбек адабий тилида маълум, 2-компоненти фақат шевалардагина учрайди. **дэйрэвёт** - даёning қирғоғи, лаби, ёқаси маъноларида қўлланилади. **чэйгэрдён** - тўйларда суюқ овқатларни сузишда, сув ичишда ишлатиладиган узун дастали рўзгор асбоби.

Шеваларда ҳозирги ўзбек адабий тилида бутунлай учрамайдиган диалектал сўзлардан ташқари, адабий тилда ишлатилмайдиган морфемалар, лексик бирликлар мавжудки, бу мазкур шеваларнинг лексик имкониятлари кенглигидандир. Ўзбек адабий тилининг луғат таркибида учрамайдиган шевага хос бўлган яна қуидаги лексик бирликларни келтиришимиз мумкин. Масалан:

**мэйльқ** - сочик (қипчоқ) Нав. в. ш; Ж. Қозоғистон майчачық;  
**култәпешәк** - ўрта ва кекса ёшдаги аёлларнинг киядиган бош кийими

**озбърчълък, этэтоп, энэтоп** - яқин қариндош уруғлар; **шувурғэнъ** - узум навининг бир тури; **бешть** - узум навининг бир тури; **ҳэжъхэнъ** - эртапишар олма. Бэғъмъздэ ҳэжъхэнъ әлмәлә коп; **търэмэйъ** - кузда пишадиган, қиши билан сақланадиган олма; **пэрдевэр** - уй деворлари пахса ёки ғиштдан қилиниб, болор қўйилганда атрофи яrim пахса, пэрдевэр қилинади; **чэнғәләқ** - пахтаси олинган ғўза пўчоғи; **пэйъч** - оёқ кийимсиз, пойабзалсиз; **лъкчоп** - бир учига пахта ўралган чўп.

Юқорида келтирилган жуда кўплаб диалектал сўзлар узоқ вақтлардан бери қўлланилиб келинган қадимий сўзлардир. Бундай диалектал сўзлар ўзбек адабий тилининг луғат таркибида эҳтиёж туғилганда қабул қилинса, адабий тилнинг луғат таркиби бойиб боради.

**Адабий тил ва шевада шаклан ўхшаш, аммо маъноси ўзга сўзлар.** Ўзбек шеваларининг лексик таркибидан жой олган бир қатор лексик бирликлар адабий тилдаги сўзларга шаклан ўхшасада, уларнинг маъноларида фарқлар мавжуд. Халқ шеваларига хос лексик бирликларнинг адабий тилдагидан маънода фарқланиши сўз маъноларининг тараққиёти билан боғлиқ ҳодиса. Бундай диалектал сўзлар қуидаги қўринишларга эга:

а) ўзбек адабий тилидаги айрим сўзлар шеваларда ҳам кўп маъноли бўлиб, шевадаги сўзлар янги қўшимча маъно англатади. Масалан: Ўзбек адабий тилида **бўз** сўзининг бир неча маъноси қайд этилган. Шеваларда **бўз** сўзининг юқорида қайд этилган маъноларидан ташқари яна бошқа маънолари қўлланилади. **Боз йығът-бақувват йигит; бозоқ эчки** каби.

Шевада **гәшт** сўзи - охири, тугаш пайти маъноларида ишлатилади. Адабий тилда **гаشت** [ф-т] - бирор иш, табиат манзараси, сайд-томуша, давр-даврон ва ш. к. олинадиган эстетик завқ маъносига қўлланилади. **Гўйянда** лексемаси адабий тилда ҳофиз, ашулачи маъносини ифодалайди. Шеваларда **гойэндэ** - ўлим маросимларида ўлган кишини йўқлаб айтиб турувчи аёл. Бу кўпроқ икки тилли шеваларда учрайди; ўзбек адабий тилида **ғорә** - сўзининг бир нечта маънолари қайд этилган. Шеваларда бу сўз- қўйлар турдиган жой маъносини билдиради: **қойләрнъ ғорәгә қэмә**. Шевада **ъркътдэй** сўзи бақувват маъносига қўлланилади. Адабий тилда ирkit - кир, ифлос маъноларини ифодалайди. Бу сўз шеваларда яна бошқа маънода қўлланилади. чоғ. : Жўш. ирkit ~ айрон халта. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ланг сўзининг икки маъноси берилган: 1) ланг [ф-т] эск. чўлоқ, оқсоқ; 2) ланг: ланг очиқ, кенг очиқ, катта очиқ. Шеваларда ланг сўзининг бу маъноларидан ташқари, яна бошқа бир маъноси ҳам мавжуд. Умумий равишда тарқалган касаллик - **лэнг** дейилади. **Сонсиз** лексемаси адабий тилда беҳисоб кўп, сон-саноғи йўқ, беадад маъноларида қўлланилади. Шевада укуви йўқ, кўлидан бирор иш келмайдиган кишиларга нисбатан ҳам **сөнсъз** сўзи ишлатилади. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да хор сўзининг бир нечта маънолари қайд этилган:

Шевада **хор** сўзининг ўзбек адабий тилидаги маънолари ҳам мавжуд бўлиб, унинг яна бошқа маъноси ҳам учрайди. Шеваларда **янтоқ** сўзи билан бирга **хэр** лексемаси ҳам қўлланилади. Қайиш сўзи адабий тилда тасма ва унинг турларини билдирса, шевада **қэйъш** тасма маъносидан ташқари, ун ошининг бир тури - шилпилдоқ маъносига қўлланилади. Қэйъшнинг бир неча хил турлари бўлиб, улар ҳар хил шаклларда пиширилади. **Катта**

қэйъш кафтдек катталикда кесилган юпқа хамирдан иборат бўлса, майдада қэйъш кичикроқ шаклда кесилади.

б) адабий тилдаги сўз билан шаклан ўхшаш бўлган баъзи шева сўзларининг маънолари адабий тилдагидан тамоман бошқа: Ўзбек шеваларида **пәқър** - чепак маъносидан ташқари яна бошқа маънода ҳам қўлланилади. **пәқър** - - камтарин маъносига қўлланилади. Ўзбек адабий тилида итнинг увиллаши **улиди** тарзида ҳам ишлатилади. Шеваларнинг барчасига оғизнинг яллиғланишини **ульдъ** сўзи ифодалайди. Бу сўз Жанубий Қозогистондаги ўзбек шеваларида ҳам учрайди. **улы** - оғиз ва тилнинг касалланиши.

Халқ шевалари лексикасини ўрганиш жонли сўзлашув тилининг чексиз сўз бойликларини очиб беради. Халқ шеваларининг битмас-туганмас сўз бойликлари эса адабий тилнинг луғат таркибини бойитишга қўшимча имкониятлар мавжудлигини кўрсатади.

**Адабий тил ва шевада маъноси ўхшаш, шакли бошқа сўзлар.** Ўзбек адабий тилидаги айрим сўзлар шеваларда бошқа шаклда ёки фонетик ўзгаришлар билан учрасада, аслида уларнинг маъноси ўхшашидир. Бундай сўзлар лексик характерга эга бўлган турли фонетик вариантларда учрайди. Буни лингвистик адабиётларда сўзнинг лексикалашган фонетик-морфологик варианти деб атайдилар.

Бундай сўзларни қўйидагicha изоҳлаш мумкин.

1) шевалар лексикасидаги диалектал сўзлар турли хил фонетик вариантларда қўлланилади:

**ғъйқърдәк // ғъқърдәк // ғъқърдәй** – кекирдак; **қәқәләғ** - (Қизилча) - чақалоқ. қәқәләғнъ коръшгэ кеттъләр.

Ун ошининг бир тури адабий тилда угра оши номи билан қўлланилади. Шевада бу сўзни узмә **эш**, узмән **эш**, **эшъэрд**, **эшъбурдә** сўзлари ифодалайди; **тъпчәк** - бурчак; **кунжәк** - бурчак; **йузувчи** - сузувчи, сувда сузувчи; **тушбурә // чушбурә // чушберә** - чучвара. Чучвәрәнъ сузэптьлә; **сънәчә, ъчкъчә, бъйынгчә, гуппъчә** - нимча; **тэй-тэй** - тета поя. чоғ. :

Тошк. әдәй - чечәй ~ Турк. әҗәк-әҗәк каби; **шъбъртки, шуутки** - супурги; **бәйәгъ** // қипч. байнағы - ҳалиги (Байнағы адам) ; **бәбәй** // қипч. **бәвәй** - бобо. Чайханага бәвәйлә кельщдъ; **вънгълә** - визилла, виз-виз овоз чиқармоқ; **гоппъ** - куви. Гоппънъ ъчъдән йәғни әльш керәк; **елпълләп** — милтиллаб; **жугәръ** - жүхори; **кокмәк** - күм-күк. (кокмәк куйләй) ; **чолпъ** - човли

2) қўшма сўзлар таркибидаги ўзаро фарқли сўзлар:

Ўзбек халқ шеваларида синтактик йўл билан **у, бу, шу, ўша** кўрсатиш олмошларига жўналиш, ўрин-пайт, чиқиши келишиклари формасидаги ер, ёқ сўзларининг қўшилиши орқали равиш ясалиши характерлидир. Улар шеваларда қўйидаги кўринишга эга: **әққә** - (- ад. орф. у ёққа; **йәққә** – ад. орф. у ёққа; **бәққә, шәққә** - ад. орф. бу ёққа, шу ёққа; қипч. **анжаққа, манжакқа** – ад. орф. у ёққа. бу ёққа, шу ёққа.

Ўзбек халқ шеваларида қўшма феълларнинг қўлланишида фарқлар учрайди. От-феъл типидаги қўшма феъллар содда феъл тарзида қўлланилади. Масалан: Қипчоқ лаҗжасига оид шеваларда бундай қилма, шундай қилма, қандай қиласман феъллари **буйтмә, шуйтмә, қәйтәмән** деб юритилади. Диалектал сўз билан адабий тилдаги ўхшаш сўз ўртасида Навоий, Тошк. **әғәнәмәғ – думаламоқ** ~ Қашқ. Жиз. **аганамәқ – англамоқ**, тушунмоқ каби маъноларни билдиради. Навоий, Бух., Сам., Қашқ. **әбжош – қайнаган сув** ~ Урганч, Хива ва Шовот - **әбжө ш (абжӯш)** – қайнаган сувга ботириб олиб қуритилган майиз маъносида қўлланилади. Навоий вилояти шеваларида **эвсәр // авсар – бўшанг, лаванг маъноларида** ишлатилса, **Жанубий Хоразм шеваларида авсар – тўя нўхтасига боғланадиган темир ҳалқа маъносида қўлланилади.**

Ўзбек шеваларида шундай сўзлар ҳам борки, айрим фонетик фарқларни ҳисобга олмаганда, улар адабий тилга хос сўз билан бирга ишлатилиб, шеваларарабо бир хил маънони билдириб келади. Уларни қўйидагича кўрсатиш мумкин.

Бух. **алвәнж** ~ Қашқ. **алвәнч**; Нав. в. ш. **элвәнч** – ад. орф. беланчак;

Хор. **эрқайын** // **арқайин** ~ Қашқ. арқайин ~ Бух. арқайин; Нав. в. ш. **эрқэйън** – ад. орф. бемалол, хотиржам;

Қашқ. **әдрәсман** ; Гурлан адресман; Нав. в. ш. **әдрәсман** // **хәзәрсүбән** // **хәзәръсбән** – ад. орф. исирик;

Бух. **офтәба** ~ Жиз. **әптәвә** ~ Қашқ. **әптовә** ~ Сурх. **офтобә**; Нав. в. ш. **әптәвә** - ад. орф. обдаста;

Қашқ. **әйрът қълмоқ** ~ Бух. ; Нав. в. ш. **әйрът қълмоқ** ~ Сам. **әйрът қилмоқ** - ад. орф. ажратмоқ, фарқламоқ;

Бух., Нав. в. ш. ; Қашқ. **әлис//әлус** ~ Сам. **әлис** – ад. орф. ғилай, «косой»;

Тошк. **әнзърәт** ~ Қашқ. **әнз (и) рәт** – Сам. Нав. в. ш. **әнзърәт** – ад. орф. топилмайдиган, нодир (нарса), анқонинг уруғи;

Бух. Сам. **әбажош** ~ Қашқ. Нав. в. ш. **әбжүш**; ~ Жиз. **әбдыш** ~ ад. орф. қайнаган сув;

Бух. **бәхәвор** ~ Жиз. Қашқ. Нав. в. ш. **бәхәвәр** // **бәхәвәр** – баҳавәр // **баҳавар** ~ Сам. **бәхәвәр** ~ ад. орф. эҳтиёт;

Тошк. **бәйъқьыш** ~ Сам. Бух. Нав. в. ш. **бәйъқьыш** // **бояқиши** ~ Тошк. **бәйъқьыш** – шўрлик, бечора;

Жиз. **гъттәк** ~ Қашқ. **гиттәк** ~ Сам. **гъттәй**; Нав. в. ш. **гъттәк, гъттәй** – ад. орф. жиндай;

Бух. Нав. в. ш. **ғелак** ~ Қашқ. **ғеләк** ~ Сам. **ғелак**. – Сирд. **ғылак** – ад. орф. қийма (думалоқ, ёнғоқдай қилиб овқатга солинадиган қийма гўшт) ;

Бух. Нав. в. ш. **ғулба** // **ғулва**, Қашқ. **ғолва** ~ Сам. **ғулвә** - ад. орф. кувур;

Сам. **ғулангир**, Хор. **ғо:** лагир; Нав. в. ш. **ғолангир** // **ғуллагир** // **ғоләгър** – ад. орф. лўмбоз. тәмгә **ғолангир бәстък**;

Бух. **ғўлунг** // **ғульнг** ~ Сам. Нав. в. ш. **ғульн** ~ Хор. Бофот **ғулун** ~ Қашқ. **ғолун** – ад. орф. қуритилган ўрик;

Қашқ., Жиз., Нав. в. ш. ~ **дәсмол** ~ Урганч, Хива, Ҳазорасп. **дасмал** ~ Сам. **дасмал** – ад. орф. қозон сочиқ;

Қашқ. **эмин-эркин** ~ Бух., Сам., Нав. в. ш. **эмин-эркин** – ад. орф. бемалол, тортинмай;

Бух. **жэйшап** (тож. жой, «ўрин», шаб «кеча» – жойлашиб) ~ Қашқ. **жэйпө ш // жойпъш** – Сам. **жэйпө ш; Нав. в. ш. жэйшәб;** – ад. орф. чойшаб;

Бух. **жувона//жувгэна** ~ Қашқ. **жувэна** ~ Сам. ; Нав. в. ш. **жувэна** – ад. орф. новвос;

Бух. **зомуча//зэмъча** ~ Хор. **замча** ~ Наманган зэмбиччә; **Нав. в. ш. зэмчә//зэмъча** - ад. орф. ҳандалак;

Бух. **зардэлу//залдэрь** – Қашқ. **зардали** – Сам. **зардали** ~ Сурх. **зардали; Нав. в. ш. зэлдэрь//зардали** – ад. орф. хўл ўрик;

Бух. Нав. в. ш. **ъязъ – чув**, Қашқ. **иззи – чув** ~ Сам. **ъязъ – чув** – ад. орф. шовқин-сурон;

Сам. ; Нав. в. ш. **ичкуйэр** ~ Қашқ., Анд. **ичкуйэр** - ад. орф. жонкуяр;

Қашқ. **йәшъиммәчәғ** ~ Сам. ; Нав. в. ш. **йәшъиммәчәғ**, Жиз. **йәшъиммәчәғ** – ад. орф. бекинмачоқ;

Жиз., Қашқ., Нав. в. ш. **йуғурмоқ** ~ Сам., Бух. **йоғъурмоқ** – ад. орф. қормоқ (хамир) ;

Сам., Бух., Жиз., Нав. в. ш. ~ **каду//кадъ** ~ Қашқ. **кәдъ** ~ Сурх. **кады//каду** ~ Хоразм кәди – ад. орф. қовоқ;

Бух., Нав. в. ш. **кърчъмәл** ~ Сам., Жиз. **кърчъмол** – ад. орф. кир кўтариадиган, тез кир бўлмайдиган материал;

Қашқ., Бух., Нав. в. ш. **култәпошәк** ~ Сам. **култәпошәк** – ўрта ва кекса ёшдаги хотинлар киядиган бош кийим;

Қашқ. **қароле** ~ Жиз. **қароль** ~ Хор. **қаролы//қарәль** – Сам.. Нав. в. ш. **қароль** – ад. орф. олхўри;

Қашқ. **нәсәқ** ~ Сам. **нәсәқ**; **Нав. в. ш. нәсәқ//нәсәқ** – ад. орф. айб топмоқ;

Бух., **Нав. в. ш. -нэнпар** ~ Қашқ. **нэмпәр** ~ Сам. **нэнпәр** – ад. орф. чакич;

Юқори Қашқ., Бух. Нав. в. ш. тәвүн ~ анд. тәвүн ~ Тошқ. тәвән ~ Сам.

**тәвүн** – ад. орф. тааллуқли;

Қашқ., Бух., Сам. ҳәшишәкәллә // ҳәшиш ~ Жиз.. ҳәшишәкәллә ~Нав. в. ш. ҳәшишәкәллә - ад. орф. барибир, ҳар қандай ҳолатда шароитда.

Ўзбек адабий тили эҳтиёж туғилганды мана шу каби ўзбек халқининг кўпчилиги учун тушунарли бўлган сўзларни лексик меъёр сифатида қабул қилиши мумкин. Бугунги кунда юқорида келтирилган жуда кўпгина сўзлар ўзбек адабий тилига хос сўз билан параллел ишлатилмоқда. Фонетик жиҳатдан фарқларнинг мавжудлиги, табиий.

Ўзбек адабий тилидаги сўзлардан фонетик жиҳатдан фарқланадиган диалектал сўзларни ўрганиш айрим сўзларнинг қадимдан бизгача қандай товуш ўзгаришлар билан етиб келганини билишимиз учун кўмак бўлади. Тилимизда мавжуд бўлган барча сўзлар ҳам тилимизнинг луғат бойлигини ташкил этади. Ўзбек шеваларида жуда кўплаб сўзлар мавжуд бўлиб, бу сўзларнинг кўпчилиги ҳали адабий тилга қабул қилинмаган. Улар кўпроқ бадиий адабиёт тилида шева вакилларининг нутқидагина ишлатилади.

Адабий тилнинг шеваларга таъсирини оширишда, унинг адабий тилга тўла сингиб кетишини таъминлашда ўрта ва олий таълим муассасаларида ўқиш-ўқитиши ишининг яхши йўлга қўйилиши жуда муҳимдир. Чунки саводхонлик, адабий тил меъёрларини эгаллаш турли хил фан соҳаларини ўзлаштиришнинг ўзи фақат тил орқали амалга оширилади ва адабий тилнинг кенг миқёсда тарқалишига сабабчи бўлади. Шунингдек, адабий тилнинг тараққий этиб бориши ва шевалар билан бойишида, шеваларнинг адабий тилга сингиб кетишида шоир ва ёзувчиларнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Улар ўз асарларини халқ тилига яқин бўлган ҳолда яратадилар. Бадиий асар китобхонни ҳаёт воқелиги билан таништиради. Бадиий асарда диалектизмлар ёзувчи ғоясини амалга оширишда муҳим восита бўлиб хизмат қиласди. Диалектизмлар бадиий асарда эмоционалликни ошириш, образлилик учун хизмат қиласди. Шу тариқа

диалектизмлар адабий тилга сингиб боради ва маълум бир вақтлар ўтиши билан адабий тил мулкига айланади.

Хозирги кунда ҳам ўзбек адабий тили жуда қўп сўз ва терминларни ҳамда грамматик шаклларни шевалардан олади ва улар ҳисобидан бойиб боради. Бу адабий тил ва шеваларнинг ўзаро бир-бирига бўлган таъсири ва муносабати ҳисобланади.

### **Ўзбек адабий тили ва диалектлари автономияси ва гетерономияси.**

Хозирги ўзбек адабий тили меъёрларининг шаклланиб, такомиллашиб бориши узоқ тарихнинг маҳсулидир. Ўзбек адабий тили тараққиётига шеваларга хос нутқий воситаларининг таъсири ҳар бир даврларда турлича бўлган. Ўзбекларнинг элат, халқ ва миллат бўлиб ташкил топиш жараёнида маҳаллий шевалар умумхалқ тилининг асоси ва муҳим манбай бўлиб хизмат қилди. Шуни алоҳида айтиш мумкинки, XI асрдан бошлаб шаклана бошлаган ўзбек адабий тили даврлар оша ўзининг ривожланиши жараёнида жуда мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтди. Ўзбек адабий тилининг шаклланиб боришида ҳар бир даврнинг тарихий шароити, ривожланиш хусусиятларини таъсири бўлди.

Маълумки, ҳар бир шева лексикасининг асосий луғат фонди ва луғат таркиби ўша халқ ҳаётининг барча жабҳаларидан маълумот берувчи ноёб хазинадир Бугунги ўзбек тили шеваларининг лексикаси ўзбек халқининг тарихини, унинг ҳаёт йўлини, бошқа халқлар билан маданий-иқтисодий алоқаларини, ишлаб чиқариш усулларини, унинг дунёқараши, борлиққа муносабати, касб-кори, урф-одати, расм русмларини ўзида яхши акс эттиради. Шу маънода ҳам ҳар бир сўз тарихдир. Ҳар бир сўзда эса ўша шевада сўзлашувчи халқ тарихининг кичик бир мазмуни мужассам. Ўзбек шеваларининг тараққиёт тарихига назар ташласак, у ўзбек тилининг тарихига нисбатан жуда қадимий эканлигининг гувоҳи бўламиз. Ўзбек тили мана шу шевалар асосида ривожланиб, бойиб тараққий этиб келган. Тил ва шеваларнинг ўртасидаги муносабатларни асослаш жараёнида **автономия** терминини Ж.К.Чамберс, Петер Трудгиллар олиб кирдилар. Бу

термин тил ва шеваларнинг мустақил фаолият юритишига нисбатан қўлланади. Буни ўзбек тили ва унинг шевалари ўртасидаги мустақил фаолияти билан изоҳлаш мумкин.

Ўзбекистондан бошқа худудлардаги ўзбек тили ва диалектлари ўртасида ўхшаш ва фарқли томонлар мавжуд. Ўзбек тили амалда бўлган Афғонистонда Ўзбекистондаги адабий тилнинг қонуниятларини сақлаб қолган, лугат фондида муштараклик бор. Аммо уларнинг диалектлари ўртасида фарқлар мавжуд. Бу жиҳатдан эса у ердаги адабий тил ва диалектлар **гетерономик** муносабатда бўлади, яъни тўлиқ мустақил эмас.

Ҳар бир тилнинг ўрганилиш даражаси, унинг ички қонуниятларини билиш, шу тилнинг шеваларини тавсифлаш, уларда сақланиб келаётган бойликларни аниqlаш билан узвийдир, албатта.

# **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР УЧУН МАТЕРИАЛЛАР**

## **ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИДАН ЁЗИБ ОЛИНГАН МАТИЛЛАР**

### **Қипчоқ лаҗжаси**

#### **Хатирчи шеваси**

#### **Оқтовоқ қишлоғи ҳақида**

**(Рахмонов Наврӯз томонидан ёзиб олинган)**

Бүннән бър қанча вахлар бўргун көпкәръёйъиләръ көп өткезългэн экән. Бър күнъ көпчъльй чевендиэлә: көпкәръёйъинъдән қайтайэткан экән, йөлдә уләр тэзә чәрчәшъпть, нә: йэт, бър джәйдә кәттәбър тәл көрънъпть ва уләр эрттә қаган шеръкләрънъ күтъш вә дәм әлъш учун өшә тәлнинг тэйъгә тохташъпть. Шу чевендиэлә: дән бъръ көпкәръдәак тавуқ әгән экән. Хуржинидан нъмәдър әлъш ъчын әчкәнъдә тавуқти қачирип қойипти. Ше: дә тохтаган әдәмлә: тавуқти рәсә қувипти, лекъи ушләйәлмәпть. У вахларда бу жайләрдәхәли ҳеч ким йәшемәгән, хуллас, берләр қориқ йер бөган. Шүннәй экән, тавуқти қаннай үшләсин әдәмлә:. Шү-шу бөльптъйу, ҳәр гәл үләр көпкәръдән қайтайатиб бър-бъръгә дәм әмәймъзмъ дъйъшсә, шеръкләръ күлъп йүрәвер, ақ тавуқ йоқалган джәйдә дәм әгәни тохтаймиз, дейъшәр экән. ШетипАқтавуқ джәй нәмигәйләнгән экән.

Хозирда бу қишлоқ Хатирчи тумани ҳудудида жойлашган.

### **Авоқли қишлоғи ва Қаҳрамон ариғи**

Бурунғы зәмәлләрдә ҳәлъиерләр өзләштърълмәғән вахларда ҳәммәйақ чәнгәлзәр экән. Күнләдән бър күн әдәмләр өшә чәнгәлзәр йерләрдән сув чықарып дейқанчилий қилишга қарап қилишипти. Бу жайләргә сув Зәрәпшән дәрийесъдән келәдъ. Шүннәй қыпәдәмләр қаҳраманлийминән кәттәарықни қазышға къръшъпть. Көп әдәмләр мъйнат қыпти. Бър қабиладан эсәарық қазишда ҳеч към ъштърәк этмәпть. Қаған қабила

къшъларъуләрнъ ҳәм йәрдәмгә чақирипти. Үләр әсә: “Без дъхканчъльй қимиймиз, бъздың а: лъмъз әвчъльймънән кеган, бъз ав а: лъмъз” дъп жәвәб қыпти. Шүннән соғын үләрдъәдәмләр әв ә: лъ дъпәтәй бәшләптъ. “әв ахъль” секъиңлък мънән ағыздан ағызга көчъп “Авақли” бөп кеткән экән. Шуннән соғын Авақли қышлақ нәмъгәйнәлъп қаған. Кәттәқахраманлъйлар мънән изақ йълләр дәвәмъдәәдәмләр қоли мънән қазылған арық “Қараман арық” дъп нәм алъп, халқ үнъ “Қараман” дъп ҳәм әтәйдъ.

Хатирчи туманининг “Қарғатепа” маҳалласи худудида жойлашган бу қишлоқ ичидан катталиги каналча бўлган йирик “Қаҳрамон” ариғи оқиб ўтади.

## ЎҒУЗ ЛАҲЖАСИ

(Аллабердиев Алижон томонидан ёзиб олинган)

### Гұрун

Әләт деподә ишлэйтән быр Ҳемрә орус әдлы әшиңәм бәрты. Орус дылыны зор биләтты. Көп хитир әдәмты. Әпрыслигыннән йеврий дийип ҳем әд әлыпты. Лекин өзы йәмәнәм пәсон болып йуритты. Бечелери болса ҳеммеси пийәнискә, хулигән чықты. Быр оғлы зәвуттә тоқырды, нәхәлний бечекән. Оны нәрқәмән дийип өзүниң гәләвәрләры әлып гидыпдыр. Ҳемрә орусың қарран вәхты көп қыйын болды. Йетты йыллар дәшәкдә йэттты. Шу эрәдә мәмәсыйам олды. Қызларыйам хәвэр әлмәдь. Ҳемсәйа-қара дирисиннән хәвәрдәр вөлип өтирди. Йәмәнәм қыйналып олды. Сөң оғләнлары мирәсин үстиндә көп йилләр гелишмәди.

**Умрзок бобо Худдиев. Олот тумани Бўрибек чандир қишлоғи  
Қарынжа билән кәптәр**

Қарынжа көлин үйиндә гәзип йүрәйкәни. Сув тәмәна қарап өсән бир отың устына чықыптыр, кейин сув ычжәқ бөлиптири. Бирдән от қайрылып қарынжа сувә йықылым гидән.

Кәптәр дарахтың ужында қарынжа тамаша өдип өтирәнкәни, үни гәрип дорров үчип гелиптири. Бечәрә қарынжа чөкмәсликчин рәссе үриниптири. Кәптәр кәттә чөпи әлип сұвә тәшләптири. Қарынжа бир әмәлләп, қыйналип зордән чеккәйә чықыптири.

Арадан коп вах өтыптыр. Бир гүни авчы кәптәри әтжәқ вөлиптири. Бөлийэтән вақийаны қарынжа гәрип қалып, билдирман авчының аяғыннан дишилап әлыптыр. Шу вах авчының мылтығи елиннан душип гидан. Болән вақийадан хәвәрдәр бөлән кәптәр гидипти.

### **Хұжжиеев Содик. Олот тумани, Мурғоқ қишлоғидан ёзиб олинган**

#### **ЭЛЛО**

Элло, элло әдындан, элвәнчларың бәдындан.  
Оғләнжәғым ухласын, бәғың гүли сөлмәсин.  
Шүңә гелен балалар чөп-чөрләрә орнасын.  
Бұлбұл құшың бәласы қамышдандыр қаласы.  
Элло жәнүмың ужы, элло, элло-ей,  
Сениң дилләриң сұжи элло, йә, элло.  
Элло, элло әлвәнды, әрық сұви ләйләнды.  
Бәлық дийип ел сөлсан, ылән болып товланды.  
Элло, элло, элло-йә,  
Оғләнжәғым йәтыптыр, гүл йәстыға бәтыптыр.  
Уйәтмәңлар дәстиләри өйнәп ҳәрып йәтыптыр.  
Элло сени йәрәдан, йоқ йерләрдән бәр едән.  
Элло қылсын, элло, йә, элло.  
Элло әйтәди, мәмәм, әлләләры мұләйим.  
Элло қылсын элло-йә, ухлап йәтсын элло-йә,

## **Ибрагимова Орзигул. Когон тумани Қозоқовул қишлоғи**

### **Йэр-йэрлар**

Овал бәшлап худэйымы йэд едәли, йэр-йэр,  
Пайғамбарлар рүхини шәд едәли, йэр-йэр,  
Пайғамбaryң қызыдей баҳтың болсын, йэр-йэр,  
Мәликәниң тахтидей, тахтың болсын, йэр-йэр.

Әтәм-енәм үйиндә оғлэнүтүм, йэр-йэр,  
Тахты рөвән үстиндә өйнәр әдым, йэр-йэр.  
Тахты рөвән үстиндән тәйип душдым, йэр-йэр,  
Елимдә тыллә қайчы баҳмал бичдим, йэр-йэр.  
Сизә бичән дөнимдә қурәғы йоқ, йэр-йэр,  
Синклимиза йетән йигидин әрмәны йоқ, йэр-йэр.  
Йығлама қыйз, йығлама, төй сеники, йэр-йэр,  
Сулаймәндәй ропекдәр йэр сеники, йэр-йэр.

Буғчасының бәғыны бәғлады қыйз, йэр-йэр,  
Енәсиниң йүрәгини дәғләды қыйз, йэр-йэр,  
Чымылдырық йүрәгини дәғләды қыйз, йэр-йэр,  
Биздән бәрән гелини хорламаңлар, йэр-йэр.

Ешигиңә екениң тәл бөлмәсин, йэр-йэр,  
Гыйәв оғлэнүү гөриңләр, хунук бөлмәсин, йэр-йэр.

Қалын гиләм үстиндә мәллә йигит, йэр-йэр,  
Мәдрәсәдә оқыған мәллә йигит, йэр-йэр,  
Мәдрәсәдә оқымәк савәп болар, йэр-йэр,  
Төкилип қыйз өлсәңгиз мурәд болар, йэр-йэр.

**Мансурова Шоира. Ўқитувчи. Шофиркон тумани, Чандир  
қишлоғи**

**Авчы**

Қады: м замэнларда нишәни бехәтә үрәйэтән бир әвчи йәшийкән. Гүнләриң бириндә у әвә чықыптыр. Киптина өқ-йәйини әлып өрмәнә бәрыптыр. Айланып йурап дерйәниң нә: ри тәмәниндә әйығы гөрән. У йәйини доғырләп, әйығың дәрійә көприсиннан өтишини пәйләптири. Шу вәхт көприйә бир гижижик әйықчаны гөриптири.

Әвчы өзичө: “Көпри дәрәжық. Ҳәзир икиси көпридан сығышмән кәттәси кичисини йықей” дийип өйләптири.

Ики айық бир-бирина йузма-йуз гелип ғалыптыр. Улар өзиниң дилиндә намаларыдыр гәпләшиптири. Авчы уларың урышыны пейләптири. Шу вәхт кәттәси чөккәләп, кичисини үстинә миндириптири. Улар көпридән бирләшип өтиптири.

Авчи гөрәнинә гөзинә ишәнмәптири. Өз-өзигә: “Хатта ҳейвәнлар ҳам бир-биригә мүшкүл вақтда йәрдәм берейкән. Нәмәгә әдәмләр бир-бириң үәрдәм бермийдир” дийип авы тәшләп гидиптири.

**Давлатова Садоқат. Ўқитувчи. Дарғали қишлоғидан**

**Ақ пишик минан қара пишик**

Ақ пишик ҳәр дайым қара пишик минан жәнжәлләшиптири. Ақ пишик ҳәр дәйим қара пишига “сен йәмәнам йәрәмәс, хунуксен” – дийип йүзинә сәлейкән. Бү гәпи ешитән қара пишик йәмәнам хапа бөлейкани. У нәмәгә мени хапа едасин. Қаралығым айбыммы мениң дийейкән. Шүнней бөлсәйәм әқ пишик масқара едишдә довәм едивериптири. Бир гүни әқ пишик бир ойың өциннән отийэтәнқан, песрәқда бир ешикдән сес ешитилиптири. Мунин нәмәкәнлигинә қызығып үңә өстажық йақынлашыптыр. Бү йер көмирхәннакан. әқ йұнләри қәп-қара бөлип, өзи билматптири. Эрығың йәнына гелип сұв ичжоқ бөлип сұvdә рәсмини гөриптири. Өзиниң сұvdә рәсмини

гөрип иби қорса бэлоныны гөрип хапа бөлән. Қорса пишиги көп мәртә хапа еданина пушэймэн бөлиптири.

**Рахимова Олия. Пешку тумани, Каласанг қишлоғи**  
**Талабаларнинг Блум таксономияси бўйича билишга оид ўқув**  
**мақсадига эришганлик даражасини назорат қилиш ва баҳолашда**  
**фойдаланадиган ностандарт тест топшириклари**

**1. Шева лексикасининг семантик хусусиятларига мос лексемаларни аниқланг ва уларни ўзаро мос рақамларга жуфтланг.**

Шева лексикасининг семантик хусусиятлари	Лексемалар	Рақамлар
Синоним – 1	Катта–кичик – 1	
Антоним – 2	Айтиш ман қилинган - 2	
Омоним – 3	Чиройли гапираман - 3	
Табу – 4	Ёз-ёз 4	
Эфимизм – 5	Чиройли, гўзал, латофатли – 5	
Сифат антонимлар – 6	Сувахчи – 6	
Равиш антонимлар – 7	Новча – пакана - 7	
Аффиксал синонимлар - 8	Оз – кўп -8	

Кўп жавобли ностандарт тест жавоби қўйидагича бўлади

Шева лексикасининг семантик хусусиятлари	Лексемалар	Рақамлар
Синоним – 1	Чиройли, гўзал, латофатли – 5	1-5
Антоним – 2	Катта–кичик – 1	2-1
Омоним – 3	Ёз, -ёз – 4	3-4
Табу – 4	Айтиш ман қилинган – 2	4-2
Эфимизм - 5	Чиройли гапираман - 3	5-3
Сифат антонимлар – 6	Новча – пакана - 7	6-7
Равиш антонимлар – 7	Оз – қўп -8	7-8
Аффиксал синонимлар - 8	Сувахчи – 6	8-6

2. Берилган қайси фонетик ҳодисаларга хослиигини аниqlанг ва уларга мос рақамларни тўғри жойлаштиринг.

Фонетик ҳодисалар	Турлариниш номи	Рақамлар
Махси – масси -1 Зарар – залар -2 Учта – ушта -3 Шундан – шуннан -4 Солдат – соллат -5		

Тугма – туйма -6 Индамай–иннамай -7 Игна – инна -8		
---	--	--

Күп жавобли ностандарт тест жавоби қуидагича бўлади:

Фонетик ҳодисалар	Турлариниш номи	Рақамлар
Махси – масси -1 Зарар – залар -2 Учта – ушта -3 Шундан – шуннан -4 Солдат – соллат -5 Тугма – туйма -6 Индамай–иннамай -7 Игна – инна -8	Ассимиляция	1, 4, 5, 7
	Диссимилияция	2, 3, 6, 8

3. Фонетик ҳодисаларни аниқланг ва ҳар бир жадвалга ҳар бир ҳодиса остига мос рақамларни ёзинг.

- 1) ассимиляция 2) метатеза 3) диссимилияция 4) товуш тушиши  
5) спирантизация 6) спонтан 7) товуш орттирилиши

[п-р]	[В]	[н>д]	Афзал	[р>л]	[А]	[қ>х]
Тупроқ	Cу	Сандук	Авзал	девор	Банк	мақтov
Турпок		Саннук		девол	Банка	махтов

Жавоб:

2	4	1	6	3	7	5
---	---	---	---	---	---	---

**4.** Шеваларда антонимларнинг морфологик хусусиятларига мос рақамларни жадвалнинг ўнг томонига ёзинг.

1) сахий-хасис 2) узок-яқин 3) эрта-кеч 4) тўла-бўш 5) қўпаймоқ-озаймоқ 6) аввал-кейин 7) исимоқ-совимоқ 8) қалин-юқа 9) иссиқ-совуқ 10) ёз-қиши 11) нари-бери

Антонимлар	Жавоб рақамлари
От антонимлар	<b>3, 10, 11</b>
Сифат антонимлар	<b>1, 8, 9</b>
Равиш антонимлар	<b>2, 4, 6</b>
Фуъл антонимлар	<b>5, 7</b>

**5.** Шевалардаги белги – сифат ва хусусият (A), предмет номларини билдирувчи (Б), мавҳум тушунчалари ифодаловчи (C) арабча сўзларни аниқланг ва жадвалнинг жавоб қисмига ёзинг.

1. ғарип-бечора	11. ғовға-ғавғо		
2. пақир-фақир	12. тухмат-тухмат		
3. сандуқ-сандиқ	13. сабун-совун		
4. шарап-шараф	14. қапас-қафас		
5. қаззоп-ёлғончи	15. ғопил-ғофил		
6. жалп-жалб	16. са: ун-совун		
7. муҳаббат-	17. аллас-атлас		
муҳаббат	18. қуба-қубба		
8. баҳил-хасис	19. жовҳар-гавҳар		
9. жавҳар-гавҳар	20. пикир-фикр		
10. зайд-зайдиф			
Жавоб б:	A	B	C

Жавоб:	<b>A – 1, 2, 5, 8,</b> 15	<b>B – 3, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 16, 17, 18, 19</b>	<b>C – 4, 6, 7, 20</b>
--------	------------------------------	---	----------------------------

**6.** Куйида берилган фикрларнинг тўғрисига “ҳа”, нотуғрисига “йўқ” деб ёзинг ва жадвалга белгиланг.

1. Шеваларда араб тилидаан ўзлашган сўзлар адабий тилга қараганда кўпроқ учрайди.
2. Омоним сўзлар шеваларда учрамайди.
3. Шеваларда бошқа тиллардан сўз олиш учрамайди.
4. Тилда мўғулча сўзлар қўлланилади.
5. Табу сўзлар шеваларда кенг қулланилади.
6. Эфемизмлар оғзаки нутқда кўп учрайди.
7. Феъл антонимлар мавжуд эмас.
8. Равиш антонимлар шеваларда кўп учрайди.

Жавоб:

1	2	3	4	5	6	7	8

Жавоб:

1	2	3	4	5	6	7	8
Xa	йў қ	Йў қ	Xa	ҳа	ҳа	йў қ	ҳа

7. Берилганлар сўзнинг семантик маъносининг қайси бирига хослигини аниқланг ва уларга мос рақамларни туғри жойлаштиринг

Сўзнинг семантик маъноси	Маъно туғри	Рақамлар
1. Катта-кичик 2. Априқ-семиз 3. Оқ-қора 4. Чиройли, гўзал 5. Катта, буюк 6. Етти, етти 7. Олма, олма 8. Оз-кўп 9. Юз, афт, бет 10. Калта-узун		

Жавоб:

Сўзнинг семантик маъноси	Маъно тури	Рақамлар
1. Катта-кичик 2. Априқ-семиз 3. Оқ-қора 4. Чиройли, гўзал	Синоним	4, 5, 9
5. Катта, буюк 6. Етти, етти 7. Олма, олма 8. Оз-кўп 9. Юз, афт, бет	Антоним	1, 2, 3, 8, 10
	Омоним	6, 7

10. Калта-узун		
----------------	--	--

8. Берилган фонетик ўзгаришларга мос рақамларни ёзинг, аниқланг.  
(шевага оид сўзлар)

1.	Турпо	Фонетик ўзгаришлар	Рақамлар
к	2.	Ра: он	Ассимиляция
ғал	3.	Камма	Диссимилияция
в	4.	Махто	Спонтан Спирантизация
	5.	Девол	Метатоза Товуш тушиши
	6.	Абзал	Товуш
	7.	Софат	орттирилиши

#### Кўп жавобла ностандарт тест жавоби

1.	Турпо	Фонетик ўзгаришлар	Рақамлар
к	2.	Ра: он	Ассимиляция 3
ғал	3.	Камма	Диссимилияция 5
в	4.	Махто	Спонтан 6 Спирантизация 4
	5.	Девол	Метатоза 1 Товуш тушиши 2
	6.	Абзал	Товуш 7
	7.	Софат	орттирилиши

**9.** Фонетик ўзгаришларни аниқланг ва жадвалга ҳар бирiga мос рақамларни ёзинг.

1) спонтан 2) метатеза 3) ассимиляция 4) спирантазация 5)  
диссимилияция 6) элизият 7) товуш ортирилиши

на:	Йоғмир	хамчин	Девол	афон	каммағал	соғат
от						

Кўп жавобли ностандарт тест жавоби

6	2	4	5	1	3	7
---	---	---	---	---	---	---

**10.** Ўзбекча (A), арабча (B), тоҷикча (C) сўзларни аниқланг ва жадвалнинг чап “жавоб” қисмига ёзинг.

1. Шараф	11. Эркин
2. Беҳи	12. Бағир
3. Ўғил	13. Атлас
4. Соат	14. Посбон
5. Барг	15. Соҷ
6. Туҳмат	16. Гавҳар
7. Жувон	17. Бобо
8. Йўл	18. Ғавғо
9. Фақир	19. Оғиз
10. Она	20. Тоғ
A-	B-
C-	

A- 3, 8, 10, 12, 15,	B- 1, 4, 6, 9, 13, 16,	C- 2, 5, 7, 11, 17
----------------------	------------------------	--------------------

**Талабаларнинг Блум таксономияси бўйича тушунишга оид ўқув мақсадига эришганлик даражасини назорат қилиш ва баҳолашда фойдаланадиган ностандарт тест топшириқлари.**

**1.** Синоним, антоним, омоним сўзларни ажратинг ва мос рақамларни жадвалнинг жавоб рақамлар қисмига ёзинг.

1) чиройли; 2) оқ; 3) гўзал; 4) китобни олма; 5) кўхли; 6) қора; 7) катта; 8) қизил олма; 9) кичик; 10) латофатли; 11) яхши; 12) соҳибжамол;  
 13) ёмон; 14) етти.

Маъно тури	Жавоб рақамлар
Синоним	
Антоним	
Омоним	

Жавоби:

Маъно тури	Жавоб рақамлар
Синоним	1, 3, 5, 10, 12,
Антоним	2, 6, 7, 9, 11, 13
Омоним	4, 8, 14

**2.** Антонимларни уларнинг морфологик хусусиятлари билан жуфтланг.

.	От антоним	A	Белги – хусусиятларни англатиб, мантиқан бири иккинчисини инкор этади.
.	Феълантоним	B	Маънолар зиддиятидаги ҳаракатнинг ҳолатини ижро этилиши ўрнини юзага келиш пайтини ҳаракат ёки белгининг миқдорини билдиради.
.	Сифат антоним	C	Кишиларнинг ўзаро муносабатлари, иқтисодий ҳаёти, дунё қарashi, урфодати билан боғлиқ тушунчаларни ифодалайди.
.	Равиш антоним	D	Иш – ҳаракатдаги бирбирига зид тушунчаларни англатади.

Жавоб:	1-	2-	3-	4-
--------	----	----	----	----

Жавоб:	1-С	2-Д	3-А	4-В
--------	-----	-----	-----	-----

3. Фонетик ҳодисаларни хусусиятлари билан жуфтланг.

.	Элизия	A	Ундош товушларнинг ўрин алмашиши.
	Метатеза	B	Нутқда унли ва ундош

•			тovушларнинг тушиб қолиши.
•	Эпентиза	C	Бир унли фонеманинг тушиб қолиши.
•	Синкона	D	Товуш орттирилиши.

Жавоб:	1-	2-	3-	4-
--------	----	----	----	----

Жавоб:	1-B	2-A	3-D	4-C
--------	-----	-----	-----	-----

4. Қарлуқ чигил уйғур (A), қипчоқ (B), ўғуз (C), адабий тил (Д)

Лаҳжаларига хос хусусиятларни аниқланг ва жадвалнинг “жавоб” қисмiga ёзинг.

1. Жер	11. Чуқурлик
2. Тур	12. Овоз
3. Сас	13. Кел
4. Гал	14. Филак
5. Афтоп	15. Олма
6. Укун	16. Энди
7. Ер	17. Бақир
8. Түрт	18. Куби
9. Алма	19. Офтоб
10. Гум	20. Челак

Жавоб:	A-	B-	C-	D-
--------	----	----	----	----

Жавоб:	<b>A</b> - 2, 5, 6, 9, 4	<b>B</b> -1, 17, 20	<b>C</b> -3, 4, 18	<b>D</b> -7, 8, 11, 12, 13, 15, 16, 20
--------	-----------------------------	------------------------	-----------------------	--

**5.** Бадий асар тилининг ўзига хос хусусиятларига мос рақамларни жадвалнинг ўнг томонига ёзинг.

- 1) лаҳжа; 2) қипчоқ; 3) диалект; 4) изоглосса; 5) транскрипция; 6) трансляция; 7) меъёр; 8) орфографик.

Бадий асар тили	Жавоб рақамлар
Адабий тил	
Шевалар	

Жавоби:

Бадий асар тили	Жавоб рақамлар
Адабий тил	5, 6, 8, 9
Шевалар	1, 2, 3, 4, 7

**6.** Шеваларда синонимларнинг тузилишига кўра турларини хусусиятлари билан жуфтланг.

.	Содда синонимлар	<b>A</b>	Маъно жиҳатдан бир хил бўлган икки сўз бириктирилса, шу сўзнинг моҳиятини очади.
.	Жуфт синонимлар	<b>B</b>	Бир – бири билан ҳеч қандай грамматик кўрсаткичсиз муносабатда

			бўладиган туб сўзлар.
.	Бирикмали сўзлар	C	Икки сўзнинг бирикишидан ҳосил бўлган сўз.
.	Кўшма сўз	D	Маънолари бир – бирига яқин, ўхшашибўзлардан иборат.

Жавоб:	1-	2-	3-	4-
--------	----	----	----	----

Жавоб:	1-В	2-А	3-Д	4-С
--------	-----	-----	-----	-----

7. Шеваларда синонимларнинг тузилишига қўра турига мос рақамларни жадвалнинг ўнг томонига ёзинг.

- 1) тўғногич - игнабанд 2) сузажон, сузонгич 3) сувахчи 4) тўфон – до :  
ул 5) бурчай 6) чақимчи 7) сувоқчи 8) тўрт – тор.

Синонимларнинг тури	Жавоб рақамлар
Туб синонимлар	
Аффиксал синонимлар	

Жавоб:

Синонимларнинг тури	Жавоблар рақами
Туб синонимлар	4, 5, 8
Аффиктал синонимлар	1, 2, 3, 6, 7

8. Шеваларнинг тушунчавий терминларини уларнинг таърифи билан жуфтланг.

	Уларнинг таърифи	№	Тушунчавий терминлар
.	Ўзаро бир – бирига яқин шевалар йиғиндиси	<b>A</b>	Диссимиляция
.	Ундош товушлардаги ноўхашлик	<b>B</b>	Диалект
.	Ижтимоий гуруҳларнинг ўзига хос сўзлари	<b>C</b>	Изоглосса
.	Тил, шева фактларнинг teng келиш ҳолатлари	<b>D</b>	Жаргон

Жавоб:	1-	2-	3-	4-
--------	----	----	----	----

Жавоб:	1- <b>B</b>	2- <b>A</b>	3- <b>D</b>	4- <b>C</b>
--------	-------------	-------------	-------------	-------------

**9.** Шеваларда лексик ҳатларнинг турига мос рақамларни жадвалнинг ўнг томонига ёзинг.

1) арабча сўзлар 2) умумтуркӣ сўзлар 3) форс – тоҷикча сўзлар 4) Гарбий – Европа тилларидан ўзлашган сўзлар 5) рус тилидан 6) ўзбек тилининг ўзига хос сўзлари 7) эроний тилла.

Лексик қатлам	Жавоб рақамлар
Ўз қатлам	
Ўзлашган қатлам	

Жавоб:

Лексик қатлам	
Ўз қатлам	2, 6

Үзлашган қатлам	1, 3, 4, 5
-----------------	------------

**10.** Шеваларнинг ўрганиш методларига хос рақамларни жадвалнинг ўнг томонига ёзинг.

1) қиёсий 2) худудий 3) тарихий 4) ареал 5) географик 6)  
хариталаштириш 7) ёзиб олиш 8) лингвогеографик 9) диктофонларда ёзиб  
олиш.

Методлар	Жавоб рақамлар
Тарихий - қиёсий	
Ареал	

Жавоб:

Методлар	Жавоб рақамлар:
Тарихий – қиёсий	1, 3, 7, 9
Ареал	2, 4, 5, 6, 8, 9

**11.** Шевашуносликнинг тушунчавий терминларини хусусиятлари билан жуфтланг.

.	Табу сўзлар	A	Шевага хос сўзлар
.	эфимизмлар	B	Шева, лаҳжалар йигиндиси
.	Диалектлар	C	Тилда баъзи сўзларни маълум шароитларда ман этиш ҳодисаси
.	Диалектал лексемалар	D	Этимологик маъноси чиройли гапираман, кишиларнинг дилига озор

			этмайдиган сўзлар билан мурожаат этаман деган маънога тўғри келади.
--	--	--	---

Жавоб	1-	2-	3-	4-
-------	----	----	----	----

Жавоб	1-С	2-Д	3-В	4-А
-------	-----	-----	-----	-----

**12.** Шеваларнинг тушунчавий терминларини хусусиятлари билан жуфтланг.

.	Унлилар уйғунлиги	<b>A</b>	Тавсифий метод
.	Шеванинг ҳозирги холатини ёзиб олиш методи	<b>B</b>	Сингармонизм
.	Унлилар тизими	<b>C</b>	Транскрипция
.	Ёзувнинг махсус тури	<b>D</b>	Лаҳжа
.	Шевалар йиғиндиси	<b>E</b>	Вокализм

Жавоб	1-	2-	3-	4-	5-
:					

Жавоб	1-В	2-А	3-Е	4-С	5-Д
:					

**13.** Берилган сўз маъноларига мос рақамларни жадвалнинг рақамлар қисмига тўғри ёзинг.

	Мисол		Мисол	Сўз маънолари	Рақам лар
	Чиройли, гўзал		Етти, етти		
	Яхши-ёмон		Оз-кўп		
	Оқ-қора		Юз, афт		
	Катта-кичик		Олма, олма		
	Яхши, дуруст	0	Катта, улкан		

	Мисол		Мисол	Сўз маънолари	Рақам лар
	Чиройли, гўзал		Етти, етти	Синонимл ап	1, 5, 8, 10
	Яхши-ёмон		Оз-кўп		
	Оқ-қора		Юз, афт	Антонимл ап	2, 3, 4, 7
	Катта-кичик		Олма, олма		
	Яхши, дуруст	0	Катта, улкан	Омонимл ап	6, 9

**14.** Шева сўзларининг тузилишини ташкил этадиган товушларга мос рақамларни жадвалнинг ўнг томонига ёзинг.

б 2) а 3) с 4) д 5) о 6) ў 7) к 8) л 9) у 10) з 11) п 12) р 13) м 14) и 15) э

Товушлар	Рақамлар
Унгли товушлар	
Ундош товушлар	

Жавоби:

Товушлар	Рақамлар
Унгли товушлар	2, 5, 6, 9, 14, 15
Ундош товушлар	1, 3, 4, 7, 8, 10, 11, 12, 13, 14

**15.** Шева лексикасининг семантик хусусиятларига мос рақамларни жадвалнинг ўнг томонига ёзинг.

- 1) Содда синонимлар 2) феъл антонимлар 3) сифат антонимлар 4) жуфт синонимлар 5) равиш антонимлар 6) қўшма сўз  
 7) бирикмали сўзлар 8) от антонимлар 9) феъл антонимлар

Маъно тури	Жавоб рақам
Синоним сўзлар	
Антоним сўзлар	

Маъно тури	Жавоб рақам
Синоним сўзлар	1, 4, 6, 7
Антоним сўзлар	2, 3, 5, 8, 9

**16.** Шеваларнинг тушунчавий терминларини хусусиятлари билан жуфтланг.

.	Диакретик белги	.	Диалектолог
.	Шевашунос	.	Ҳарфларга қушимча равишида қўйиладиган

			белгилар
.	Консонантизм		Олд қатор ва орқа қатор хусусиятларига кўра зидланган унлилар
.	Контраст унлилар		Ундош товушлар

Жавоб	1-	2-	3-	4-
Жавоб	1-В	2-А	3-Д	4-С

**17.** Қуйнда берилган фикрларнинг қайсилари тўғри.

- A.** Шевалар адабий тил билан ўхшашликка эга.
- B.** Лексик қатламлар: ўз қатlam va ўзлашган қатламдан иборат.
- C.** Метатеза – товуш орттирилиши.
- D.** Эпентиза – бир унли фонеманинг тушиб қолиши.
- E.** Синнопа – товуш орттирилиши.
- F.** Қипчоқ, қарлуқлаҳжалари мавжуд.
- G.** Қарлуқ, қипчоқ, ўғуз лаҳжалари мавжуд.

Жавоб:

A	B	C	D	E	F	G

Жавоб:

A	B	C	D	E	F	G
Йўқ	Ҳа	йўқ	Ҳа	йўқ	йўқ	ҳа

**Талабаларнинг Блум таксономияси бўйича таҳлилга оид ўқув мақсадига эришганлик даражасини назорат қилиш ва баҳолашда фойдаланадиган ностандарт тест топшириклари**

**18.** Түгри жавобларни аниқланг, жавоблар жадвалига “ҳа” ёки “йўқ” сўзларини ёзинг. (Антонимларни белгиланг)

1. қора – сариқ	8. юз, афт, бет
2. оқ – қора	9. баҳт, тахт
3. чиройли, гўзал	10. иссиқ – совуқ
4. паст – баланад	11. яхши – ёмон
5. олма, олмоқ	12. баҳтли – баҳтсиз
6. катта – кичик	13. мард, жасур
7. ёш – қари	14. улкам, буюк
1	2
3	4
5	6
6	7
7	8
8	9
9	10
10	11
11	12
12	13
13	14
14	15

Жавоб:

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Йўқ	X	йўқ	Xа	йўқ	ҳа	ҳа	Йўқ	йўқ	ҳа
қ	а						қ		

**19.** Кўйида берилган фикрларнинг қайсилари тўғри.

- A.** Содда синонимлар маъно жиҳатдан бир хил бўлган икки сўз бириктирилса, шу сўзнинг моҳиятини очади.
- B.** Содда синонимлар - бир-бiri билан ҳеч қандай грамматик кўрсаткичсиз муносабатда бўладиган туб сўзлар.
- C.** Бирикмали сўзлар - икки сўзниң бирикишидан ҳосил бўлган сўз
- D.** Бирикмали сўз - маънолари бир-бирига яқин ўхшаш сўзлардан иборат.

**E.** Жуфт синонимлар - маъно жихатдан бир хил бўлган икки сўз бириктирилса, шу сўзнинг маъносини очади.

**F.** От антонимлар - белги хусусиятларни англатиб, мантиқан бири иккинчисини инкор этади.

**G.** Феъл антонимлар - иш-харакатдаги бир-бирига зид тушунчаларни англатади.

Жавоб: **B, D, E, C**

**20.** Тушириб қолдирилган сўзларни ёзинг.

1) Шакли ҳар ҳил, маъноси бир ҳил сўзлар..... дейилади.

2) Қарама қарши маъноли сўзлар..... дейилади.

Тушириб қолдирилган сўзларни ёзинг. (Жавоби)

1) Шакли ҳар ҳил, маъноси бир ҳил сўзлар синонимлар дейилади.

2) Қарама қарши маъноси сўзлар антонимлар дейилади.

**21.** Нуқталар ўрнига тушириб қолдирилган сўзни қўйинг.

1) ..... маънолари бир-бирига яқин, ўхшаш сўзлардан иборат.

2) Қарама-қарши маъноли сўзлар..... дейилади.

Тушириб қолдирилган сўзларни қўйинг. (Жавоби)

1) Кўшма сўзлар маънолари бир-бирига яқин, ўхшаш сўзлардан иборат.

2)

Қарама-қарши

маъноли

сўзлар

антонимлар дейилади.

**22.** Шеваларда синонимларнинг тузилишига қўра турларини аниқлаб схемада ифодаланг.

- 1) содда синонимлар; 2) сифат синоним; 3) бирикмали синоним;
- 4) жуфт синонимлар; 5) от синоним; 6) лексималар; 7) қўшма сўзлар.

Жавоб:

--	--	--	--	--	--	--	--

Жавоб:

--	--	--	--	--	--	--	--

**23.** Фонетик ҳодисаларни аниқлаб схемада ифодаланг.

- 1) диссимилияция
- 2) метатеза
- 3) диалект
- 4) изоглосса
- 5) эпентеза
- 6) синкопа
- 7) anakопа
- 8) ассимиляция

Жавоб:

--	--	--	--	--	--	--	--

Жавоб:

1	8	2	5	6	7		
---	---	---	---	---	---	--	--

**24.** Куйида берилганлар антоним ёки антоним эмаслигини жадвалга ракамлариоркали ёзинг.

- 1) Новча-пакана, иссиқ-совук
- 2) Чиройли, гўзал, қўхли

- 3) Оз-кўп, узоқ-яқин
- 4) Дангаса-ишичан
- 5) Юз, бет, афт, башара
- 6) Суюнмоқ-ачинмоқ

Антоним	Жавоб рақамлари
От антонимлар	
сифат антоним	
равиш антоним	
феъл антоним	

Жавоби:

Антоним	Жавобрақамлари
От антоним	4
Сифат антоним	1
Равиш антоним	3
Феъл антоним	6

## 25. Тушириб қолдирилган сўзларни қўйинг.

- 1) Унлилар уйғунлиги..... дейилади.
- 2) Ёзувнинг махсус тури..... дейилади.
- 3) Шевалар йигиндиси..... дейилади.

Тушириб қолдирилган сўзларни ёзинг (жавоб)

- 1) Унлилар уйғунлиги сингармонизм дейилади.

- 2) Ёзувнинг махсус тури транскрипция дейилади.
- 3) Шевалар йиғиндиси лаҳжалар дейилади.

**26. Нуқталар ўрнига тушириб қолдирилган сўзларни қўйинг.**

- 1) Тилда баъзи сўзларни маълум шароитларда ман этиш ходисаси..... дейилади.
- 2) ..... ни этимологик маъноси чиройли гапираман, кишиларнинг дилига озор етмайдиган сўзлар билан мурожаат этаман деган маънога тўғри келади.

Жавоб:

- 1) Тилда баъзи сўзларни маълум шароитларда ман этиш ходисаси табу сўзлар дейилади.
- 2) Эфимизмларни этимологик маъноси чиройли гапираман, кишиларнинг дилига озор етмайдиган сўзлар билан мурожаат этаман деган маънога тўғри келади.

**27. Сўзларнинг семантик маъноларини аниқланг.**

1. Маъноси қарама-қарши бўлган сўзлар антонимлар хисобланади.
2. Қарама-қарши маъноли сўзлар антонимлар дейилади.
3. Диалектал эфемизмлар
4. Шакли ҳар хил маъноси бир хил сўзлар.
5. Маъноси жихатдан бир хил бўлган икки сўз бириктирилса шу сўзнинг маъносини очади.
6. Шакли бир хил маъноси ҳар хил сўзлар омонимлардир.
7. Табу сўзлар.

**Жавоб: 1, 2, 4, 5, 6**

Талабаларнинг хулоса ясашга оид ўкув мақсадига эришилганлик даражасини назорат қилиш баҳолашда фойдаланиладиган ностандарт тест топшириқлари.

**28.** Қуидада берилганларнинг қайсилари тўғри жавоблар жадвалига «ҳа» ёки «йўқ» сўзларини ёзинг.

- A.** Шевалвр тарихий – қиёсий усулда ўрганилган.
- B.** Шевалар лингвоареал усулда ўрганилмоқда.
- C.** Шевалар морфологик усулда ўрганилмаган.
- D.** Шеваларда бошқа тиллардан ўтган сўзлар кам учрайди.
- E.** Фонетик ҳодисалар шеваларда кўпроқ.
- F.** Эфемизмлар шеваларда кўп учрайди.
- G.** Шеваларда умумтур сўзлар кўп сақланган.

Жавоб:

<b>A</b>	<b>B</b>	<b>C</b>	<b>D</b>	<b>E</b>	<b>F</b>	<b>G</b>
Ҳа	ҳа	йўқ	йўқ	ҳа	ҳа	Ҳа

**29.** Тўғри фикрларни аниқланг. Жавоблар жадвалига “ҳа” ёки “йўқ” сўзларини ёзинг.

1. Лексикологияда сўз маънолари, луғат таркиби ўрганилади.
2. Синонимлар ўрганилади.
3. Табу, эфемизмлар ўрганилади.
4. Лексик қатламлар: ўз-ўзлашган қатламалар ўрганилади.
5. Морфологик қўшимчалар қиёсланади.
6. Синтактик муносабатлар аниқланади.
7. Антоним, омомним, сўзлар адабий тил билан қиёсланади.
8. Кўп маъноли сўзлар ўрганилади.

Жавоб:

1	2	3	4	5	6	7	8

1	2	3	4	5	6	7	8
X a	X a	xa	X a	йү к	йү к	X a	xa

**Талабаларнинг Блум таксономияси бўйича таҳлилга оид ўқув  
мақсадига эришганлик даражасини назорат қилиш ва баҳолашда  
фойдаланадиган ностандарт тест топшириклари**

**30.** Қуйидаги бериладиган фикрларнинг қайсилари тўғри бўлса “ҳа” нотўғри бўлса “йўқ” сўзларини қўйинг.

- A.** От антонимлар белги хусусиятларни англатиб, мантиқан бири иккинчисини инкор этади.
- B.** Сингармонизм ҳодисалари учрайди.
- C.** Шеваларда синонимларнинг содда, жуфт, бирикмали турлари учрайди.
- D.** Қарлуқ, қипқоч, ўғуз лаҳжалари ўзбек тилининг тил бирликларидир.
- E.** Шеваларда омонимлар кенг маъноларга эга.
- F.** Шеваларда умумтуркий лексик қатlam кўп миқдорни ташкил қиласи.
- G.** Эфемизмлар хам учрайди.

Жавоб:

A	B	C	D	E	F	G

A	B	C	D	E	F	G
ҳа	Йўқ	ҳа	ҳа	ҳа	ҳа	Йўқ

## **МУСТАҚИЛ ИШЛАР УЧУН АДАБИЁТЛАР**

- Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси. – Т. : Фан, 1978. – 144 б.
- Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Т. : ўқитувчи, 1973. – 320 б.
- Абдурахмонов Д. Қарлуқлар ва уларнинг тили // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1987. – 6-сон. – Б. 30-56..
- Ареальные исследования в языкоznании и этнографии: тезисы. – Уфа, 1985. – 202 с.
- Асамутдинова М. Кийим-кечак номлари. – Т. : Фан, 1981. – 115 б.
- Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Т. : Фан, 1985. – 200 б.
- Благова Г. Ф. Тюркское склонение в ареально-историческом освещении (юго-восточный регион). – М. : Наука, 1982. – 304 с.
- Бобоҷонов Й. Жанубий Хоразм этнографик лексикаси. : Филол. фанлари номзоди... дис. – Т., 1997. – 187 б.
- Боровков А. К. Таджикско-узбекское двуязычие и вопросы о взаимовлиянии таджикского и узбекского языков // Ученые записки Института Востоковедения. – М., 1952. – ТIV. – С. 165-200.
- Бородина М. А. О понятиях «диалектология», «лингвистическая география», «ареалогия» и «ареальные исследования» // Типы языковых общностей и методы их изучения: тезисы. – М., 1984. – С. 20-22.
- Гаджиева Н. З. Тюркоязычные ареалы Кавказа. – М., 1979. – 263 с.
- Джураев А. Б. Теоретические основы ареального исследования узбекоязычного массива. – Т., 1991. – С. 218.
- Дониёров X. Қипчоқ диалектларининг лексикаси. – Т. : Фан, 1979. – 158 б.
- Жирмунский В. М. Немецкая диалектология. – М. -Л., 1956. – 636 с.
- Жўраев Б. Юқори Қашқадарё ўзбек шевалари. Тошкент, 1969

Иброҳимов С. ўзбек тилининг касб-ҳунар лексикаси (Фарғона шеваларининг материаллари асосида) : Филол. фанлари д-ри... дис. – Т., 1960. – 471 б.

Иброҳимов Й., Жанубий Оролбўйи ўзбек шевалари тадқиқи. : Филол. фанлари д-ри... дис. – Т., 2000. - 366 б.

Иброҳимов С. Ўзбек тилининг Андижон шеваси. Тошкент, 1967

Ишаев А. Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. – Т., 1977. – 175 б.

Йўлдошев Т. Тожикистондаги ўзбек шевалари морфологияси. – Т., 1986. – 100 б.

Кошғарий М. Туркий сўзлар луғати (Девону луғотит турк). – Т., 1960. Т. I. – 499 б., 1960. Т. II. – 427 б., 1963. Т. III. – 466 б.

Мирзаев М. Ўзбек тилининг Бухоро группа шевалари. – Т., 1969. – 156 б.

Ражабов Н. Ўзбек шевашунослиги. – Т., 1996. – 303 б.

Рахимов С. Ўзбек тилининг Сурхондарё шевалари. – Т., 1985. – 96 б.

Севортян Э. В. Этимологический словарь тюркских языков. 1974. – М. : Наука, 1974. – 767 с.

Туркий тиллар тараққиёти (Республика илмий анжумани материаллари, 1994 йил, 25-26 октябрь). Т. Фан, 1995, 152 б.

Туробова М. Бўstonлиқ шевасининг баъзи лексик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1968. – 2-сон. – Б. 68-69.

Шерматов А. Лингвистик география нима? – Т., 1981. – 58 б.

Шерматов А., Шоабдураҳмонов Ш. Атлас узбекских народных говоров // Тюркское языкознание: материалы III Всесоюзной конференции. – Т., 1985. – С. 75-77.

Шоабдураҳмонов Ш. Ўзбек шевалари луғати. – Т. : Фан, 1971. – 408 б.

Эгамов В. Самарқанд облатининг ғаллаорол шеваси. – Самарқанд, 1970. – 135 с.

Юсуф Хос Ҳожиб. «Қутадғу билиг». – Т. : Фан, 1971. – 964 б.

Ўзбек шевалари лексикаси, – Т. : Фан, 1991. – 230 б.

## Мундарижа

Сўз боши.....	6
Кириш.....	7
Транскрипция.....	16
Ўзбек шевалари таснифи.....	21
Ўзбек шевалари фонетикаси.....	30
Ўзбек шевалари морфологияси.....	45
Ўзбек шевалари синтаксиси.....	70
Ўзбек шевалари лексикаси.....	73
Қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжасининг муҳим хусусиятлари.....	114
Қипчоқ лаҳжасининг муҳим хусусиятлари.....	118
Ўғуз лаҳжасининг муҳим хусусиятлари.....	121
Ареал лингвистика.....	124
Ўзбек адабий тили ва диалектлар.....	132
Амалий машғулотлар учун.....	147
Ўзбек диалектологиясидан тест топшириқлари.....	152
Мустақил ишлар учун адабиётлар.....	179

## Содержание

Предисловие.....	6
Введение.....	7
Транскрипция.....	16
Классификация диалектов узбекского языка.....	21
Фонетика диалектов узбекского языка.....	30
Морфология диалектов узбекского языка.....	45
Синтаксис диалектов узбекского языка.....	70
Лексика диалектов узбекского языка.....	73
Важные особенности диалектов картук-чигил-уйгур.....	114
Важные особенности диалектов кипчак.....	118
Важные особенности диалектов угуз.....	121
Ареальная лингвистика.....	124
Соотношение литературного языка и диалекта.....	132
Материал для практических упражнений.....	147
Тестовые задания по узбекской диалектологии .....	152
Литература для самостоятельной работы.....	179

## Content

Foreword.....	6
Introduction.....	7
Transcription.....	16
Classification of dialects of the Uzbek language.....	21
Phonetics of dialects of the Uzbek language.....	30
Morphology of the dialects of the Uzbek language.....	45
Syntax of Uzbek dialects.....	70
Vocabulary dialects of the Uzbek language.....	73
Important features of the dialects of Karluk-Chigil-Uigur.....	114
Important features of Kipchak dialects.....	118
Important features of Uguz dialects.....	121
Areal linguistics.....	124
The ratio of literary language and dialect.....	132
Practical exercise material.....	147
Test tasks on Uzbek dialectology.....	152
Literature for independent work. ....	179